Апелляция инстанциясида
маърузачи: судья Т.Кодиров

Биринчи инстанция судининг
судьяси: З.Ахмедова

**ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА САМАРҚАНД ВИЛОЯТ СУДИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ**
**А Ж Р И М И**
**№ 3-1-1401-1903/310-2019**

2019 йил сентябрь ойининг 26 куни жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди апелляция инстанцияси судлов ҳайъати ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи вилоят судининг судьяси Т.Кодиров,ҳайъат судьялари М.Тухтаев ва Ғ.Негматовлардан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Б.Шерматовнинг котиблигида, тарафлардан Самарқанд вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори Э.Султанов,судланувчиР.Наимов ва унинг ҳимоячиси-адвокатларМ.Ярашева ҳамда А.Тангирбердиев, судланувчи Х.Пултов ва унинг ҳимоясичи-адвокатлар М.Ярашева ва Қ.Эшонқулов, судланувчи Ж.Сотиволдиев ва унинг ҳимоячиси-адвокат Қ.Эшонқулов, судланувчи Ф.Вохидов ва унинг ҳимоячиси-адвокат Ш.Разиков, жабрланувчи С.Фузайлов ва унинг ҳимоячиси-адвокат С.Ибрагимов ҳамда фуқаровий даъвогарлар Б.Хатамов ва З.Ғаффороваларнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2019 йил 29июлдаги ҳукмига асосан судланувчилар,

**Наимов Рустам Абдурафикович (Naimov Rustam Abdurafikovich)**, 1983 йил 14 июнда Самарқанд шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилалик, 3 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, Самарқанд шаҳар “Samarkand Business Like” МЧЖ раҳбари бўлиб ишлаган, илгари “Davlatjon Samarqand Savdo” МЧЖда катта уста вазифасида ишлаган, Самарқанд шаҳри, “Чилустун” маҳалласида яшаган, иш бўйича 2018 йил 29 декабрдан “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилганга,

**Сотиволдиев Жамол Комилович (Sotivoldiyev Jamol Komilovich)**, 1986 йил 27 ноябрда Самарқанд вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилалик, 2 нафар фарзандлари бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2015 йил 9 сентябрдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,209-моддаси 2-қисми “а” банди билан юритилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 5-қисми 1-бандига асосан ҳаракатдан тугатилган, судланмаган шахс ҳисобланади, Самарқанд шаҳар “Davlatjon Samarqand Savdo” МЧЖда бош муҳандис вазифасида ишлаган, Самарқанд шаҳри, Оби-Раҳмат кўчаси, 3-йўлак, 14-уйда яшаган, иш бўйича 2018 йил 29 декабрдан “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилганга,

**Пулотов Хушбахт Обидович (Pulotov Khushbaxt Obidovich)**,1981 йил 1 июнда Самарқанд туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилалик, 3 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, “Samarkand Safina Plus” МЧЖ таъсисчиси ва норасмий раҳбари бўлиб ишлаган, Самарқанд шаҳри, “Боғимайдон” МФЙ, Чилстун кўчаси, 6-уйда яшаган, иш бўйича 2019 йил 10 апрелдан “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилганга,

**Воҳидов Фарҳод Азизович (Vohidov Farhod Azizovich)**, 1978 йил 1 октябрда Самарқанд вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилалик, 4 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, “Samarkand Safina Plus” МЧЖ раҳбари бўлиб ишлайди, Самарқанд шаҳри, “Қир” маҳалласида яшайди, иш бўйича унга нисбатан “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилганларга,

нисбатан чиқарилган ҳукми устидан судланувчилар Р.Наимов, Ж.Сотиволдиев ва Х.Пулотовлар ҳамда уларнинг ҳимоячиси-адвокатлар М.Ярашева, Қ.Эшонқулов ва Тангирбердиев ҳамда жабрланувчи С.Фузайлов томонидан келтирилган апелляция шикоятларига асосан жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни;-

**АНИҚЛАДИ:**

Р.Наимовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан 8 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси, 28,181$^{1}$-моддаси 1-қисми билан 3 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси, 28,184-моддаси 3-қисми билан 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 28,189-моддаси билан иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖКнинг 243-моддаси билан муддати 5 йил муддатга озодликдан маҳрум

қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 59 ва 61-моддаларига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 9 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўташлик белгиланган.

Ж.Сотиволдиевга нисбатанЎзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми "а" банди банди билан 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси, 28,181[1]-моддаси 1-қисми билан 3 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси, 28,184-моддаси 3-қисми билан 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси, 28,189-моддаси билан иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, 228-моддаси 2-қисми "а,б" бандлари билан иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, ЖКнинг 59 ва 61-моддаларига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 8 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўташлик белгиланган.

Х.Пулотовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми "а" банди билан иш ҳақининг 25 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, 228-моддаси 2-қисми "а,б" бандлари билан иш ҳақининг 25 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, 243-моддаси билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 59 ва 61-моддаларига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 5 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўташлик белгиланган.

Ф.Воҳидовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми "а" банди билан иш ҳақининг 25 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 6ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, 228-моддаси 2-қисми "а,б" бандлари билан иш ҳақининг 25 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоситайинланиб, ЖКнинг 59-моддасига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил иш ҳақининг 25 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Суднинг мазкур ҳукми билан судланувчилар Р.Наимов ва Ж.Сотиволдиевлардан жиноят оқибатида етказилган 4.836.871.800 сўм моддий зарар солидар тартибда жабрланувчи С.Фузайлов фойдасига ундириш белгиланган.

Шунингдек, судланувчилар Р.Наимов ва Ж.Сотиволдиевлардан Самарқанд шаҳар Давлат солиқ бошқармаси фойдасига 183.309.800 сўмлик моддий зарарлар солидар тартибда ундирилиши белгиланган.

Бундан ташқари, хатловга олинган Самарқанд шаҳар, Оби-Раҳмат кўчаси, 3$^{А}$-манзилда жойлашган "Оби-Раҳмат" пешлавҳали ресторан биноси, ёрдамчи хўжаликлари ва унинг таркибий қисмлари Самарқанд шаҳридаги "Samarkand Safina Plus" МЧЖ фойдаси ёки балансига ўтказилиши белгиланган.

Иш ҳужжатларига кўра,судланувчи Р.Наимов жиноий шериклари судланувчи Ж.Сотиволдиев, Д.Пулотов ва бошқалар ўзларининг жиноий қилмишларини амалга оширишни босқичма-босқич равишда олиб боришиб, турли жиноий йўналишларда ифодаланган фаол ҳаракатларни биргаликда содир қилиб келган.

Яъни, қисми алоҳида иш юритувга ажратилган шахс-жиноий гуруҳ раҳбари Д.Пулотов жабрланувчи С.Фузайловнинг ишончига кириб, алдаб уни жамият таъсисчилари сафига киритиш, ундан жамият фаолияти юзасидан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажаришда фойдаланиб, кейинчалик уни Ж.Сотиволдиев, Р.Наимов ва бошқалар билан жиноий тил бириктирган ҳолда жамият таъсисчилари сафидан сохта маълумотларга асосан чиқариб юборишда ифодаланган жиноий қилмишлари йўналишида:

Қисми алоҳида иш юритувга ажратилган шахс Д.Пулотов ўз мулкий жавобгарлиги остида қонун ва қонуности ҳужжатларига мувофиқ аҳолини иш билан таъминлаш, уларни турли хилдаги маҳсулот ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, шунингдек тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва даромад (фойда) олиш мақсадида 27.02.2007 йилда "Davlatjon Samarqand Savdo" хусусий корхонасини ташкил этиб, уни давлат рўйхатидан ўтказиб, корхонада раҳбар сифатида фаолият кўрсатиб келиб, кейинчалик бир гуруҳ шахслар билан жуда кўп миқдордаги ўзгалар мулкини алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритишда ифодаланган жиноий ниятини амалга ошириш замирида ўзи томонидан пухта ўйлаб чиқилган ва ниқобланган криминал схемалар асосида ҳаракат қилиб, дастлаб 09.04.2009 йилда корхона таъсисчисининг, яъни ўзининг қарори билан фуқаро М.Ҳамраевни корхона таъсисчилари сафига қабул қилиш, корхона устав фондини 1,0 млн. сўмдан 1 млн. 420,0 минг сўмга кўпайтириш, таъсисчилар ўртасида тақсимлаш, корхонани масъулияти чекланган жамиятга айлантириш ва бошқалар ҳақида қарор қабул қилиб, 10.04.2009 йилдаги "Davlatjon Samarqand Savdo" МЧЖ таъсисчилари умумий йиғилишининг 1-сонли баёни билан "Davlatjon Samarqand Savdo" хусусий корхонасини масъулияти чекланган жамиятга айлантириб, жамият устав фондини шакллантириш учун М.Ҳамраев томонидан жамият устав фондига киритилган 420,0 минг сўмлик улуши билан 29,58 фоиз ва ўзи томонидан киритилган 1,0 млн. сўмлик улуш билан 70,42 фоиз кесимида ўзи ва М.Ҳамраевни жамият

таъсисчилари сифатида эътироф этиб, мазкур йиғилиш баёни билан ўзини жамият директори этиб сайлаб, жамиятнинг таъсис шартномаси ва уставини 22.04.2009 йилда давлат рўйхатидан ўтказган.

Кейинчалик 10.04.2010 йилдаги жамиятнинг 1-сонли йиғилиш баёни билан фуқаро С.Фузайловни жамият таъсисчилари сафига миқдори 0,4 тонна бўлган 1,0 млн. сўмлик қурилиш материали билан қабул қилиб, жамият таъсис шартномасининг 4.1. бандига жамият фаолиятини таъминлаш устав фондининг миқдори 2 млн. 420,0 минг сўмни ташкил этиши, жамият иштирокчилари, яъни ўзи учун 1,0 млн. сўм ёки устав фондининг 41,3 фоизи, С.Фузайлов учун 1,0 млн. сўм ёки устав фондининг 41,3 фоизи ва М.Ҳамраев учун 420,0 минг сўм ёки устав фондининг 17,4 фоизи миқдорида белгилаш тўғрисида ўзгартириш киритиб, 12.04.2010 йилда ўзи ва С.Фузайлов томонидан имзоланган "Қурилиш материалини жамият балансига киритиш тўғрисида"ги далолатнома билан С.Фузайлов томонидан жамиятнинг иқтисодий-молиявий аҳволини яхшилаш ва жамиятнинг устав фондини кўпайтириш мақсадида 1,0 млн. сўмлик қурилиш материалини жамият балансига кирим қилиб, жамият таъсисчиси М.Ҳамраевга Самарқанд шаҳар ҳокимининг 19.11.2008 йилдаги 1404-Қ-сонли қарорига асосан Самарқанд шаҳри, Буюк Ипак Йўли кўчасидан 0,53 гектар ер майдонида ишлаб чиқилган лойиҳа асосида биринчи қаватида савдо бинолари ва юқори қаватларида уй жой бинолари қуришга рухсат этилганидан, мазкур майдонда қурилиши давом этаётган биноларнинг бир қисмига, яъни қурилиш ости майдони 1 106 $м^2$ бўлган биноларга шаҳар ҳокимининг 26.05.2011 йилдаги 720-Қ-сонли қарори билан "Davlatjon Samarqand Savdo" МЧЖнинг хусусий мулк ҳуқуқи берилганидан ҳамда мазкур мулк эгаси М.Ҳамраевнинг 11.06.2012 йилдаги "Davlatjon Samarqand Savdo" МЧЖ таъсисчилари сафидан чиқиш ҳамда улушини у ва С.Фузайловларга ўтказиш ҳақидаги нотариал тартибда тасдиқланган аризасидан ўзининг ва жиноий шерикларининг ноқонуний йўллар билан бойлик орттириш мақсадига йўналтирилган жиноий қилмишларини амалга ошириш йўлида фойдаланишиб, М.Ҳамраевнинг мазкур аризасида ўзининг жамиятдаги 420 минг сўмлик (17,4 фоиз) улушини у ва С.Фузайловларга тўлиқ ўтказиб, жамият таъсисчилари сафидан чиқаришни сўраганлиги ҳамда жамият таъсисчилари умумий йиғилишининг 11.06.2012 йилдаги 2-сонли баёнида М.Ҳамраевнинг улуши жамият таъсисчилари ўртасида тенг бўлиниши кўрсатилган бўлса-да, у 11.06.2012 йилда М.Ҳамраев ва ўзи ўртасида "Иштирокчининг устав фондидаги улушдан воз кечиш (улушни ўтказиш) ҳақида" шартнома имзолаб, мазкур шартноманинг 1-бандида М.Ҳамраев 420 минг сўмлик улушидан Д.Пулотовнинг фойдасига воз кечганлиги ҳақидаги шартлар киритиб, мазкур шартномадаги ва 11.06.2012 йилдаги 2-сонли йиғилиш баёнидаги М.Ҳамраевнинг имзо ва ёзувларини жиноий шериклари Ж.Сотиволдиев ва бошқалар билан биргаликда сохталаштириб, жамият таъсисчиси С.Фузайловнинг фойдасига ўтказилиши лозим бўлган улушдан С.Фузайловни сунъий равишда маҳрум қилишиб, С.Фузайловни алдаб, жамият устав фондини 96 млн. 13 минг 323 сўмга кўпайтиришни, устав фондидаги улушни ўзига 48 млн. 6 минг 661,5 сўм ёки 50 фоиз ҳамда С.Фузайловга ҳам 48 млн. 6 минг 661,5 сўм ёки 50 фоиз миқдорида тақсимлаш ҳақида умумий йиғилиш қарори қабул қилиб, жамият уставига ва таъсис шартномасига ҳам худди шу мазмундаги ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги ҳужжатни имзолашиб, бунда С.Фузайловнинг 48 млн. 6 минг 661,5 сўмлик улушини у томонидан муқаддам устав фондини ривожлантириш учун киритилган 1 млн. сўмлик мол-мулклар ва 46 млн. 796 минг 661,5 сўмлик маблағлардан иборат эканлиги ҳақида таъсис (устав) ҳужжатларига ўзгартиришлар киритишиб, С.Фузайловнинг 48 млн. 6 минг 661,5 сўмлик улушини мол-мулк ва пул маблағларига тақсимлаш жараёнида С.Фузайловнинг зарарига ва айни вақтда ўзларининг фойдасига қасддан янглиш ҳисоб-китобларга йўл қўйишиб, мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар жамиятнинг 09.07.2012 йилдаги 2-сонли йиғилиш баёни билан тасдиқлангани ҳақида сохта ёзувлар киритишиб, шунингдек кейинчалик ҳам С.Фузайлов жамият устав фондига нисбатан даъво талаби билан чиқа олмаслигини, фуқаролик ва хўжалик (иқтисодий) низоларида жамият устав фондига ҳамда жамият томонидан олинган фойдага нисбатан даъво талаби билан чиққан тақдирда ҳам Самарқанд шаҳар ҳокимлигидан 9023-сони билан рўйхатдан ўтказилган жамият устав ва таъсис шартномасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги ҳужжат ҳақиқий эмас деб топилишини ҳамда ҳақиқий эмаслик оқибатларини қўлланишини таъминлаш мақсадида мазкур ҳужжатдаги С.Фузайловнинг ёзув ва имзоларини ҳам сохталаштиришиб, уни 09.07.2012 йилда Самарқанд шаҳар ҳокимлигидан 9023-сонли рўйхат рақами билан рўйхатдан ўтказишган.

Д.Пулотов С.Фузайловни алдаб, унинг ишончига кириб олганидан сўнг 2013 йил январь ойидан 2015 йил август ойига қадар ўзи ва жиноий шериклари Ж.Сотиволдиев, Р.Наимов ва бошқалар томонидан жамиятга қарашли мол-мулклар ҳақиқий баҳосидан жуда паст нархларда сотилаётганлигини (сотилганини) С.Фузайловдан яшириш мақсадида жамият таъсисчи ва айни вақтда бош ҳисобчиси ҳисобланган С.Фузайловнинг имзоларини тўлов топшириқномалари ва бошқа бухгалтерия ҳужжатларида ўзининг жиноий шериги Ж.Сотиволдиев ва бошқалар билан биргаликда сохталаштириб келиб, ҳақиқий маънода жамиятнинг нормал иқтисодий фаолият юритишига тўсқинлик қилиб келишган.

Д.Пулотов жамият таъсисчиси С.Фузайловни жамият таъсисчилари сафидан чиқариб юбориш ҳақидаги олдиндан ўйланган жиноий режасининг узвий давоми сифатида ўзининг яқин қариндоши ҳисобланган турмуш ўртоғи Д.Искандарованинг акаси С.Искандаровнинг котиблигида жамият таъсисчиларининг 07.11.2015 йилдаги умумий йиғилиш баённомасини расмийлаштириб, гарчанд С.Искандаров жамият фаолияти, яъни жамият таъсисчиларининг иштироки, устав фондидаги улушлар нисбати, бошқа ташкилий масалалар ҳамда жамият томонидан амалга оширилган молиявий алоқалар (операциялар) ҳақида мутлақо бирон-бир маълумотга эга бўлмаса-да С.Искандаровни мазкур умумий йиғилиш котиби сифатида жалб қилиб, жамият таъсисчиси С.Фузайловни умумий йиғилишдаги

иштирокини таъминламасдан, умумий йиғилиш баёнида ўзининг номидан С.Фузайлов дастлаб 1 млн. сўм қийматидаги мол-мулкларни жамият устав фондини ривожлантириш учун киритмаганлиги натижасида жамиятнинг молиявий режалари барбод бўлганлиги, С.Фузайлов жамият таъсисчиси сифатида ўз мажбуриятларини сурункали равишда бажармасдан келаётганлиги каби сохта маълумотларни киритиб, ноўрин равишда С.Фузайловни жамият фаолиятига тўсқинлик қилаётган шахс сифатида намоён қилиб, уни жамият таъсисчилари сафидан чиқариш ҳамда жамият томонидан 2009-2015 йилларда Самарқанд шаҳри, Б.И.Йўли кўчаси, $3^{Б}$-манзилда қурилган кўп қаватли уй-жой (мансард) ва савдо дўконларини жами 45 нафар шахсларга сотилиши бўйича жадвал кўринишидаги таклиф нархлари ҳамда тўланган пул маблағлари ҳақидаги маълумотларни тасдиқлашни баён қилган.

Бунда Д.Пулотов жамиятга қарашли мол-мулкларни жами 45 нафар шахсларга сотилиши бўйича жадвал кўринишидаги таклиф нархлари ҳамда тўланган пул маблағлари ҳақидаги маълумотларни шакллантириш жараёнида ўзининг жиноий шериклари Ж.Сотиволдиев, Р.Наимов ва бошқалар билан олдиндан келишилган жиноий режаси фош бўлиб қолмаслигини таъминлаш мақсадида қасддан жуда паст нархлардаги таклиф баҳоларини кўрсатган ва ўз навбатида мазкур умумий йиғилиш баёнида С.Искандаров номидан С.Фузайлов жамият устав фондига таъсисчи сифатида ҳеч қандай пул маблағи киритмаганлиги, ўз мажбуриятларини сурункали равишда бажармаётганлиги ва бошқалар ҳақида сохта маълумотлар киритиб, умумий йиғилиш баёнида мазкур сохта маълумотларга асосан С.Фузайловни жамият таъсисчилари сафидан чиқариш ҳақидаги Самарқанд вилоят Хўжалик судига мурожаат қилиш, жамиятга қарашли мол-мулкларни умумий йиғилиш баёнида кўрсатилган сотилиш нархини ва миқдорини тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилишга эришган.

Шундан сўнг, 07.11.2015 йилдаги сохта маълумотларга асосланган жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши баёнидан Д.Пулотов ўзининг 04.11.2015 йилдаги Самарқанд вилоят Хўжалик (иқтисодий) судига С.Фузайловни жамият таъсисчилари сафидан чиқаришни сўраб киритган даъво аризасини суд босқичларида кўрилишида фойдаланиб, ўзининг жиноий шериги Ж.Сотиволдиевга жамият номидан даъвогарнинг вакили сифатида хўжалик судларида иш юритишда қатнашиш, даъвони қувватлаш, даъво предметини ўзгартириш, суд қарорлари устидан шикоят қилиш ва бошқа шу каби ҳуқуқларни берувчи 27.11.2015 йилдаги ишончномани тақдим этган ва Ж.Сотиволдиев мазкур ишончнома асосида С.Фузайловни жамият таъсисчилари сафидан чиқариш бўйича келтирилган даъво предметини ўзларининг жиноий режаларини амалга оширишнинг бир кўриниши сифатида фаол равишда қўллаб қувватлаб келган.

Бундан ташқари, Д.Пулотов ўзининг жиноий шериги Р.Наимовга ҳам худди шу мазмундаги 01.03.2016 йилдаги ишончномани тақдим этган бўлиб, Р.Наимов мазкур ишончнома асосида С.Фузайловни жамият таъсисчилари сафидан чиқариш бўйича келтирилган даъво предметини ўзларининг жиноий режаларини амалга оширишнинг бир кўриниши сифатида фаол равишда қўллаб қувватлаб келган.

Д.Пулотов С.Фузайловни ишончига кириб, алдаб ундан жамият фаолияти давомида Самарқанд шаҳри, Б.И.Йўли кўчаси, $3^{Б}$-манзилдаги кўп қаватли уй-жой (мансард) ва савдо дўконларини сотилишидан олинган фойдани Ж.Сотиволдиев, Р.Наимов ва бошқалар билан жиноий тил бириктирган ҳолда яшириб, ўзлаштиришда ифодаланган жиноий қилмишлари йўналишида:

Д.Пулотов С.Фузайловни жамият иштирокчиси сифатида жалб қилгандан сўнг, уни жамият томонидан Самарқанд шаҳри, Б.И.Йўли кўчаси, $3^{Б}$-манзилда кўп қаватли уй-жой (мансард) ва савдо мажмуалари сифатида қурилиши режалаштирилаётган мол-мулклар қурилишида сармоя киритишга, банклардан олинадиган кредит маблағларини қайтариш молиявий тусдаги мажбуриятлар бажаришга ҳамда мазкур манзилдаги ер майдонини кейинчалик даъво қилмаслик шарти билан М.Ҳамраев билан келишишга кўндириб, қурилиш ишлари тамомлангач мазкур молиявий тусдаги сармояларини тўлиқ қайтариб беришга ва мазкур мол-мулкларни сотилишидан тушган фойдани ўзаро тенг иккига тақсимлаб олишга ваъда қилиб, шу мақсадда у С.Фузайловга тегишли бўлган жами 45 та савдо дўконларини сотилишидан тушган 45 млн. сўмни, “Captiva” русумли транспорт воситасини сотилишидан тушган 73 млн. сўмни, кредит таъминоти учун 50 млн. сўм нақд пулни, ёғ қадоқлаш цехини сотишдан тушган 70 минг АҚШ долларини қурилиш ишлари учун тўғридан тўғри сармоя сифатида, М.Ҳамраевга тегишли бўлган Самарқанд шаҳри, Б.И.Йўли кўчаси, $3^{Б}$-манзилдаги қурилиш ости майдони 1 106 $м^2$ бўлган ер майдонини оғзаки келишувга асосан С.Фузайлов 200 млн. сўмга кейинчалик даъво қилмаслик шарти билан сотиб олганлигидан ҳамда “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Самарқанд минтақавий филиали томонидан жамият учун 2009 йилда ажратилган 400 млн. сўмлик ва 2010 йилда ажратилган 300 млн. сўмлик жами 700 млн. сўмлик кредит маблағларини сўндирилиши учун 580 млн. сўмлик омонат пулларини билвосита сармоя сифатида қўлга киритиб, С.Фузайловнинг ишончига кириб, ўзи томонидан пухта ўйланган ва ниқобланган криминал схемалар асосида ҳаракат қилиб, жамиятга қарашли бўлган Самарқанд шаҳри, Б.И.Йўли кўчаси, $3^{Б}$-манзилдаги кўп қаватли уй-жой (мансард) ва савдо дўконларини жамият таъсисчилари умумий йиғилиши қарорисиз сотиб юбориб, мазкур объектларни сотилишидан тушган фойдани С.Фузайловдан яширишиб, Ж.Сотиволдиев, Р.Наимов ва бошқалар билан ўзаро тақсимлаб олиш мақсадида ҳамда мазкур жиноий қилмишларини шахсан ўзи амалга оширишига кўзи етмасдан ўзига олдиндан таниш бўлган Ж.Сотиволдиев ва Р.Наимовлар билан қуйидагича жиноий тил бириктирган.

Яъни, жиноий режага кўра Д.Пулотов шахсан ўзи ва жиноий шериклари Ж.Сотиволдиев ва Р.Наимовлар билан жамият томонидан Самарқанд шаҳри, Б.И.Йўли кўчаси $3^{Б}$-манзилда қурилаётган кўп қаватли уй-жой (мансард) ва савдо мажмуаларини сотиб олиш ниятида бўлган айрим инсофли

харидорларни топиб, улар билан жамият ўртасида дастлаб “Қурилишда улушдор бўлиб қатнашиш ҳақида” шартномалар тузиб, мазкур шартномаларда инсофли харидорлар билан уй-жой (мансард) ва савдо дўконларини сотиб олиш учун ҳақиқатда келишилган пул маблағини қасддан камайтириб кўрсатиш;

- айрим инсофли харидорлар билан тузилган дастлабки “Қурилишда улушдор бўлиб қатнашиш ҳақида”ги шартномаларда кўрсатилган ҳақиқий келишув нархларини камайтириб кўрсатиш мақсадида мазкур шартномаларни инсофли харидорлардан Ж.Сотиволдиев ва Р.Наимовларнинг ёрдамида нотариал тартибда тасдиқланган шартномалар асосида олди-сотди қилишдан аввал олиб қўйишиб, қасддан жуда паст нархлардаги сохта маълумотлар киритилган “Қурилишда улушдор бўлиб қатнашиш ҳақида”ги шартномаларни қайтадан расмийлаштириш;

- инсофли харидорлар билан тузилган дастлабки “Қурилишда улушдор бўлиб қатнашиш ҳақида”ги шартномаларда кўрсатилган паст нархларга мутаносиб равишда жамиятнинг банклардаги ҳисоб рақамларига пул маблағларини Ж.Сотиволдиев, Р.Наимов ва бошқаларнинг ёрдамида кирим қилиш;

- инсофли харидорлар билан тузилган дастлабки “Қурилишда улушдор бўлиб қатнашиш ҳақида”ги (кейинчалик паст нархлар кўрсатилган ҳолда алмаштирилган) шартномаларда кўрсатилган ҳамда шунга мутаносиб равишда жамиятнинг банклардаги ҳисоб рақамларига кирим қилинган пул маблағлари ҳақида жамият номидан сохта маълумотномалар расмийлаштириш;

-ҳақиқий харидорлари бўлмаган жамиятга қарашли айрим мол-мулкларни гўёки Ж.Сотиволдиев, Р.Наимов ва бошқалар томонидан сотиб олинганлигига ишонтириш мақсадида улар билан жамият ўртасида имкон қадар қисқа фурсатларда жуда паст нархлардаги нотариал тартибда олди-сотди шартномалари расмийлаштириб, кейинчалик юқори (ҳақиқий) нархларда мазкур мол-мулкларга талабгор бўлган инсофли харидорларга сотиш, сотишдан тушган пул маблағларини қасддан жамият ҳисоб рақамига келиб тушмаслигини таъминлаб, ўзаро тақсимлаб олиш;

- ҳақиқий харидорлари бўлмаган жамиятга қарашли айрим мол-мулкларни гўёки Ж.Сотиволдиев, Р.Наимов ва бошқалар томонидан сотиб олинганлигига ишонтириш мақсадида улар билан жамият ўртасида имкон қадар қисқа фурсатларда қасддан сохта маълумотларга асосланган жуда паст нархларда тузилган олди-сотди шартномаларига расмий тус бериб, уларни мазкур мол-мулкларга ҳақиқий харидор бўлганликларига ҳамда улар бир неча йиллар муқаддам, яъни 2013-2014 йиллардан буён мазкур мол-мулкларни сотиб олиш ниятида бўлганликларига ишонтириш мақсадида улар билан ҳам “Қурилишда улушдор бўлиб қатнашиш ҳақида”ги шартномаларни 2015 йил октябрь ойидан кейин, яъни қурилиш ишлари тамомланиш арафасида ва қурилиши тамомлангандан сўнг мол-мулкларни нотариал тартибда олди-сотди шартномалари расмийлаштириш пайтида имзолаб қўйиш;

- жамият томонидан қурилган мол-мулкларни сотиб олишда инсофли харидор бўла туриб, ҳақиқатда келишилган пул маблағининг бир қисмини 2016 йил январь-февраль ойларига қадар тўлай олмаган харидорларга улар сотиб олмоқчи бўлган мол-мулкларни нотариал тартибда олди-сотди шартномалари асосида расмийлаштириб бермасдан, балки мазкур мол-мулкларни Ж.Сотиволдиев, Р.Наимов ва бошқаларнинг номларига нотариал тартибда олди-сотди шартномаларига асосан расмийлаштириб олиб, инсофли харидорлардан келишилган ҳақиқий пул маблағи ҳисобидан тўланмай қолган қисмини Р.Наимов раҳбарлигидаги ва айни вақтда Д.Пулотовнинг хуфёна ташкилий бошқарувидаги “Samarkand Business Like” МЧЖнинг банклардаги ҳисоб рақамларига, Д.Пулотов, Р.Наимов, Ж.Сотиволдиев ва бошқаларнинг банклардаги омонат ҳисоб рақамларига ёхуд мазкур харидорлардан тўғридан тўғри нақд пул ёки мол-мулклар кўринишида ундириб олишиб бўлгач мазкур инсофли харидорларга улар сотиб олмоқчи бўлган мол-мулкларни нотариал тартибда олди-сотди шартномаси расмийлаштирган ҳолда номларига ўтказиб бериш;

- жамият томонидан қурилган мол-мулкларни сотиб олишда инсофли харидор бўла туриб, ҳақиқатда келишилган пул маблағининг бир қисмини 2016 йил январь-февраль ойларига қадар тўлиқ ҳисоб-китоб қилаолмаган харидорларни тезроқ тўланмай қолган пул маблағларини тез фурсатларда ундириб олиш йўлида Ж.Сотиволдиев, Р.Наимов ва бошқалар билан биргаликда Д.Пулотов уларни уй-жойдан чиқариб юбориш билан таҳдид қилиш, ипотека кредит шартномалари расмийлаштиришга ундаш, тўланмай қолган миллий валютадаги пул маблағларини АҚШ долларининг қора бозордаги эквивалентига тенг бўлган юқори нархларда ҳисоблаш билан қўрқитиш ва бошқа шу каби ғайриқонуний талабларни қўйиш орқали пировард натижага – ҳақиқатда келишилган пул маблағларини жамият балансида акс эттирмасдан ҳамда жамият таъсисчиси С.Фузайловдан яширган ҳолда қўлга киритишга эришиш ҳақида жиноий келишувга эришган.

Д.Пулотов ўз ваколатларини суиистеъмол қилиб, Ж.Сотиволдиев, Р.Наимов ва бошқалар билан биргаликда жиноий тил бириктирган ҳолда савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдордаги қийматда бузишиб, жуда кўп миқдордаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан бўйин товлашиб, жамиятни қасддан банкротликка олиб келишиб, пировард натижада давлат ва жамият таъсисчиси С.Фузайловнинг қонуний манфаатларига жуда кўп миқдорда иқтисодий зарар етказишда ифодаланган жиноий қилмишлари йўналишида:

Д.Пулотов ўзининг мазкур жиноий қилмишларининг узвий давоми сифатида жамиятга қарашли мол-мулкларни инсофли харидорларга сотилган ҳақиқий баҳосини ҳамда ҳақиқий харидорлари бўлмаган мол-мулкларни эса кейинчалик инсофли харидорларга сотилган ҳақиқий баҳосини С.Фузайловдан яшириш ва айни вақтда жамиятнинг ҳақиқий даромадлари қийматини ҳам солиқ идораларидан яшириш мақсадида жиноий шериклари Ж.Сотиволдиев, Р.Наимова ва бошқалар билан ўзаро жиноий тил

бириктириб, жамиятга қарашли мол-мулкларни жуда паст нархларда сотилганлиги ҳақида инсофли харидорлар билан нотариал тартибда Самарқанд шаҳридаги 12-сонли нотариал идора орқали олди-сотди шартномалари расмийлаштириш;

- мазкур нотариал тартибда расмийлаштирилган олди-сотди шартномаларидаги томонларнинг жуда паст нархлардаги ўзаро келишувлари умумий қийматига мутаносиб равишда солиқ базасини шакллантириб, шунга мутаносиб равишда ягона солиқ тўловини солиқ идораларига тўлаб бериш;

- жамиятга қарашли мол-мулкларни сотилиши натижасида ҳақиқатда жиноий йўл билан қўлга киритилган пул маблағларини жамиятнинг банк ҳисоб рақамларига топширмасликлари натижасида ҳисобланиши лозим бўлган ҳақиқий солиқ базасини қасддан яшириш;

-жамиятга қарашли мол-мулкларни сотишдан тушган нақд пул маблағларини жамиятнинг банклардаги ҳисоб рақамларига турли йўллар билан кирим қилмасдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.08.2002 йилдаги "Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора тадбирлари тўғрисида"ги 280-сонли ва 15.04.2005 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 57-сонли Қарори талабларини қўпол равишда бузишиб, нақд пулнинг банкдан ташқари айланмасига йўл қўйишиб, жуда кўп миқдордаги қийматда савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш;

-жамият ўз фаолияти давомида амалга оширган иқтисодий алоқалари бўйича гўёки зарар билан ўз фаолиятини якунлаганига ҳамда жамият балансида қарздорликни ундириш имконини берувчи ҳеч қандай мол-мулк ёки пул маблағи йўқлигига давлат мутасадди ташкилотларини ва жамият таъсисчиси С.Фузайловни ишонтириш ҳамда жамиятни сунъий равишда тўловга қобилиятсизлигини вужудга келтириш мақсадида жамиятни қасддан банкротликка олиб келиб, сўнгра жамиятни тугатиш ва давлат рўйхатидан чиқариб юбориш каби пухта ўйланган ва ниқобланган криминал схемаларга асосланган жиноий режани амалга ошириш йўлида жамиятга қарашли мол-мулклар давлат ва жамият таъсисчиси С.Фузайловнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига зид равишда қуйидаги ҳолатларда сотиб юборишган.Яъни:

Судланувчи Р.Наимов, Д.Пулотов, Ж.Сотиволдиев ва бошқалар билан олдиндан тузилган жиноий режага кўра, Самарқанд шаҳри, Б.И.Йўли кўчаси,$3^{Б}$-манзилда қурилаётган кўп қаватли уйнинг 8 ва 10-сонли савдо дўконларини 20, 21, 22, 23-сонли ертўлалари билан бирга жамиятнинг амалдаги таъсисчиси ҳисобланган С.Фузайловнинг хабардорлигисиз сотиб юбориб, тушган пул маблағларини жамият ҳисоб рақамига топширмасдан фирибгарлик йўли билан ўзлаштириш мақсадида 2009 йиллардаинсофли харидор ҳисобланган А.Мухсиновга савдо дўконларининг умумий майдони 78 кв. метр эканини, ҳар бир кв. метри учун 1 млн. сўмдан жами 78 млн. сўмга сотишни таклиф қилишиб, уларнинг таклифига рози бўлган А.Мухсинов билан жамият ўртасида "Қурилишда улушдор бўлиб қатнашиш ҳақида"ги шартномани имзолашиб, шартномани А.Мухсиновга беришганидан кейин А.Мухсинов жамиятнинг ДАТ "Халқ банки"нинг Самарқанд вилоят филиалига 19.03.2015 йилда 20 млн. сўм ва 4 млн. 323 минг 228,22 сўм жами 24 млн. 323 минг 228,22 сўм савдо дўкони учун тўлов сифатида топширганидан сўнг мазкур пул маблағининг 4 млн. 323 минг 228,22 сўмлик қисмини Д.Пулотов ўзининг жиноий шериклари ёрдамида "Д.Пулотов томонидан устав фондини шакллантириш учун топширилган нақд пуллар" сифатида банк айланмасида акс эттиришга эришиб, оғзаки келишувга кўра қолган 47 млн. 700 минг сўм пул маблағи ҳисобида турли хилдаги қурилиш молларини қабул қилишиб, уларни жамият балансига кирим қилмасдан ва молиявий ҳисоботларда акс эттирмасдан С.Фузайлов яширган ҳолда терговда аниқлаш имкони бўлмаган ҳолатларда сарфлаб юборишиб, ўзларининг жиноий қилмишлари фош бўлиб қолмаслигини ҳамда С.Фузайлов 47 млн. 700 минг сўмлик қурилиш материалларидан хабар топмаслигини таъминлаш мақсадида 10.01.2016 йилда савдо дўконларини 12-сонли давлат нотариал идораси орқали олди-сотди шартномаси расмийлаштирган ҳолда А.Мухсиновнинг номига ўтказиб беришиб, шартномада савдо дўконлари 76 млн. сўмга сотилгани ҳақида кўрсатишиб, шартнома суммаси асоси сифатида А.Мухсинов томонидан жамиятга 76 млн. сўм пул тўлови амалга оширилгани ҳақида сохта ёзувлар киритилган маълумотномани 12-сонли давлат нотариал идорасига тақдим этишиб, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 114-моддасига зид равишда 47 млн. 700 минг сўмлик кирим қилинмаган товарларни сақлашиб, уларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумни яширишган ҳолда фирибгарлик йўли билан ўзлаштиришиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишган.

Р.Наимов, Д.Пулотов, Ж.Сотиволдиев ва бошқалар билан олдиндан тузилган жиноий режага кўра ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Самарқанд шаҳри, Б.И.Йўли кўчаси, $3^{Б}$-манзилда қурилаётган кўп қаватли уйнинг 12-хонадонини С.Фузайловнинг хабардорлигисиз сотиб юбориб, тушган пул маблағларини жамият ҳисоб рақамига топширмасдан фирибгарлик йўли билан ўзлаштириш мақсадида жамият ишчиси ва айни вақтда Д.Пулотовнинг турмуш ўртоғи Д.Искандарованинг акаси ҳисобланган С.Искандаровга 2009 йилда хонадонни умумий майдони жами 81 кв. метр эканини айтишиб, ҳар бир кв. метри учун 1 млн. сўм атрофида жами 84 млн. сўмга сотишни таклиф қилишган ва уларнинг таклифига рози бўлган С.Искандаров билан жамият ўртасида 07.05.2015 йилдаги 55-сонли "Қурилишда улушдор бўлиб қатнашиш ҳақида"ги шартномани имзолашиб, шартномани С.Искандаровга беришганидан кейин С.Искандаров жамиятнинг ДАТ "Халқ банки"нинг Самарқанд вилоят филиалига 4 млн. сўм ва 30.07.2015 йилда 4 млн. сўм жами 8 млн. сўмни уй-жой учун тўлов сифатида топширганидан сўнг 2015 йилнинг охирига қадар С.Искандаровдан 76 млн. сўм миқдоридаги турли хилдаги қурилиш

материалларини қабул қилишиб, уларни жамият балансига кирим қилмасдан ва молиявий ҳисоботларда акс эттиришмасдан терговда аниқлаш имкони бўлмаган ҳолатларда сарфлаб юборишиб, ўзларининг жиноий қилмишлари фош бўлиб қолмаслигини ҳамда С.Фузайлов 76 млн. сўмлик қурилиш материалларидан хабар топмаслигини таъминлаш мақсадида 13.01.2016 йилда хонадонни 12-сонли давлат нотариал идораси орқали олди-сотди шартномаси расмийлаштирган ҳолда С.Искандаровнинг номига ўтказиб беришиб, шартномада хонадон 84 млн. сўмга сотилгани ҳақида кўрсатишиб, шартнома суммаси асоси сифатида С.Искандаров томонидан жамиятга 84 млн. сўм пул тўлови амалга оширилгани ҳақида сохта ёзувлар киритилган маълумотномани 12-сонли давлат нотариал идорасига тақдим этишиб, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 114-моддасига зид равишда 76 млн. сўмлик кирим қилинмаган товарларни сақлашиб, уларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумни яширишган ҳолда фирибгарлик йўли билан ўзлаштиришиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишган.

Р.Наимов Д.Пулотов, Ж.Сотиволдиев ва бошқалар билан олдиндан тузилган жиноий режага кўра ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Самарқанд шаҳри, Б.И.Йўли кўчаси, 3$^{Б}$-манзилда қурилаётган кўп қаватли уйининг 2-сонли савдо дўконини 4, 5 ва 6-сонли ертўлалари билан С.Фузайловнинг хабардорлигисиз сотиб юбориб, тушган пул маблағларини жамият ҳисоб рақамига топширмасдан фирибгарлик йўли билан ўзлаштириш мақсадида 2010 йил март-апрель ойларида мазкур савдо дўконини инсофли харидор С.Салиевга жами 31 млн. 700 минг сўмга сотишни таклиф қилишган ва уларнинг таклифига рози бўлган С.Салиев билан жамият ўртасида 11.06.2013 йилдаги 19-сонли “Қурилишда улушдор бўлиб қатнашиш ҳақида”ги шартномани имзолашга эришишиб, шартномани С.Салиевга тақдим этишганидан сўнг С.Салиев томонидан ЯТТ “Saliyev Suxrob Nuritdinovish” номидан 11.07.2013 йилда 5 млн. сўм, 15.08.2013 йилда 5 млн. сўм, 22.10.2013 йилда 8 млн. сўм, 05.11.2013 йилда 8 млн. сўм ва 06.12.2013 йилда 5 млн. сўм жами 31 млн. сўмни жамиятнинг ДАТ “Халқбанки”нинг Самарқанд вилоят филиалидаги ҳисоб рақамига кирим қилишга эришишиб ҳамда С.Салиевдан 700 минг сўм нақд пул маблағини қўлга киритишгач гарчанд С.Салиев томонидан мазкур савдо дўкони учун келишилган пул маблағи тўлиқ тўлаб берилган бўлишига қарамасдан С.Салиевни унинг номига савдо дўконини расмийлаштириб беришга ишонтиришиб, 11.01.2016 йилда 12-сонли давлат нотариал идораси орқали мазкур савдо дўконини аслида харидор (талабгор) бўлмаган ўзларининг жиноий шериги Ж.Сотиволдиевнинг номига у томонидан хонадон учун жамият ҳисоб рақамига ҳеч қандай пул маблағи тўланмаганини билишгани ҳолда ўзларининг жиноий қилмишлари фош бўлиб қолишидан қўрқишиб ҳамда С.Фузайловдан савдо дўконининг ҳақиқий баҳосини яшириш мақсадида Ж.Сотиволдиев билан нотариал тартибда олди-сотди шартномаси расмийлаштиришиб, мазкур шартномада савдо дўкони 24 млн. сўмга сотилгани ҳақида сохта маълумотлар киритишиб, жамиятга Ж.Сотиволдиев томонидан савдо дўкони учун 24 млн. сўмлик пул тўлови амалга оширилганлиги ҳақида сохта маълумотномани 12-сонли давлат нотариал идорасига тақдим этишиб, кейинчалик 24.02.2016 йилда савдо дўконини С.Салиевнинг номига Ж.Сотиволдиев номидан олди-сотди шартномасига асосан нотариал тартибда расмийлаштириб беришиб, жамият томонидан мазкур хонадон 11.01.2016 йилдаги нотариал тартибдаги олди-сотди шартномасига асосан 24 млн. сўмга сотилганлиги ҳақидаги сохта маълумотлар асосида ҳақиқатда хонадоннинг сотилишидан тушган 31 млн. 700 минг сўмлик пул маблағининг 7 млн. 700 минг сўмлик қисмини солиқ идораларидан яширишиб, 700 минг сўмлик нақд пул шаклидаги қисмини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.08.2002 йилдаги “Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 280-сонли ва 15.04.2005 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 57-сонли Қарори талабларини қўпол равишда бузишиб, банкдан ташқари айланмасига йўл қўйишиб, С.Фузайловдан яширишиб, фирибгарлик йўли билан талон-торож қилишиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишган.

Р.Наимов, Д.Пулотов, Ж.Сотиволдиев ва бошқалар билан олдиндан тузилган жиноий режага кўра ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Самарқанд шаҳри Б.И.Йўли кўчаси, 3$^{Б}$-манзилда қурилаётган кўп қаватли уйининг 21-хонадонини С.Фузайловнинг хабардорлигисиз сотиб юбориб, тушган пул маблағларини жамият ҳисоб рақамига топширмасдан фирибгарлик йўли билан ўзлаштириш мақсадида 2012 йилнинг январь-февраль ойларида мазкур хонадонни инсофли харидор ҳисобланган И.Хушвақтовга 80 кв. метр эканини айтишиб, жами 88 млн. сўмга сотишни таклиф қилишган ва уларнинг таклифига рози бўлган И.Хушвақтовнинг турмуш ўртоғи М.Ахмедова билан жамият ўртасида 30.04.2014 йилдаги 37-сонли “Қурилишда улушдор бўлиб қатнашиш ҳақида”ги шартномани имзолашиб, мазкур шартномада хонадон нархини 88 млн. сўм қилиб қасддан жуда паст нархда баҳолашиб, мазкур шартномага асосан жамиятнинг ДАТ “Халқ банки”нинг Самарқанд вилоят филиалидаги ҳисоб рақамига пул тўлови амалга оширишни айтганидан сўнг И.Хушвақтов томонидан 30.04.2014 йилда 40 млн. сўм сўм ва 25.09.2014 йилда 34 млн. 600 минг сўм жами 74 млн. 600 минг сўм миқдоридаги пул маблағи кўчириб берилгач келишилган 88 млн. сўмнинг 14 млн. 200 минг сўмини терговда аниқлаш имкони бўлмаган йўллар орқали қўлга киритишиб, келгусида жиноий режасининг фош бўлиб қолмаслигини таъминлаш мақсадида 13.01.2016 йилда мазкур хонадонни 12-сонли давлат нотариал идораси орқали олди-сотди шартномаси расмийлаштирган ҳолда И.Хушвақтовнинг турмуш ўртоғи М.Ахмедованинг номига ўтказиб беришиб, мазкур шартномада хонадон 88 млн. сўмга сотилгани ҳақида сохта маълумотлар киритишиб ҳамда шартнома асоси сифатида жамиятга М.Ахмедова томонидан 88 млн. сўм пул маблағи тўлаб берилганлиги ҳақида сохта маълумотномани 12-сонли давлат нотариал идорасига тақдим этишиб, мазкур

сохта маълумотлар асосида ҳақиқатда хонадоннинг сотилишидан тушган 14 млн. 200 минг сўмлик нақд пул маблағини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.08.2002 йилдаги “Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 280-сонли ва 15.04.2005 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 57-сонли Қарори талабларини қўпол равишда бузган ҳолда банкдан ташқари айланмасига йўл қўйишиб, С.Фузайловдан яширишиб, фирибгарлик йўли билан талон-торож қилишиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишган.

Р.Наимов Д.Пулотов, Ж.Сотиволдиев ва бошқалар билан олдиндан тузилган жиноий режага кўра ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Самарқанд шаҳри, Б.И.Йўли кўчаси, $3^{Б}$-манзилда қурилаётган кўп қаватли уйнинг 12 ва 14-сонли савдо дўконларини 27, 28, 29, 30-сонли ертўлалари билан бирга С.Фузайловнинг хабардорлигисиз сотиб юбориб, тушган пул маблағларини жамият ҳисоб рақамига топширмасдан фирибгарлик йўли билан ўзлаштириш мақсадида 2013 йил йилларда мазкур савдо дўконини инсофли харидор К.Фатуллаевга умумий майдони 76 кв. метр эканини айтишиб, ҳар бир кв. метри учун 1 минг АҚШ долларидан жами 76 минг АҚШ долларига сотишни таклиф қилишган ва уларнинг таклифига рози бўлган К.Фатуллаев билан жамият ўртасида 07.04.2014 йилдаги 32-сонли “Қурилишда улушдор бўлиб қатнашиш ҳақида”ги шартномани имзолашга эришишиб, шартномани К.Фатуллаевга тақдим этишганидан сўнг К.Фатуллаевдан жами 263 млн. сўм нақд пулни 2016 йил январь ойига қадар қўлга киритишиб, шундан 61 млн. сўмини жамиятнинг ДАТ “Халқбанки”нинг Самарқанд вилоят филиалидаги ҳисоб рақамига кирим қилишга эришишиб К.Фатуллаев билан жамият ўртасида 10.01.2016 йилда 12-сонли давлат нотариал идорасида олди-сотди шартномаси расмийлаштириш жараёнида 07.04.2014 йилда имзоланган32-сонли шартноманинг асл нусхасини олиб қўйишиб, ўрнига савдо дўконларининг баҳосини қасддан 61 млн. сўм қилиб камайтирилган ҳолдаги шартномани тақдим этишиб, дастлабки шартномани ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида терговда аниқлаш имкони бўлмаган ҳолатларда йўқ қилишиб, олди-сотди шартномасида ҳам мазкур савдо дўконлари 61 млн. сўмга сотилганлиги ҳақида сохта маълумотлар киритишиб, жамиятга К.Фатуллаев томонидан жами 61 млн. сўм пул маблағи тўланганлиги ҳақида сохта маълумотномани 12-сон давлат нотариал идорасига тақдим этишиб, савдо дўконлари учун нақд пул шаклида олинган 202 млн. сўмни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.08.2002 йилдаги “Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 280-сонли ва 15.04.2005 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 57-сонли Қарори талабларини қўпол равишда бузган ҳолда банкдан ташқари айланмасига йўл қўйишиб, С.Фузайловдан яширишиб, фирибгарлик йўли билан талон-торож қилишиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишган.

Р.Наимов Д.Пулотов, Ж.Сотиволдиев ва бошқалар билан олдиндан тузилган жиноий режага кўра ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Самарқанд шаҳри, Б.И.Йўли кўчаси, $3^{Б}$-манзилда қурилаётган кўп қаватли уйнинг 19-хонадонини С.Фузайловнинг хабардорлигисиз сотиб юбориб, тушган пул маблағларини жамият ҳисоб рақамига топширмасдан фирибгарлик йўли билан ўзлаштириш мақсадида 2013 йилнинг ўрталарида инсофли харидор Х.Расуловага мазкур хонадонни майдони жами 96 кв. метр эканини айтишиб, ҳар бир кв. метри учун 1 млн. 600 минг сўмдан жами 153 млн. 600 минг сўмга сотишни таклиф қилишган ва уларнинг таклифига рози бўлган Х.Расуловадан ўша вақтнинг ўзида Самарқанд шаҳридаги Оби-Раҳмат ресторанида 67 млн. 100 минг сўм миқдоридаги нақд пул маблағини қўлга киритишиб, 18.02.2014 йилда жамият билан Х.Расулова ўртасида “Қурилишда улушдор бўлиб қатнашиш ҳақида”ги 29-сонли шартномани имзолашиб, мазкур шартномада хонадон нархини 86 млн. 500 минг сўм қилиб қасддан жуда паст нархда баҳолаб, мазкур шартномага асосан Х.Расулова тегишли бўлган “Rasulova Xilola Odilovna” ХТ номли хўжалик юритувчи субъект томонидан жамиятнинг ДАТ “Халқ банки”нинг Самарқанд вилоят филиалидаги ҳисоб рақамига 18.02.2014 йилда 10 млн. сўм, 31.03.2014 йилда 10 млн. сўм, 25.04.2014 йилда 5 млн. 500 минг сўм, 22.05.2014 йилда 5 млн. 500 минг сўм, 24.06.2014 йилда 9 млн. сўм, 29.07.2014 йилда 7 млн. 500 минг сўм, 13.08.2014 йилда 7 млн. 500 минг сўм, 23.09.2014 йилда 7 млн. 500 минг сўм, 21.11.2014 йилда 10 млн. сўм, 22.12.2014 йилда 10 млн. сўм, 25.03.2015 йилда 4 млн. сўм жами 86 млн. 500 минг сўм миқдоридаги пул маблағи кўчириб берилгач келгусида жиноий режаларининг фош бўлиб қолмаслигини таъминлаш мақсадида 13.01.2016 йилда мазкур хонадонни 12-сонли давлат нотариал идораси орқали олди-сотди шартномаси расмийлаштирган ҳолда Х.Расулованинг номига ўтказиб беришиб, мазкур шартномада хонадон 86 млн. 500 минг сўмга сотилгани ҳақида сохта маълумотлар киритишиб ҳамда шартнома асоси сифатида жамиятга Х.Расулова томонидан 86 млн. 500 минг сўм пул маблағи тўлаб берилганлиги ҳақида сохта маълумотномани 12-сонли давлат нотариал идорасига тақдим этишиб, мазкур сохта маълумотлар асосида ҳақиқатда хонадоннинг сотилишидан тушган 67 млн. 100 минг сўмлик пул маблағини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.08.2002 йилдаги “Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 280-сонли ва 15.04.2005 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 57-сонли Қарори талабларини қўпол равишда бузган ҳолда банкдан ташқари айланмасига йўл қўйишиб, С.Фузайловдан яширишиб, фирибгарлик йўли билан талон-торож қилишиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишган.

Р.Наимов Д.Пулотов, Ж.Сотиволдиев ва бошқалар билан олдиндан тузилган жиноий режага кўра ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Самарқанд шаҳри, Б.И.Йўли кўчаси, 3[Б]-манзилда қурилаётган кўп қаватли уйнинг 1-сонли савдо дўконини 1, 2, 3-сонли ертўлалари билан бирга С.Фузайловнинг хабардорлигисиз сотиб юбориб, тушган пул маблағларини жамият ҳисоб рақамига топширмасдан фирибгарлик йўли билан ўзлаштириш мақсадида 2013 йил июнь ойида инсофли харидор ҳисобланган У. Раҳимовга умумий майдони 94 кв. метр эканини айтишиб, ҳар бир кв. метри учун 1 минг АҚШ долларидан жами 94 минг АҚШ долларига сотишни таклиф қилишиб, 1 АҚШ долларининг ўша вақтдаги “қора бозор” курсидаги эквивалентида 258 млн. сўмга олди-сотди қилишга келишишиб, уларнинг таклифига рози бўлган У. Рахимовнинг қариндоши Д.Гулямов билан жамият ўртасида 15.07.2013 йилдаги 20-сонли “Қурилишда улушдор бўлиб қатнашиш ҳақида”ги шартномани имзолашиб, шартномани У. Рахимовга беришганидан сўнг У. Рахимов жамиятнинг ДАТ “Халқ банки”нинг Самарқанд вилоят филиалига ЯТТ “Gulyamov Dilshod Murodalievich” номидан 19.07.2013 йилда 15 млн. сўм, 28.08.2013 йилда 7 млн. 500 минг сўм, 30.08.2013 йилда 22 млн. 500 минг сўм, 04.04.2014 йилда 10 млн. сўм, 22.05.2014 йилда 10 млн. 24 минг сўм, 16.10.2014 йилда 10 млн. сўм, 16.12.2014 йилда 10 млн. сўм, 20.03.2015 йилда 9 млн. сўм, 03.04.2015 йилда 10 млн. 370 минг сўм, 08.05.2015 йилда 18 млн. 889 минг сўм жами 123 млн. 283 минг сўмни савдо дўкони учун тўлов сифатида топширганидан сўнг оғзаки келишувга кўра қолган 134 млн. 590 минг сўм пул маблағи ўрнига қурилиш моллари ва электр жиҳозларини қабул қилишиб, уларни жамият балансига кирим қилмасдан ва молиявий ҳисоботларида акс эттирмасдан терговда аниқлаш имкони бўлмаган ҳолатларда сарфлаб юборишиб, ўзларининг жиноий қилмишлари фош бўлиб қолмаслигини ҳамда С.Фузайлов 134 млн. 590 минг сўмлик қурилиш материаллари олинганидан хабар топмаслигини таъминлаш мақсадида 13.01.2016 йилда савдо дўконини 12-сонли давлат нотариал идораси орқали олди-сотди шартномаси расмийлаштирган ҳолда Д.Гулямовнинг номига ўтказиб бериш жараёнида У. Рахимовдан 15.07.2013 йилдаги 20-сонли “Қурилишда улушдор бўлиб қатнашиш ҳақида”ги шартноманинг асл нусхасини олиб қўйишиб, ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида йўқ қилишиб, ўрнига савдо дўконининг баҳосини қасддан 124 млн. 283 минг сўм қилиб камайтирилган ҳолдаги шартномани тақдим этишиб, олди-сотди шартномасида ҳам мазкур савдо дўкони 124 млн. 283 минг сўмга сотилгани ҳақида сохта маълумотлар киритишиб, шартнома суммаси асоси сифатида Д.Гулямов томонидан жамиятга 124 млн. 283 минг сўм пул тўлови амалга оширилгани ҳақида сохта ёзувлар киритилган маълумотномани 12-сонли давлат нотариал идорасига тақдим этишиб, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 114-моддасига зид равишда 134 млн. 590 минг сўмлик кирим қилинмаган товарларни сақлаб, уларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумни яширишган ҳолда фирибгарлик йўли билан ўзлаштиришиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишган.

Р.Наимов, Д.Пулотов, Ж.Сотиволдиев ва бошқалар билан олдиндан тузилган жиноий режага кўра ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Самарқанд шаҳри, Б.И.Йўли кўчаси, 3[Б]-манзилда қурилаётган кўп қаватли уйнинг 5-сонли савдо дўконини 12, 13, 14, 15, 16-сонли ертўлалари билан бирга С.Фузайловнинг хабардорлигисиз сотиб юбориб, тушган пул маблағларини жамият ҳисоб рақамига топширмасдан фирибгарлик йўли билан ўзлаштириш мақсадида 2013 йил июнь-июль ойларида мазкур савдо дўконини инсофли харидор С.Эшонқуловга жами 110 минг АҚШ долларига сотишни таклиф қилишган ва уларнинг таклифига рози бўлган С.Эшонқулов билан жамият ўртасида 14.08.2013 йилдаги 15-сонли “Қурилишда улушдор бўлиб қатнашиш ҳақида”ги шартномани имзолашга эришишиб, шартномани С.Эшонқуловга тақдим этишганидан сўнг С.Эшонқуловдан келишилган 110 минг АҚШ долларидан 3 минг АҚШ долларини (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг шу куни 1 (бир) АҚШ долларига нисбатан қиймати 2 минг 115 сўм 36 тийинлик расмий курс бўйича 6 млн. 346 минг 80 сўм) қўлга киритишиб, С.Эшонқулов томонидан ХТ “Эшонкулов Садилло” номидан 19.08.2013 йилда 30 млн. сўм, 16.09.2013 йилда 30 млн. сўм, 14.10.2013 йилда 30 млн. сўм, 28.11.2013 йилда 30 млн. сўм, 17.03.2014 йилда 15 млн. сўм жами 135 млн. сўмни жамиятнинг ДАТ “Халқбанки”нинг Самарқанд вилоят филиалидаги ҳисоб рақамига кирим қилишга эришишиб, С.Эшонқуловдан 2016 йил январь ойига қадар жами 60 минг АҚШ долларини (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг шу куни 1 (бир) АҚШ долларига нисбатан қиймати 2 минг 780 сўм 5 тийинлик расмий курс бўйича 166 млн. 803 минг сўм) қўлга киритишган бўлсалар-да 11.01.2016 йилда 12-сонли давлат нотариал идорасида олди-сотди шартномаси расмийлаштириш жараёнида 14.08.2013 йилда имзоланган 15-сонли шартноманинг асл нусхасини олиб қўйишиб, ўрнига савдо дўконининг баҳосини қасддан 135 млн. сўм қилиб камайтирилган ҳолдаги шартномани тақдим этишиб, дастлабки шартномани ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида терговда аниқлаш имкони бўлмаган ҳолатларда йўқ қилишиб, олди-сотди шартномасида ҳам мазкур савдо дўконлари 135 млн. сўмга сотилганлиги ҳақида сохта маълумотлар киритишиб, жамиятга С.Эшонқулов томонидан жами 135 млн. сўм пул маблағи тўланганлиги ҳақида сохта маълумотномани 12-сон давлат нотариал идорасига тақдим этишиб, савдо дўкони учун накд пул шаклида олинган 180 млн. 703 минг 300 сўмга тенг 63 минг АҚШ долларилик пул маблағини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.08.2002 йилдаги “Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 280-сонли ва 15.04.2005 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Накд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 57-сонли Қарори талабларини қўпол равишда бузишиб,

банкдан ташқари айланмасига йўл қўйишиб, С.Фузайловдан яширишиб, фирибгарлик йўли билан талон-торож қилишиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишган.

Р.Наимов, Д.Пулотов, Ж.Сотиволдиев ва бошқалар билан олдиндан тузилган жиноий режага кўра ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Самарқанд шаҳри, Б.И.Йўли кўчаси, 3$^{Б}$-манзилда қурилаётган кўп қаватли уйнинг 28-хонадонини С.Фузайловнинг хабардорлигисиз сотиб юбориб, тушган пул маблағларини жамият ҳисоб рақамига топширмасдан фирибгарлик йўли билан ўзлаштириш мақсадида 2013 йил август ойида инсофли харидор ҳисобланган Б.Аминовга мазкур хонадоннинг умумий майдони 122 кв. метр эканини айтишиб, ҳар бир кв. метри учун 1 млн. сўм атрофида жами 122 млн. сўмга сотишни таклиф қилишиб, 117 млн. сўмга олди-сотди қилишга келишиб, уларнинг таклифига рози бўлган Б.Аминов билан жамият ўртасида "Қурилишда улушдор бўлиб қатнашиш ҳақида"ги шартномани имзолашиб, шартномани Б.Аминовга беришганидан сўнг Б.Аминов жамиятнинг ДАТ "Халқ банки"нинг Самарқанд вилоят филиалига 22.08.2013 йилда 50 млн. сўм, 25.09.2013 йилда 30 млн. сўм, 31.10.2013 йилда 10 млн. сўм, 07.11.2013 йилда 10 млн. сўм, 29.01.2014 йилда 7 млн. сўм жами 107 млн. сўмни уй-жой учун тўлов сифатида топширганидан сўнг 2015 йилнинг охирига қадар Б.Аминовдан 10 млн. сўм миқдоридаги қурилиш материалларини қабул қилиб, уларни жамият балансига кирим қилмасдан ва молиявий ҳисоботларида акс эттирмасдан терговда аниқлаш имкони бўлмаган ҳолатларда сарфлаб юбориб, ўзларининг жиноий қилмишлари фош бўлиб қолмаслигини ҳамда С.Фузайлов 10 млн. сўмлик қурилиш материалларидан хабар топмаслигини таъминлаш мақсадида 13.01.2016 йилда хонадонни 12-сонли давлат нотариал идораси орқали олди-сотди шартномаси расмийлаштирган ҳолда Б.Аминовнинг номига ўтказиб беришиб, шартномада хонадон 117 млн. сўмга сотилгани ҳақида кўрсатишиб, шартнома суммаси асоси сифатида Б.Аминов томонидан жамиятга 117 млн. сўм пул тўлови амалга оширилгани ҳақида сохта ёзувлар киритилган маълумотномани 12-сонли давлат нотариал идорасига тақдим этишиб, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 114-моддасига зид равишда 10 млн. сўмлик кирим қилинмаган товарларни сақлаб, уларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумни яширишган ҳолда фирибгарлик йўли билан ўзлаштиришиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишган.

Р.Наимов Д.Пулотов, Ж.Сотиволдиев ва бошқалар билан олдиндан тузилган жиноий режага кўра ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Самарқанд шаҳри, Б.И.Йўли кўчаси, 3$^{Б}$-манзилда қурилаётган кўп қаватли уйнинг 3-сонли савдо дўконини 7, 8, 9-сонли ертўлалари билан бирга С.Фузайловнинг хабардорлигисиз сотиб юбориб, тушган пул маблағларини жамият ҳисоб рақамига топширмасдан фирибгарлик йўли билан ўзлаштириш мақсадида 2013 йил август ойларида мазкур савдо дўконини инсофли харидор А.Фозиловга жами 110 минг АҚШ долларига сотишни таклиф қилишган ва уларнинг таклифига рози бўлган А.Фозилов билан жамият ўртасида 26.12.2013 йилдаги 29-сонли "Қурилишда улушдор бўлиб қатнашиш ҳақида"ги шартномани имзолашга эришишиб, шартномани А.Фозиловга тақдим этишганидан сўнг А.Фозилов томонидан ЯТТ "Фозилов Алишер" номидан 28.12.2013 йилда 44 млн. сўм ва 29.08.2014 йилда 30 млн. сўм жами 74 млн. сўмни жамиятнинг ДАТ "Халқ банки"нинг Самарқанд вилоят филиалидаги ҳисоб рақамига кирим қилишга эришишиб ҳамда А.Фозиловдан 2014 йилнинг охирига қадар бўлиб-бўлиб жами 92 минг АҚШ долларини (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг шу куни 1 (бир) АҚШ долларига нисбатан қиймати 2 минг 413 сўм 96 тийинлик расмий курс бўйича 222 млн. 84 минг 300 сўм) қўлга киритишган бўлсалар-да А.Фозилов билан 11.01.2016 йилда 12-сонли давлат нотариал идорасида олди-сотди шартномаси расмийлаштириш жараёнида 26.12.2013 йилда имзоланган 29-сонли шартноманинг асл нусхасини олиб қўйишиб, ўрнига савдо дўконининг баҳосини қасддан 74 млн. сўм қилиб камайтирилган ҳолдаги шартномани тақдим этишиб, дастлабки шартномани ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида терговда аниқлаш имкони бўлмаган ҳолатларда йўқ қилишиб, олди-сотди шартномасида ҳам мазкур савдо дўкони 74 млн. сўмга сотилганлиги ҳақида сохта маълумотлар киритишиб, жамиятга А.Фозилов томонидан жами 74 млн. сўм пул маблағи тўланганлиги ҳақида сохта маълумотномани 12-сон давлат нотариал идорасига тақдим этишиб, савдо дўкони учун нақд пул шаклида олинган 222 млн. 84 минг 300 сўмга тенг 92 минг АҚШ долларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.08.2002 йилдаги "Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора тадбирлари тўғрисида"ги 280-сонли ва 15.04.2005 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 57-сонли Қарори талабларини қўпол равишда бузишиб, банкдан ташқари айланмасига йўл қўйишиб, С.Фузайловдан яширишиб, фирибгарлик йўли билан талон-торож қилишиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишган.

Р.Наимов Д.Пулотов, Ж.Сотиволдиев ва бошқалар билан олдиндан тузилган жиноий режага кўра ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Самарқанд шаҳри, Б.И.Йўли кўчаси, 3$^{Б}$-манзилда қурилаётган кўп қаватли уйнинг 16-сонли савдо дўконини С.Фузайловнинг хабардорлигисиз сотиб юбориб, тушган пул маблағларини жамият ҳисоб рақамига топширмасдан фирибгарлик йўли билан ўзлаштириш мақсадида 2013 йил август-сентябрь ойларида инсофли харидор ҳисобланган З.Хамоюнга жами 28 минг АҚШ долларига сотишга келишишиб, 30.08.2013 йилда З.Хамоюндан жами 28 минг АҚШ долларини (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг шу куни 1 АҚШ долларига нисбатан қиймати 2 минг 146 сўм 70 тийинлик расмий курс бўйича 60 млн. 107 минг 600 сўм) нақд пул шаклида қўлга киритишиб, қолган 28 млн. 638 минг сўм миқдоридаги пулни жамиятга хизмат кўрсатувчи ДАТ "Халқ банки" Самарқанд вилоят филиалидаги ҳисоб рақамига ўтказишга эришишиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.08.2002 йилдаги "Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада

қисқартириш чора тадбирлари тўғрисида"ги 280-сонли ва 15.04.2005 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 57-сонли Қарори талабларига зид равишда 28 минг АҚШ долларига тенг бўлган 60 млн. 107 минг 600 сўмни банк муассасасига топширмасдан нақд пул маблағининг банкдан ташқари айланмасига йўл қўйишиб, 28 минг АҚШ долларига тенг бўлган 60 млн. 107 минг 600 сўм нақд пул маблағини ўзлаштириш мақсадида З. Хамаюн билан жамият ўртасида 11.01.2016 йилда 12-сонли давлат нотариал идорасида олди-сотди шартномаси расмийлаштириш жараёнида 30.09.2013 йилда имзоланган 22-сонли "Қурилишда улушдор бўлиб қатнашиш ҳақида"ги шартноманинг асл нусхасини олиб қўйишиб, ўрнига савдо дўконининг баҳосини қасддан 28 млн. 638 минг сўм қилиб камайтирилган ҳолдаги шартномани тақдим этишиб, дастлабки шартномани ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида терговда аниқлаш имкони бўлмаган ҳолатларда йўқ қилишиб, олди-сотди шартномасида ҳам мазкур савдо дўкони 28 млн. 638 минг сўмга сотилганлиги ҳақида сохта маълумотлар киритишиб, мазкур шартномада кўрсатилган келишув нархи асосида жамиятга З.Хамоюн томонидан 28 млн. 638 минг сўм пул маблағини тўланганлиги сохта маълумотномани 12-сонли давлат нотариал идорасига тақдим этишиб, ҳақиқатда З.Хамоюндан олинган 60 млн. 107 минг 600 сўм эквивалентидаги 28 минг АҚШ долларини 31 млн. 469 минг 600 сўмлик қисмини С.Фузайловдан яширган ҳолда фирибгарлик йўли билан талон-торож қилишиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишган.

Р.Наимов Д.Пулотов, Ж.Сотиволдиев ва бошқалар билан олдиндан тузилган жиноий режага кўра ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Самарқанд шаҳри, Б.И.Йўли кўчаси, 3$^{Б}$-манзилда қурилаётган кўп қаватли уйнинг 29-хонадонини С.Фузайловнинг хабардорлигисиз сотиб юбориб, тушган пул маблағларини жамият ҳисоб рақамига топширмасдан фирибгарлик йўли билан ўзлаштириш мақсадида 2013 йилнинг охирларида инсофли харидор ҳисобланган Э.Абдурахимовага мазкур хонадонни майдони жами 122 кв. метр эканини айтишиб, ҳар бир кв. метри учун 1 млн. 600 минг сўмдан жами 195 млн. 200 минг сўмга сотишни таклиф қилишган ва уларнинг таклифига рози бўлган Э.Абдурахимова билан жамият ўртасида 09.11.2013 йилдаги 27-сонли "Қурилишда улушдор бўлиб қатнашиш ҳақида"ги шартнома имзолашга эришишиб, мазкур шартномада хонадон нархини 104 млн. 400 минг сўм қилиб қасддан жуда паст нархда баҳолашиб, шартномага асосан Э.Абдурахимова томонидан жамиятнинг ДАТ "Халқ банки"нинг Самарқанд вилоят филиалидаги ҳисоб рақамига 29.01.2014 йилда 97 млн. 600 минг сўм ва 16.09.2015 йилда 6 млн. 800 минг сўм жами 104 млн. 400 минг сўм миқдоридаги пул маблағи кўчириб берилгач 2015 йил декабрь ойининг охирларига қадар Э.Абдурахимовадан жами 90 млн. 800 минг сўм миқдоридаги пул маблағини нақд пул шаклида олишиб, келгусида ўзларининг жиноий режаси фош бўлиб қолмаслигини таъминлаш мақсадида 18.01.2016 йилда мазкур хонадонни 12-сонли давлат нотариал идораси орқали олди-сотди шартномаси расмийлаштирган ҳолда .Абдурахимованинг номига ўтказиб беришиб, мазкур шартномада хонадон 104 млн. 400 минг сўмга сотилгани ҳақида сохта маълумотлар киритишиб ҳамда шартнома суммаси асоси сифатида жамиятга Э.Абдурахимова томонидан 104 млн. 400 минг сўм пул маблағи тўлаб берилганлиги ҳақида сохта маълумотномани 12-сонли давлат нотариал идорасига тақдим этишиб, мазкур сохта маълумотлар асосида ҳақиқатда хонадоннинг сотилишидан тушган 90 млн. 800 минг сўмлик пул маблағини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.08.2002 йилдаги "Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора тадбирлари тўғрисида"ги 280-сонли ва 15.04.2005 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 57-сонли Қарори талабларини қўпол равишда бузган ҳолда банкдан ташқари айланмасига йўл қўйишиб, С.Фузайловдан яширишиб, фирибгарлик йўли билан талон-торож қилишиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишган.

Р.Наимов Д.Пулотов, Ж.Сотиволдиев ва бошқалар билан олдиндан тузилган жиноий режага кўра ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Самарқанд шаҳри, Б.И.Йўли кўчаси, 3$^{Б}$-манзилда қурилаётган кўп қаватли уйнинг 20-хонадонини С.Фузайловнинг хабардорлигисиз сотиб юбориб, тушган пул маблағларини жамият ҳисоб рақамига топширмасдан фирибгарлик йўли билан ўзлаштириш мақсадида 2014 йилнинг февраль ойларида инсофли харидор ҳисобланган И.Самадов ва Г.Алтибаеваларга мазкур хонадонни майдони жами 144 кв. метр эканини айтишиб, ҳар бир кв. метри учун 1 млн. 562 минг 500 сўмдан жами 225 млн. сўмга сотишни таклиф қилишган ва уларнинг таклифига рози бўлган И.Самадов ва Г.Алтибаевалардан ўша вақтнинг ўзида Самарқанд шаҳридаги Оби-Раҳмат ресторанида 91 млн. 800 минг сўм миқдоридаги нақд пул маблағини қўлга киритишиб, 25.02.2014 йилда жамият билан И.Самадов ўртасида "Қурилишда улушдор бўлиб қатнашиш ҳақида"ги шартномани имзолашиб, мазкур шартномада хонадон нархини 133 млн. 200 минг сўм қилиб қасддан жуда паст нархда баҳолашиб, мазкур шартномага асосан жамиятнинг ДАТ "Халқ банки"нинг Самарқанд вилоят филиалидаги ҳисоб рақамига пул тўлови амалга оширишни айтишганидан сўнг И.Самадова ва Г.Алтибаевалар томонидан 26.02.2014 йилда 66 млн. сўм 600 минг сўм ва 12.09.2014 йилда 66 млн. 600 минг сўм жами 133 млн. 200 минг сўм миқдоридаги пул маблағи кўчириб беришгач келгусида ўзларининг жиноий режаси фош бўлиб қолмаслигини таъминлаш мақсадида 16.01.2016 йилда мазкур хонадонни 12-сонли давлат нотариал идораси орқали олди-сотди шартномаси расмийлаштирган ҳолда И.Самадовнинг номига ўтказиб беришиб, мазкур шартномада хонадон 133 млн. 200 минг сўмга сотилгани ҳақида сохта маълумотлар киритишиб ҳамда шартнома асоси сифатида жамиятга И.Самадов томонидан 133 млн. 200 минг сўм пул маблағи тўлаб берилганлиги ҳақида сохта маълумотномани 12-сонли давлат нотариал идорасига тақдим этишиб,

мазкур сохта маълумотлар асосида ҳақиқатда хонадоннинг сотилишидан тушган 91 млн. 800 минг сўмлик пул маблағини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.08.2002 йилдаги "Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора тадбирлари тўғрисида"ги 280-сонли ва 15.04.2005 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 57-сонли Қарори талабларини қўпол равишда бузган ҳолда банкдан ташқари айланмасига йўл қўйишиб, С.Фузайловдан яширишиб, фирибгарлик йўли билан талон-торож қилишиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишган.

Р.Наимов Д.Пулотов, Ж.Сотиволдиев ва бошқалар билан олдиндан тузилган жиноий режага кўра ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Самарқанд шаҳри, Б.И.Йўли кўчаси, $3^{Б}$-манзилда қурилаётган кўп қаватли уйнинг 14-хонадонини С.Фузайловнинг хабардорлигисиз сотиб юбориб, тушган пул маблағларини жамият ҳисоб рақамига топширмасдан фирибгарлик йўли билан ўзлаштириш мақсадида 2014 йил апрель ойида инсофли харидор ҳисобланган О.Қудратовга мазкур хонадонни майдони жами 105 кв. метр эканини айтишиб, ҳар бир кв. метри учун 1 млн. 650 минг сўмдан жами 173 млн. 250 минг сўмга сотишни таклиф қилишган ва уларнинг таклифига рози бўлган О.Қудратов ўзи ва қариндоши Б. Мустафаевнинг номидан жамиятнинг ДАТ "Халқ банки"нинг Самарқанд вилоят филиалидаги ҳисоб рақамига 05.05.2014 йилда 51 млн. 975 минг сўм, 31.07.2015 йилда 2 та ҳолатда 3 млн. 500 минг сўм жами 55 млн. 475 минг сўм пул маблағи тўлаб бергач О.Қудратовни унинг номига хонадонни расмийлаштириб беришга ишонтиришиб, 15.01.2016 йилда 12-сонли давлат нотариал идораси орқали мазкур хонадонни аслида харидор (талабгор) бўлмаган фуқаро З. Исроилованинг номига у томонидан хонадон учун жамият ҳисоб рақамига ҳеч қандай пул маблағи тўланмаганини билишгани ҳолда З. Исроилова билан нотариал тартибда олди-сотди шартномаси расмийлаштиришиб, мазкур шартномада хонадон 93 млн. сўмга сотилгани ҳақида сохта маълумотлар киритишиб, жамиятга З. Исроилова томонидан хонадон учун 93 млн. сўмлик пул тўлови амалга оширилганлиги ҳақида сохта маълумотномани 12-сонли давлат нотариал идорасига тақдим этишиб, О.Қудратовдан оғзаки келишувга кўра қолган 144 млн. сўм пул маблағини 2016 йил июнь ойининг ўрталарига қадар талаб қилиб келишиб, 23.06.2016 йилда О.Қудратовдан оғзаки келишувга кўра тўланмай қолган 144 млн. 200 сўмни Самарқанд шаҳридаги Оби-Раҳмат ресторанида қўлга киритишгач мазкур хонадонни О.Қудратовнинг илтимосига кўра инсофли харидор ҳисобланган К.Мустафаеванинг номига З. Исроилова номидан олди-сотди шартномасига асосан нотариал тартибда расмийлаштириб беришиб, жамият томонидан мазкур хонадон 15.01.2016 йилдаги нотариал тартибдаги олди-сотди шартномасига асосан 93 млн. сўмга сотилганлиги ҳақидаги сохта маълумотлар асосида ҳақиқатда хонадоннинг сотилишидан тушган 144 млн. 250 минг сўмлик пул маблағини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.08.2002 йилдаги "Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора тадбирлари тўғрисида"ги 280-сонли ва 15.04.2005 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 57-сонли Қарори талабларини қўпол равишда бузган ҳолда банкдан ташқари айланмасига йўл қўйишиб, С.Фузайловдан яширишиб, фирибгарлик йўли билан талон-торож қилишиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишган.

Р.Наимов Д.Пулотов, Ж.Сотиволдиев ва бошқалар билан олдиндан тузилган жиноий режага кўра ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Самарқанд шаҳри, Б.И.Йўли кўчаси, $3^{Б}$-манзилда қурилаётган кўп қаватли уйнинг 23-хонадонини С.Фузайловнинг хабардорлигисиз сотиб юбориб, тушган пул маблағларини жамият ҳисоб рақамига топширмасдан фирибгарлик йўли билан ўзлаштириш мақсадида 2014 йил июнь ойида инсофли харидор ҳисобланган У.Умаровга мазкур хонадонни майдони жами 95 кв. метр эканини айтишиб, ҳар бир кв. метри учун 1 млн. 600 минг сўмдан жами 153 млн. сўмга сотишни таклиф қилишган ва уларнинг таклифига рози бўлган У.Умаров ўзи, танишлари Н.Пардаев, Т.Эсанов, З.Исмаилова, Н.Умаров, Л.Бекназаров ва бошқаларнинг номларидан жамиятнинг ДАТ "Халқ банки"нинг Самарқанд вилоят филиалидаги ҳисоб рақамига ҳамда АТБ "Микрокредитбанки"нинг Самарқанд вилоят филиалидаги ҳисоб рақамига, Р.Наимов раҳбарлигидаги ва айни вақтда Д.Пулотовнинг хуфёна ташкилий бошқарувидаги "Samarkand Business Like" МЧЖнинг банклардаги ҳисоб рақамларига жами келишилган 153 млн. сўмнинг бир қисмини тўлаб бергач хонадонни У.Умаровнинг номига расмийлаштириб беришга ишонтиришиб, 15.01.2016 йилда 12-сонли давлат нотариал идораси орқали мазкур хонадонни аслида харидор (талабгор) бўлмаган фуқаро Р.Қурбоновнинг номига у томонидан хонадон учун жамият ҳисоб рақамига ҳеч қандай пул маблағи тўланмаганини билишгани ҳолда Р.Қурбонов билан нотариал тартибда олди-сотди шартномаси расмийлаштиришиб, мазкур шартномада хонадон 93 млн. сўмга сотилгани ҳақида сохта маълумотлар киритишиб, жамиятга Р.Қурбонов томонидан хонадон учун 93 млн. сўмлик пул тўлови амалга оширилганлиги ҳақида сохта маълумотномани 12-сонли давлат нотариал идорасига тақдим этишиб, У.Умаровдан 153 млн. сўмлик оғзаки келишувга кўра қолган пул маблағини 2016 йил декабрь ойининг ўрталарига қадар талаб қилиб келишиб, мазкур пул маблағини тўлиқ қўлга киритишгач, Р.Наимов У.Умаровга у томонидан нақд пулсиз кўринишда ҳисоб-китоб қилинганлиги боис қўшимча равишда 10 млн. сўм нақд пул берганидан сўнг хонадонни унинг номига ўтказиб беришни айтганида У.Умаров Д.Пулотов, Ж.Сотиволдиев ва Р.Наимовларнинг мазкур хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилганлиги сабабли ўзларининг жиноий қилмишлари фош бўлиб қолишидан қўрқишиб, 21.07.2017 йилда хонадонни У.Умаровнинг номига Р.Қурбонов номидан олди-сотди шартномасига асосан нотариал тартибда расмийлаштириб беришиб, жамият

томонидан мазкур хонадон 15.01.2016 йилдаги нотариал тартибдаги олди-сотди шартномасига асосан 93 млн. сўмга сотилганлиги ҳақидаги сохта маълумотлар асосида ҳақиқатда хонадоннинг сотилишидан тушган 94 млн. 5 минг сўмлик пул маблағини С.Фузайловдан яширишиб, фирибгарлик йўли билан талон-торож қилишиб,ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишган.

Р.Наимов Д.Пулотов, Ж.Сотиволдиев ва бошқалар билан олдиндан тузилган жиноий режага кўра ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Самарқанд шаҳри, Б.И.Йўли кўчаси, 3^Б-манзилда қурилаётган кўп қаватли уйнинг 16-хонадонини С.Фузайловнинг хабардорлигисиз сотиб юбориб, тушган пул маблағларини жамият ҳисоб рақамига топширмасдан фирибгарлик йўли билан ўзлаштириш мақсадида 2014 йил июль ойида инсофли харидор ҳисобланган Р.Сайдуллаевга мазкур хонадонни майдони жами 105 кв. метр эканини айтишиб, ҳар бир кв. метри учун 1 млн. 700 минг сўмдан жами 178 млн. 500 минг сўмга сотишни таклиф қилишган ва уларнинг таклифига рози бўлган Р.Сайдуллаев билан жамият ўртасида 19.06.2014 йилдаги 42-сонли "Қурилишда улушдор бўлиб қатнашиш ҳақида"ги шартномани имзолашгач Р.Сайдуллаев жамиятнинг ДАТ "Халқ банки"нинг Самарқанд вилоят филиалидаги ҳисоб рақамига 19.07.2014 йилда 53 млн. 550 минг сўмни Ж.Сотиволдиевнинг гувоҳлигида ўтказиб, 09.09.2015 йилда 1 млн. 200 минг сўм, 18.09.2015 йилда 1 млн. 200 минг сўм, "Микрокредитбанк" АТБ Самарқанд вилоят филиалидаги ҳисоб рақамига 11.01.2016 йилда 8 млн. сўм, 22.03.2016 йилда 5 млн. сўм жами 68 млн. 950 минг сўм пул маблағи тўлаб бергач хонадонни Р.Сайдуллаевнинг номига расмийлаштириб беришга ишонтиришиб, 22.01.2016 йилда 12-сонли давлат нотариал идораси орқали мазкур хонадонни аслида харидор (талабгор) бўлмаган Ж.Сотиволдиев ўзининг номига шахсан ўзи томонидан хонадон учун жамият ҳисоб рақамига ҳеч қандай пул маблағи тўланмаганини билгани ҳолда нотариал тартибда олди-сотди шартномаси расмийлаштириб, мазкур шартномада хонадон 91 млн. сўмга сотилгани ҳақида сохта маълумотлар киритишиб, жамиятга Ж.Сотиволдиев томонидан хонадон учун 91 млн. сўмлик пул тўлови амалга оширилганлиги ҳақида сохта маълумотномани 12-сонли давлат нотариал идорасига тақдим этишиб, Р.Сайдуллаевдан оғзаки келишувга кўра қолган 110 млн. сўм пул маблағини 2016 йил октябрь ойига қадар талаб қилиб келишиб, Д.Пулотов, Ж.Сотиволдиев ва Р.Наимовлар Р.Сайдуллаевни уйдан мажбурий тартибда чиқариб юбориш билан қўрқитишиб уни тўланмай қолган 110 млн. доирасида ипотека кредит шартномаси расмийлаштиришга мажбур қилишгач Р.Сайдуллаев "Микрокредитбанк" АТБ Самарқанд филиалидан 110 млн. сўмлик ипотека кредит шартномаси расмийлаштириб, мазкур 110 млн. сўмлик кредит маблағини Ж.Сотиволдиев тақдим этган ҳисоб рақамига ўтказиб бергач инсофли харидор ҳисобланган Р.Сайдуллаевнинг номига Ж.Сотиволдиев олди-сотди шартномасига асосан нотариал тартибда расмийлаштириб бериб, жамият томонидан мазкур хонадон 22.01.2016 йилдаги нотариал тартибдаги олди-сотди шартномасига асосан 91 млн. сўмга сотилганлиги ҳақидаги сохта маълумотлар асосида ҳақиқатда хонадоннинг сотилишидан тушган 110 млн. сўмлик пул маблағини С.Фузайловдан яширишиб, фирибгарлик йўли билан талон-торож қилишиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишган.

Р.Наимов Д.Пулотов, Ж.Сотиволдиев ва бошқалар билан олдиндан тузилган жиноий режага кўра ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Самарқанд шаҳри, Б.И.Йўли кўчаси, 3^Б-манзилда қурилаётган кўп қаватли уйнинг 11-хонадонини С.Фузайловнинг хабардорлигисиз сотиб юбориб, тушган пул маблағларини жамият ҳисоб рақамида кўрсатмасдан фирибгарлик йўли билан ўзлаштириш мақсадида 2014 йил июль ойида инсофли харидор ҳисобланган Ш.Гулямовга мазкур хонадонни майдони жами 120 кв. метр эканини, ҳар бир кв. метри учун 1 млн. 900 минг сўмдан жами 240 млн. сўмга сотишни таклиф қилишган ва уларнинг таклифига рози бўлган Ш.Гулямов билан жамият ўртасида 04.07.2014 йилдаги 43-сонли "Қурилишда улушдор бўлиб қатнашиш ҳақида"ги шартномани имзолашиб, мазкур шартномада қасддан хонадоннинг ҳақиқий баҳосини С.Фузайловдан яшириш мақсадида 138 млн. 620 минг сўм қилиб кўрсатишиб, шартномани Ш.Гулямовга беришганидан сўнг Ш.Гулямовдан 101 млн. сўм миқдоридаги нақд пулни олиб қолган 138 млн. 620 минг сўм пул маблағини банк муассасаси орқали жамият ҳисоб рақамига топшириш ҳақида айтишгач Ш.Гулямов 04.07.2014 йилда уй-жой учун тўлов сифатида жамиятнинг ДАТ "Халқ банки"нинг Самарқанд вилоят филиалига 138 млн. 620 минг сўм пул тўловини амалга оширган ва 13.01.2016 йилда мазкур хонадонни 12-сонли давлат нотариал идораси орқали олди-сотди шартномаси расмийлаштирган ҳолда Ш.Гулямовнинг номига ўтказиб беришиб, шартномада хонадон 138 млн. 620 минг сўм сотилгани ҳақида сохта маълумотлар киритишиб ҳамда шартнома асоси сифатида жамиятга Ш.Гулямов томонидан 138 млн. 620 минг сўм пул маблағи тўлаб берилганлиги ҳақида сохта маълумотномани 12-сонли давлат нотариал идорасига тақдим этишиб, мазкур сохта маълумотлар асосида ҳақиқатда хонадоннинг сотилишидан тушган 101 млн. сўмлик пул маблағини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.08.2002 йилдаги "Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора тадбирлари тўғрисида"ги 280-сонли ва 15.04.2005 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 57-сонли Қарори талабларини қўпол равишда бузган ҳолда банкдан ташқари айланмасига йўл қўйишиб, С.Фузайловдан яширишиб, фирибгарлик йўли билан талон-торож қилишиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишган.

Р.Наимов Д.Пулотов, Ж.Сотиволдиев ва бошқалар билан олдиндан тузилган жиноий режага кўра ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Самарқанд шаҳри, Б.И.Йўли кўчаси, 3^Б-манзилда қурилаётган кўп қаватли уйнинг 5-хонадонини С.Фузайловнинг хабардорлигисиз сотиб юбориб, тушган пул маблағларини жамият ҳисоб рақамида кўрсатмасдан фирибгарлик йўли билан ўзлаштириш мақсадида

2014 йил октябрь-ноябрь ойларида инсофли харидор ҳисобланган У.Садуллаевага хонадоннинг майдони 100-110 кв. метр эканини айтишиб, ҳар бир кв. метри учун 1 млн. 700 минг сўмдан ҳисоблаганда жами 194 млн. сўмга сотишни таклиф қилишган ва уларнинг таклифига рози бўлган У.Садуллаева келишилган пул маблағини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан мазкур хонадон учун дастлаб 11.06.2014 йилда 70 млн. сўм пул маблағини жамиятнинг ДАТ "Халқ банки" Самарқанд вилоят филиалидаги ҳисоб рақамига ўтказиб берган бўлса-да мазкур хонадонни 19.01.2016 йилда 12-сонли давлат нотариал идорасида ўзининг жиноий шерига Р.Наимов номига олди-сотди шартномаси асосида расмийлаштиришга эришишиб, Р.Наимов томонидан мазкур хонадонни сотиб олиш учун ҳеч қандай пул маблағи тўланмаганини ҳамда мазкур хонадонни сотиб олиш учун У.Садуллаева биринчи харидор бўлганини билишган ҳолда хонадон олди-сотди шартномасида Р.Наимов томонидан 93 млн. сўмга сотиб олинганлиги ҳақида сохта ёзувлар киритиб, шартнома асоси сифатида эса жамиятга Р.Наимов томонидан 93 млн. сўм пул тўланганлиги ҳақидаги сохта маълумотнома тақдим этиб, кейинчалик У.Садуллаеванинг омонот ҳисоб-рақамидан 14.06.2016 йилда 7 та ҳолатда 99 млн. сўм ва 10.09.2016 йилда 2 та ҳолатда 25 млн. сўм жами 124 млн. сўмлик пул маблағларини Д.Пулотов ўзининг ТИФ "Миллий банки"нинг Регистон филиалидаги омонот ҳисоб рақамига ўтказиб олишга эришишиб, У.Садуллаевадан жами 194 млн. сўмлик пул маблағини қўлга киритиб бўлишгач 23.06.2016 йилда Р.Наимов мазкур хонадонни У.Садуллаеванинг номига олди-сотди шартномасига асосан расмийлаштириб бериб, жамият томонидан мазкур хонадон 19.01.2016 йилдаги нотариал тартибдаги олди-сотди шартномасига асосан 93 млн. сўмга сотилганлиги ҳақидаги сохта маълумотлар асосида ҳақиқатда хонадоннинг сотилишидан тушган 124 млн. сўмлик пул маблағини С.Фузайловдан яширишиб, фирибгарлик йўли билан талон-торож қилишиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишган.

Р.Наимов Д.Пулотов, Ж.Сотиволдиев ва бошқалар билан олдиндан тузилган жиноий режага кўра ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Самарқанд шаҳри, Б.И.Йўли кўчаси, $3^{Б}$-манзилда қурилаётган кўп қаватли уйнинг 18-хонадонини С.Фузайловнинг хабардорлигисиз сотиб юбориб, тушган пул маблағларини жамият ҳисоб рақамига топширмасдан фирибгарлик йўли билан ўзлаштириш мақсадида 2014 йил ноябрь ойининг бошларида инсофли харидор ҳисобланган М.Тоировга мазкур хонадонни жами 84 минг АҚШ долларига сотишни таклиф қилишган ва уларнинг таклифига рози бўлган М.Тоировдан 11.11.2014 йилда 84 минг АҚШ долларининг "қора бозор"даги эквивалентига тенг бўлган 354 млн. сўм миқдоридаги нақд пул маблағини Самарқанд шаҳри, Б.И.Йўли кўчаси, $3^{Б}$-манзилда қўлга киритишиб, М.Тоировнинг қариндоши С. Гафурова билан жамият ўртасида 11.11.2014 йилдаги 50-сонли "Қурилишда улушдор бўлиб қатнашиш ҳақида"ги шартномани имзолашиб, мазкур шартномада қасддан хонадоннинг ҳақиқий баҳосини С.Фузайловдан яшириш мақсадида 144 млн. сўм қилиб кўрсатишиб, шартномани М.Тоировга беришгандан сўнг М.Тоировдан олган 84 минг АҚШ долларининг қора бозордаги эквивалентига тенг бўлган 354 млн. сўм миқдоридаги нақд пул маблағининг 144 млн. сўмини М.Тоировнинг онаси Г.Вохидова номидан уй-жой тўлови сифатида 18.12.2014 йилда жамиятнинг ДАТ "Халқ банки"нинг Самарқанд вилоят филиалига топшириб, келгусида жиноий режанинг фош бўлиб қолмаслигини таъминлаш мақсадида 13.01.2016 йилда мазкур хонадонни 12-сонли давлат нотариал идораси орқали олди-сотди шартномаси расмийлаштирган ҳолда С. Гафурованинг номига ўтказиб беришиб, мазкур шартномада хонадон 144 млн. сўм сотилгани ҳақида сохта маълумотлар киритишиб ҳамда шартнома асоси сифатида жамиятга С. Гафурова томонидан 144 млн. сўм пул маблағи тўлаб берилганлиги ҳақида сохта маълумотномани 12-сонли давлат нотариал идорасига тақдим этишиб, мазкур сохта маълумотлар асосида ҳақиқатда хонадоннинг сотилишидан тушган 210 млн. сўмлик нақд пул маблағини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.08.2002 йилдаги "Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора тадбирлари тўғрисида"ги 280-сонли ва 15.04.2005 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 57-сонли Қарори талабларини қўпол равишда бузган ҳолда банкдан ташқари айланмасига йўл қўйишиб, С.Фузайловдан яширишиб, фирибгарлик йўли билан талон-торож қилишиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишган.

Р.Наимов Д.Пулотов, Ж.Сотиволдиев ва бошқалар билан олдиндан тузилган жиноий режага кўра ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Самарқанд шаҳри, Б.И.Йўли кўчаси, $3^{Б}$-манзилда қурилаётган кўп қаватли уйнинг 31-хонадонини С.Фузайловнинг хабардорлигисиз сотиб юбориб, тушган пул маблағларини жамият ҳисоб рақамига топширмасдан фирибгарлик йўли билан ўзлаштириш мақсадида 2014 йилнинг ноябрь ойларида инсофли харидор ҳисобланган Б.Адашевга мазкур хонадонни майдони жами 122 кв. метр эканини айтишиб, ҳар бир кв. метри учун 1 млн. 700 минг сўмдан жами 207 млн. 400 минг сўмга сотишни таклиф қилишган ва уларнинг таклифига рози бўлган Б.Адашевнинг турмуш ўртоғи Д. Аблакулова билан жамият ўртасида 26.11.2014 йилдаги 26/11-сонли "Қурилишда улушдор бўлиб қатнашиш ҳақида"ги шартнома имзолашга эришишиб, мазкур шартномада хонадон нархини 93 млн. сўм қилиб қасддан жуда паст нархда баҳолашиб, шартномага асосан Б.Адашев томонидан жамиятнинг ДАТ "Халқ банки"нинг Самарқанд вилоят филиалидаги ҳисоб рақамига 26.11.2014 йилда 20 млн. сўм ва 27.11.2014 йилда 20 млн. сўм жами 40 млн. сўм миқдоридаги пул маблағи кўчириб берилгач 2016 йил январь ойига қадар Б.Адашевдан жами 167 млн. 400 минг сўм миқдоридаги пул маблағини нақд пул шаклида олишиб, келгусида ўзларининг жиноий режаси фош бўлиб қолмаслигини таъминлаш мақсадида 18.01.2016 йилда мазкур хонадонни 12-сонли давлат нотариал идораси орқали

олди-сотди шартномаси расмийлаштирган ҳолда Б.Адашевнинг турмуш ўртоғи Д. Аблакулованинг номига ўтказиб беришиб, мазкур шартномада хонадон 93 млн. сўмга сотилгани ҳақида сохта маълумотлар киритишиб ҳамда шартнома асоси сифатида жамиятга Д. Аблакулова томонидан 93 млн. сўм пул маблағи тўлаб берилганлиги ҳақида сохта маълумотномани 12-сонли давлат нотариал идорасига тақдим этишиб, мазкур сохта маълумотлар асосида ҳақиқатда хонадоннинг сотилишидан тушган 167 млн. 400 минг сўмлик нақд пул маблағини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.08.2002 йилдаги "Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора тадбирлари тўғрисида"ги 280-сонли ва 15.04.2005 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 57-сонли Қарори талабларини қўпол равишда бузган ҳолда банкдан ташқари айланмасига йўл қўйишиб, С.Фузайловдан яширишиб, фирибгарлик йўли билан талон-торож қилишиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишган.

Р.Наимов Д.Пулотов, Ж.Сотиволдиев ва бошқалар билан олдиндан тузилган жиноий режага кўра ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Самарқанд шаҳри, Б.И.Йўли кўчаси, $3^{Б}$-манзилда қурилаётган кўп қаватли уйнинг 17-сонли савдо дўконини 35, 36, 37, 38, 39, 41, 42-сонли ертўлалари билан бирга С.Фузайловнинг хабардорлигисиз сотиб юбориб, тушган пул маблағларини жамият ҳисоб рақамига топширмасдан фирибгарлик йўли билан ўзлаштириш мақсадида 2014 йил ноябрь ойининг бошларида инсофли харидор ҳисобланган А.Нарзиқуловга мазкур хонадонни майдони 90 кв. метр эканини, ҳар бир кв. метри учун 1 минг АҚШ долларидан жами 90 минг АҚШ долларига сотишни таклиф қилишган ва уларнинг таклифига рози бўлган А.Нарзиқуловнинг онаси Н.Баратова билан 06.11.2014 йилда 42-сонли "Қурилишда улушдор бўлиб қатнашиш ҳақида"ги шартномани имзолашиб, шартномани А.Нарзиқуловга беришганидан сўнг А.Нарзиқуловдан 2015 йилнинг декабрь ойига қадар жами 225 млн. сўм нақд пул маблағини қўлга киритишиб, шундан 63 млн. сўмини жамиятга хизмат кўрсатувчи ДАТ "Халқ банки" Самарқанд вилоят филиалидаги ҳисоб рақамига топширишга эришишиб, қолган 162 млн. сўмлик нақд пулни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.08.2002 йилдаги "Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора тадбирлари тўғрисида"ги 280-сонли ва 15.04.2005 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 57-сонли Қарори талабларига зид равишда банк муассасасига топширмасдан нақд пул маблағининг банкдан ташқари айланмасига йўл қўйишиб, 162 млн. сўм нақд пул маблағини ўзлаштириш мақсадида Н.Баратова билан жамият ўртасида 10.01.2016 йилда 12-сонли давлат нотариал идорасида олди-сотди шартномаси расмийлаштириш жараёнида 06.11.2014 йилда имзоланган 42-сонли "Қурилишда улушдор бўлиб қатнашиш ҳақида"ги шартноманинг асл нусхасини олиб қўйишиб, ўрнига савдо дўконининг баҳосини қасддан 80 млн. сўм қилиб камайтирилган ҳолдаги шартномани тақдим этишиб, олди-сотди шартномасида ҳам мазкур савдо дўкони 80 млн. сўмга сотилгани ҳақида сохта маълумотлар киритишиб, шартнома суммаси асоси сифатида Н.Баратова томонидан 80 млн. сўм пул маблағи тўланганлиги ҳақидаги сохта маълумотномани 12-сонли давлат нотариал идорасига тақдим этишиб, ҳақиқатда А.Нарзиқуловдан олинган 162 млн. сўмни С.Фузайловдан яширган ҳолда фирибгарлик йўли билан талон-торож қилишиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишган.

Р.Наимов Д.Пулотов, Ж.Сотиволдиев ва бошқалар билан олдиндан тузилган жиноий режага кўра ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Самарқанд шаҳри, Б.И.Йўли кўчаси, $3^{Б}$-манзилда қурилаётган кўп қаватли уйнинг 3-хонадонини С.Фузайловнинг хабардорлигисиз сотиб юбориб, тушган пул маблағларини жамият ҳисоб рақамига топширмасдан фирибгарлик йўли билан ўзлаштириш мақсадида 2014 йил декабрь ойида инсофли харидор ҳисобланган Ж.Субхановага хонадоннинг майдони 105 кв. метр эканини, ҳар бир кв. метри учун 1 млн. 800 минг сўмдан жами 189 млн. сўм бўлишини айтишиб, 2015 йил январь ойининг ўрталарида Ж.Субхановадан 18 млн. сўм пул маблағини олишиб, мазкур пул маблағини 26.01.2015 йилда жамиятга хизмат кўрсатувчи ДАТ "Халқ банки" Самарқанд вилоят филиалидаги ҳисоб рақамига топширишиб, жамият билан Ж.Субханова ўртасида 13.04.2015 йилда 51-сонли "Қурилишда улушдор бўлиб қатнашиш ҳақида"ги шартномани имзолашиб, мазкур хонадон учун 2015 йилнинг охирига қадар 171 млн. сўм пул маблағини нақд пул шаклида қўлга киритишиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.08.2002 йилдаги "Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора тадбирлари тўғрисида"ги 280-сонли ва 15.04.2005 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 57-сонли Қарори талабларига зид равишда банк муассасасига топширмасдан нақд пул маблағининг банкдан ташқари айланмасига йўл қўйишиб, 171 млн. сўм нақд пул маблағини ўзлаштириш мақсадида 13.01.2016 йилда 12-сонли давлат нотариал идорасида олди-сотди шартномаси расмийлаштирган ҳолда хонадонни Ж.Субхpraнованинг номига ўтказиб бериш жараёнида Ж.Субхановадан 13.04.2015 йилдаги 51-сонли "Қурилишда улушдор бўлиб қатнашиш ҳақида"ги шартноманинг асл нусхасини олиб қўйишиб, ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида йўқ қилишиб, ўрнига хонадоннинг баҳосини қасддан 93 млн. сўм қилиб камайтирилган ҳолдаги шартномани тақдим этишиб, олди-сотди шартномасида ҳам мазкур хонадон 93 млн. сўмга сотилгани ҳақида сохта маълумотлар киритишиб, шартномада кўрсатилган келишув нархи асосида жамиятга Ж.Субханова томонидан 93 млн. сўм пул маблағи тўланганлиги ҳақида сохта маълумотномани 12-сонли давлат нотариал идорасига тақдим этишиб, ҳақиқатда Ж.Субхановадан олинган 189 млн. сўмни С.Фузайловдан

яширган ҳолда шундан банк муассасасига топширилмаган 171 млн. сўмлик қисмини фирибгарлик йўли билан талон-торож қилишиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишган.

Р.Наимов Д.Пулотов, Ж.Сотиволдиев ва бошқалар билан олдиндан тузилган жиноий режага кўра ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Самарқанд шаҳри, Б.И.Йўли кўчаси, 3$^{Б}$-манзилда қурилаётган кўп қаватли уйнинг 32-хонадонини С.Фузайловнинг хабардорлигисиз сотиб юбориб, тушган пул маблағларини жамият ҳисоб рақамига топширмасдан фирибгарлик йўли билан ўзлаштириш мақсадида 2015 йилнинг бошларида инсофли харидор ҳисобланган Ш.Маруповга мазкур хонадонни майдони жами 122 кв. метр эканини айтишиб, ҳар бир кв. метри учун 1 млн. 700 минг сўмдан жами 207 млн. сўмга сотишни таклиф қилишган ва уларнинг таклифига рози бўлган Ш.Марупов томонидан жамиятнинг ДАТ “Халқ банки”нинг Самарқанд вилоят филиалидаги ҳисоб рақамига ҳамда АТБ “Микрокредитбанки”нинг Самарқанд вилоят филиалидаги ҳисоб рақамига жами 114 млн. 544 минг сўм тўлаб берилган бўлишига қарамасдан Ш.Маруповнинг номига хонадонни расмийлаштириб беришга ишонтиришиб, 16.01.2016 йилда 12-сонли давлат нотариал идораси орқали мазкур хонадонни аслида харидор (талабгор) бўлмаган фуқаро М.Махмудовнинг номига у томонидан хонадон учун жамият ҳисоб рақамига ҳеч қандай пул маблағи тўланмаганини билишгани ҳолда М.Махмудов билан нотариал тартибда олди-сотди шартномаси расмийлаштиришиб, мазкур шартномада хонадон 115 млн. сўмга сотилгани ҳақида сохта маълумотлар киритишиб, жамиятга М.Махмудов томонидан хонадон учун 115 млн. сўмлик пул тўлови амалга оширилганлиги ҳақида сохта маълумотномани 12-сонли давлат нотариал идорасига тақдим этишиб, Ш.Маруповдан 207 млн. сўмлик оғзаки келишувга кўра қолган пул маблағининг 50 млн. сўмлик қисми учун 05.05.2016 йилда “Cobalt” русумли давлат рақам белгиси 30 О 449 NA бўлган транспорт воситасини мол-мулк шаклида қабул қилишиб, яна 26 млн. 450 минг сўмини Р.Наимов раҳбарлигидаги ва айни вақтда Д.Пулотовнинг хуфёна ташкилий бошқарувидаги “Samarkand Business Like” МЧЖнинг банклардаги ҳисоб рақамларига ўтказиб олишиб, қолган 3 млн. 56 минг сўмини 05.10.2016 йилда Самарқанд шаҳридаги Оби-Раҳмат ресторанида нақд пул шаклида олишиб, Ш.Маруповдан жами 207 млн. сўмлик пул маблағи ва мол-мулкни қўлга киритишгач ўзларининг жиноий қилмишлари фош бўлиб қолишидан қўрқишиб ҳамда С.Фузайловдан хонадонни ҳақиқий баҳосини яшириш мақсадида 05.10.2016 йилда хонадонни Ш.Маруповнинг ўғли Марупов Шехрознинг номига М.Махмудов номидан олди-сотди шартномасига асосан нотариал тартибда расмийлаштириб беришиб, жамият томонидан мазкур хонадон 16.01.2016 йилдаги нотариал тартибдаги олди-сотди шартномасига асосан 115 млн. сўмга сотилганлиги ҳақидаги сохта маълумотлар асосида ҳақиқатда хонадоннинг сотилишидан тушган 92 млн. 456 минг сўмлик пул маблағини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.08.2002 йилдаги “Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 280-сонли ва 15.04.2005 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 57-сонли Қарори талабларини қўпол равишда бузишиб, банкдан ташқари айланмасига йўл қўйишиб, С.Фузайловдан яширишиб, фирибгарлик йўли билан талон-торож қилишиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишган.

Р.Наимов Д.Пулотов, Ж.Сотиволдиев ва бошқалар билан олдиндан тузилган жиноий режага кўра ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Самарқанд шаҳри, Б.И.Йўли кўчаси, 3$^{Б}$-манзилда қурилаётган кўп қаватли уйнинг 2-хонадонини С.Фузайловнинг хабардорлигисиз сотиб юбориб, тушган пул маблағларини жамият ҳисоб рақамига топширмасдан фирибгарлик йўли билан ўзлаштириш мақсадида 2015 йил апрель ойининг бошларида инсофли харидор ҳисобланган Х. Хатамбойга мазкур хонадонни жами 41 минг АҚШ долларига сотишга келишишиб, жамият билан Х. Хатамбой ўртасида 13.04.2015 йилда 51-сонли “Қурилишда улушдор бўлиб қатнашиш ҳақида”ги шартномани имзолашиб, 13.04.2015 йилда Х. Хатамбойдан жами 41 минг АҚШ долларини (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг шу куни 1 (бир) АҚШ долларига нисбатан қиймати 2 минг 888 сўм 39 тийинлик расмий курс бўйича 118 млн. 424 минг сўм) нақд пул шаклида қўлга киритишиб, шундан 91 млн. 500 минг сўм миқдоридаги пулни жамиятга хизмат кўрсатувчи ДАТ “Халқ банки” Самарқанд вилоят филиалидаги ҳисоб рақамига топширишиб, қолган 26 млн. 924 минг сўм нақд пул маблағини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.08.2002 йилдаги “Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 280-сонли ва 15.04.2005 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 57-сонли Қарори талабларига зид равишда банк муассасасига топширмасдан нақд пул маблағининг банкдан ташқари айланмасига йўл қўйишиб, 26 млн. 924 минг сўм нақд пул маблағини ўзлаштириш мақсадида 13.01.2016 йилда 12-сонли давлат нотариал идорасида олди-сотди шартномаси расмийлаштирган ҳолда хонадонни Х. Хатамбойнинг номига ўтказиб бериш жараёнида Х. Хатамбойдан 13.04.2015 йилдаги 51-сонли “Қурилишда улушдор бўлиб қатнашиш ҳақида”ги шартноманинг асл нусхасини олиб қўйишиб, ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида йўқ қилишиб, ўрнига хонадоннинг баҳосини қасддан 91 млн. 500 минг сўм қилиб камайтирилган ҳолдаги шартномани тақдим этишиб, олди-сотди шартномасида ҳам мазкур хонадон 91 млн. 500 минг сўмга сотилгани ҳақида сохта маълумотлар киритишиб, мазкур шартномада кўрсатилган келишув нархи асосида жамиятга Х. Хатамбой томонидан 91 млн. 500 минг сўм пул маблағи тўланганлиги сохта маълумотномани 12-сонли давлат нотариал идорасига тақдим этишиб, ҳақиқатда Х. Хатамбойдан олинган 118 млн. 424 минг сўм эквивалентидаги 41 минг АҚШ долларини С.Фузайловдан яширган ҳолда шундан банк

муассасасига топширилмаган 26 млн. 924 минг сўмлик қисмини фирибгарлик йўли билан талон-торож қилишиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишган.

Р.Наимов Д.Пулотов, Ж.Сотиволдиев ва бошқалар билан олдиндан тузилган жиноий режага кўра ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Самарқанд шаҳри, Б.И.Йўли кўчаси, $3^{Б}$-манзилда қурилаётган кўп қаватли уйининг 9-сонли савдо дўконини С.Фузайловнинг хабардорлигисиз сотиб юбориб, тушган пул маблағларини жамият ҳисоб рақамига топширмасдан фирибгарлик йўли билан ўзлаштириш мақсадида 2015 йил апрель ойининг бошларида инсофли харидор ҳисобланган Б.Аминовга мазкур савдо дўконини жами 35 минг АҚШ долларига сотишни таклиф қилишган ва уларнинг таклифига рози бўлган Б.Аминовнинг қариндоши С.Эгамбердиев билан жамият ўртасида 03.04.2015 йилдаги 50-сонли “Қурилишда улушдор бўлиб қатнашиш ҳақида”ги шартномани имзолашиб, шартномани Б.Аминовга тақдим этишганидан сўнг Б.Аминовдан 35 минг АҚШ долларининг ўша вақтдаги қора бозордаги эквивалентига тенг бўлган 150 млн. 500 минг сўм нақд пулни қўлга киритишганидан сўнг С. Эгамбердив номидан 06.04.2015 йилда 54 млн. сўм жамиятнинг ДАТ “Халқбанки”нинг Самарқанд вилоят филиалидаги ҳисоб рақамига кирим қилишга эришишиб, савдо дўкони учун нақд пул шаклида олинган 150 млн. 500 минг сўмга тенг 35 минг АҚШ долларининг 96 млн. 500 минг сўмлик нақд пул шаклидаги қисмини банк муассасасига топширмасдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.08.2002 йилдаги “Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 280-сонли ва 15.04.2005 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 57-сонли Қарори талабларини қўпол равишда бузишиб, банкдан ташқари айланмасига йўл қўйишиб, 96 млн. 500 минг сўм нақд пул маблағини ўзлаштириш мақсадида 10.01.2016 йилда 12-сонли давлат нотариал идорасида олди-сотди шартномаси расмийлаштирган ҳолда савдо дўконини С.Эгамбердиевнинг номига ўтказиб бериш жараёнида Б.Аминовдан С.Эгамбердиев билан жамият ўртасида 03.04.2015 йилда имзоланган 50-сонли шартноманинг асл нусхасини олиб қўйишиб, ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида йўқ қилишиб, ўрнига савдо дўконининг баҳосини қасддан 55 млн. сўм қилиб камайтирилган ҳолдаги шартномани тақдим этишиб, олди-сотди шартномасида ҳам мазкур савдо дўкони 55 млн. сўмга сотилганлиги ҳақида сохта маълумотлар киритишиб, жамиятга С.Эгамбердиев томонидан жами 55 млн. сўм пул маблағи тўланганлиги ҳақида сохта маълумотномани12-сон давлат нотариал идорасига тақдим этишиб, ҳақиқатда Б.Аминовдан олинган 150 млн. 500 минг сўмга тенг 35 минг АҚШ долларини С.Фузайловдан яширган ҳолда шундан банк муассасасига топширилмаган 96 млн. 500 минг сўмлик қисмини, фирибгарлик йўли билан талон-торож қилишиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишган.

Р.Наимов Д.Пулотов, Ж.Сотиволдиев ва бошқалар билан олдиндан тузилган жиноий режага кўра ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Самарқанд шаҳри, Б.И.Йўли кўчаси, $3^{Б}$-манзилда қурилаётган кўп қаватли уйининг 13-сонли савдо дўконини С.Фузайловнинг хабардорлигисиз сотиб юбориб, тушган пул маблағларини жамият ҳисоб рақамига топширмасдан фирибгарлик йўли билан ўзлаштириш мақсадида 2015 йил апрель ойининг бошларида мазкур савдо дўконини холис воситачи М.Махмудовнинг ёрдамида инсофли харидор ҳисобланган Б.Гулямовга умумий майдони 33 кв. метр эканини айтишиб, ҳар кв. метри учун 1 минг АҚШ долларидан ортиқроқ нархда жами 35 минг АҚШ долларига сотишни таклиф қилишган ва уларнинг таклифига рози бўлган Б.Гулямовнинг турмуш ўртоғи У. Ахмедова билан жамият ўртасида 13.04.2015 йилдаги 52-сонли “Қурилишда улушдор бўлиб қатнашиш ҳақида”ги шартномани имзолашиб, шартномани Б.Гулямовга тақдим этишганидан сўнг Б.Гулямовдан холис воситачи М.Махмудов орқали 2015 йил апрель ойининг ўрталарида 22 минг 700 АҚШ долларининг “қора бозор”даги эквивалентига тенг бўлган 97 млн. 610 минг сўм қўлга киритишиб, қолган 12 минг 300 АҚШ долларини миллий валютага нисбатан 52 млн. 800 минг сўмга ҳисоблашиб мазкур пул маблағини жамиятнинг ДАТ “Халқбанки”нинг Самарқанд вилоят филиалидаги ҳисоб рақамига 22.04.2015 йилда кирим қилишга эришишиб, савдо дўкони учун нақд пул шаклида олинган 97 млн. 610 минг сўмни банк муассасасига топширмасдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.08.2002 йилдаги “Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 280-сонли ва 15.04.2005 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 57-сонли Қарори талабларини қўпол равишда бузишиб, банкдан ташқари айланмасига йўл қўйишиб, 97 млн. 610 минг сўмлик нақд пул маблағини ўзлаштириш мақсадида 10.01.2016 йилда 12-сонли давлат нотариал идорасида олди-сотди шартномаси расмийлаштирган ҳолда савдо дўконини У. Ахмедованинг номига ўтказиб бериш жараёнида Б.Гулямовдан У. Ахмедова билан жамият ўртасида 13.04.2015 йилда имзоланган 52-сонли шартноманинг асл нусхасини олиб қўйишиб, ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида йўқ қилишиб, ўрнига савдо дўконининг баҳосини қасддан 52 млн. 800 минг сўм қилиб камайтирилган ҳолдаги шартномани тақдим этишиб, олди-сотди шартномасида ҳам мазкур савдо дўкони 52 млн. 800 минг сўмга сотилганлиги ҳақида сохта маълумотлар киритишиб, жамиятга У. Ахмедова томонидан жами 52 млн. 800 минг сўм пул маблағи тўланганлиги ҳақида сохта маълумотномани 12-сон давлат нотариал идорасига тақдим этишиб, ҳақиқатда Б.Гулямовдан олинган 150 млн. 410 минг сўмни С.Фузайловдан яширган ҳолда шундан банк муассасасига топширилмаган 97 млн. 610 минг сўмлик қисмини, фирибгарлик йўли билан талон-торож қилишиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишган.

Р.Наимов Д.Пулотов, Ж.Сотиволдиев ва бошқалар билан олдиндан тузилган жиноий режага кўра ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Самарқанд шаҳри, Б.И.Йўли кўчаси, 3$^{Б}$-манзилда қурилаётган кўп қаватли уйнинг 25-хонадонини С.Фузайловнинг хабардорлигисиз сотиб юбориб, тушган пул маблағларини жамият ҳисоб рақамига топширмасдан фирибгарлик йўли билан ўзлаштириш мақсадида 2015 йил май ойида инсофли харидор ҳисобланган Р.Азгаровга хонадоннинг майдони 122 кв. метр эканини айтишиб, ҳар бир кв. метри учун 500 АҚШ долларидан жами 60 минг АҚШ долларига сотишга келишишиб, ўша вақтда Р.Азгаровдан унга тегишли бўлган "Captiva-3" русумли транспорт воситасини 24 минг АҚШ долларига (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг шу куни 1 (бир) АҚШ долларига нисбатан қиймати 2 минг 546 сўм 22 тийинлик расмий курс бўйича 61 млн. 109 минг 300 сўм) ҳисоблаб олишиб, сўнгра 2015 йил июнь ойининг ўрталарида Самарқанд шаҳри, Беруний кўчаси, 65-уйда жойлашган собиқ "Одноклассники" кафесида Р.Азгаровдан 5 минг АҚШ долларини (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг шу куни 1 (бир) АҚШ долларига нисбатан қиймати 2 минг 546 сўм 22 тийинлик расмий курс бўйича 12 млн. 731 минг 100 сўм) ва 2015 йил июнь ойининг охирларида худди шу манзилда Р.Азгаровдан 5 минг АҚШ долларини (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг шу куни 1 (бир) АҚШ долларига нисбатан қиймати 2 минг 565 сўм 29 тийинлик расмий курс бўйича 12 млн. 826 минг 500 сўм) пул маблағини қўлга киритишгач унга хонадонни таъмирлаш ишларини бошлайверишни айтишиб, хонадонда Р.Азгаров томонидан олиб борилаётган таъмирлаш ишлари жараёнида Р.Азгаров билан жамият ўртасида 08.05.2015 йилдаги 62-сонли "Қурилишда улушдор бўлиб қатнашиш ҳақида"ги шартномани имзолашиб, мазкур шартномада хонадоннинг ҳар бир кв. метрини Р.Азгаров билан бўлган оғзаки келишувга нисбатан қасддан 1 млн. сўм қийматидаги паст нархда кўрсатишиб, унга жамиятга хизмат кўрсатувчи ДАТ "Халқ банки" Самарқанд вилоят филиалидаги ҳисоб рақамига 122 млн. сўм тўловни амалга оширишини айтишганидан сўнг Р.Азгаров жамиятнинг ДАТ "Халқ банки" Самарқанд вилоят филиалидаги ҳисоб рақамига 10.07.2015 йилда 2 та ҳолатда 4 млн. сўм ва 18 млн. сўм, 07.10.2015 йилда 21 млн. 500 минг сўм, 16.10.2015 йилда 26 млн. 500 минг сўм, "Микрокредитбанк" АТБ Самарқанд филиалидаги ҳисоб рақамига 14.01.2016 йилда 38 млн. сўм жами 108 млн. миқдоридаги пул тўловини амалга оширганидан сўнг 15.01.2016 йилда 12-сонли давлат нотариал идораси орқали олди-сотди шартномасига асосан хонадонни Р.Азгаровнинг номига ўтказиб беришиб, ўзларининг жиноий қилмишлари фош бўлиб қолмаслигини таъминлаш мақсадида мазкур нотариал тартибда тасдиқланган олди-сотди шартномасида хонадон 108 млн. сўмга сотилганлиги ҳақидаги сохта маълумотларни киритишга эришишиб, хонадоннинг ҳақиқий баҳоси ҳисобланган 194 млн. 666 минг 800 сўмлик пул маблағини С.Фузайловдан яширишиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.08.2002 йилдаги "Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора тадбирлари тўғрисида"ги 280-сонли ва 15.04.2005 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 57-сонли Қарори талабларига зид равишда 86 млн. 668 минг 800 сўмлик нақд пулни банк муассасасига топширмасдан нақд пул маблағининг банкдан ташқари айланмасига йўл қўйишиб, фирибгарлик йўли билан ўзлаштиришиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишган.

Р.Наимов Д.Пулотов, Ж.Сотиволдиев ва бошқалар билан олдиндан тузилган жиноий режага кўра ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Самарқанд шаҳри, Б.И.Йўли кўчаси, 3$^{Б}$-манзилда қурилаётган кўп қаватли уйнинг 11-сонли савдо дўконини 24, 25, 26-сонли ертўлалари билан бирга С.Фузайловнинг хабардорлигисиз сотиб юбориб, тушган пул маблағларини жамият ҳисоб рақамига топширмасдан фирибгарлик билан ўзлаштириш мақсадида 2015 йил май ойларида мазкур савдо дўконини инсофли харидор ҳисобланган М.Искандаровга жами 24 млн. 500 минг сўмга сотишни таклиф қилишган ва уларнинг таклифига рози бўлган М.Искандаров билан жамият ўртасида 07.05.2015 йилдаги 54-сонли "Қурилишда улушдор бўлиб қатнашиш ҳақида"ги шартномани имзолашга эришишиб, шартномани М.Искандаровга тақдим этишганидан сўнг М.Искандаров томонидан 07.05.2015 йилда 4 млн. сўм ва 30.07.2015 йилда 4 млн. сўм жами 8 млн. сўмни жамиятнинг ДАТ "Халқбанки"нинг Самарқанд вилоят филиалидаги ҳисоб рақамига кирим қилишга эришишиб М.Искандаров билан жамият ўртасида 07.05.2015 йилда имзоланган 54-сонли шартномада ва 13.01.2016 йилда 12-сонли давлат нотариал идорасида имзоланган олди-сотди шартномасида мазкур савдо дўкони 24 млн. 500 минг сўмга сотилганлиги ҳақида кўрсатишиб, жамиятга М.Искандаров томонидан жами 24 млн. 500 минг сўм пул маблағи тўланганлиги ҳақида сохта маълумотномани 12-сон давлат нотариал идорасига тақдим этишиб, савдо дўкони учун терговда аниқлаш имкони бўлмаган йўллар билан нақд пул шаклида олинган 16 млн. 500 минг сўмни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.08.2002 йилдаги "Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора тадбирлари тўғрисида"ги 280-сонли ва 15.04.2005 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 57-сонли Қарори талабларини қўпол равишда бузишиб, банкдан ташқари айланмасига йўл қўйишиб, С.Фузайловдан яширишиб, фирибгарлик йўли билан талон-торож қилишиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишган.

Р.Наимов Д.Пулотов, Ж.Сотиволдиев ва бошқалар билан олдиндан тузилган жиноий режага кўра ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Самарқанд шаҳри, Б.И.Йўли кўчаси, 3$^{Б}$-манзилда қурилаётган кўп қаватли уйнинг 7-сонли савдо дўконини 17, 18, 19-сонли ертўлалари билан бирга

С.Фузайловнинг хабардорлигисиз сотиб юбориб, тушган пул маблағларини жамият ҳисоб рақамига топширмасдан фирибгарлик билан ўзлаштириш мақсадида 2015 йил май ойларида инсофли харидор ҳисобланган Г.Алтибаевага мазкур савдо дўконини жами 90 минг АҚШ долларига сотишни таклиф қилишган ва уларнинг таклифига рози бўлган Г.Алтибаеванинг келини Г.Рахмонқулова билан жамият ўртасида 21.06.2015 йилдаги 60-сонли "Қурилишда улушдор бўлиб қатнашиш ҳақида"ги шартномани имзолашга эришишиб, шартномани Г.Алтибаевага тақдим этишганидан сўнг Г.Алтибаевадан келишилган 90 минг АҚШ долларини ўша вақтдаги 1 АҚШ долларининг "қора бозор" курсидаги 3 минг сўмлик эквивалентида 270 млн. сўмга ҳисоблаб қўлга киритишгач шундан 126 млн. 500 минг сўмини жамиятнинг ДАТ "Халқбанки"нинг Самарқанд вилоят филиалидаги ҳисоб рақамига кирим қилишга эришишиб, Г.Алтибаевадан олинган жами 270 млн. сўм эквивалентидаги 90 минг АҚШ долларининг 143 млн. 500 минг сўмлик нақд пул шаклидаги қисмини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.08.2002 йилдаги "Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора тадбирлари тўғрисида"ги 280-сонли ва 15.04.2005 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 57-сонли Қарори талабларига зид равишда банк муассасасига топширмасдан нақд пул маблағининг банкдан ташқари айланмасига йўл қўйишиб, 143 млн. 500 минг сўм нақд пул маблағини ўзлаштириш мақсадида 11.01.2016 йилда 12-сонли давлат нотариал идорасида олди-сотди шартномаси расмийлаштирган ҳолда хонадонни Г.Рахмонқулованинг номига ўтказиб бериш жараёнида Г.Алтибаевадан 21.06.2015 йилдаги 60-сонли "Қурилишда улушдор бўлиб қатнашиш ҳақида"ги шартноманинг асл нусхасини олиб қўйишиб, ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида йўқ қилишиб, ўрнига савдо дўконининг баҳосини қасддан 126 млн. 500 минг сўм қилиб камайтирилган ҳолдаги шартномани тақдим этишиб, олди-сотди шартномасида ҳам мазкур савдо дўкони 126 млн. 500 минг сўмга сотилгани ҳақида сохта маълумотлар киритишиб, мазкур шартномада кўрсатилган келишув нархи асосида жамиятга Г.Рахмонқулова томонидан 126 млн. 500 минг сўм пул маблағи тўланганлиги сохта маълумотномани 12-сонли давлат нотариал идорасига тақдим этишиб, ҳақиқатда Г.Алтибаевадан олинган 270 млн. сўмни С.Фузайловдан яширган ҳолда шундан банк муассасасига топширилмаган 143 млн. 500 минг сўмлик қисмини фирибгарлик йўли билан талон-торож қилишиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишган.

Р.Наимов Д.Пулотов, Ж.Сотиволдиев ва бошқалар билан олдиндан тузилган жиноий режага кўра ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Самарқанд шаҳри, Б.И.Йўли кўчаси, 3$^{Б}$-манзилда қурилаётган кўп қаватли уйнинг 10-хонадонини С.Фузайловнинг хабардорлигисиз сотиб юбориб, тушган пул маблағларини жамият ҳисоб рақамига топширмасдан фирибгарлик йўли билан ўзлаштириш мақсадида 2015 йил октябрь ойида инсофли харидор ҳисобланган З.Акбаровага мазкур хонадонни жами 100 кв. метр эканини айтишиб, ҳар бир кв. метри учун 400 АҚШ долларидан жами 40 минг АҚШ долларига сотишни таклиф қилишган ва уларнинг таклифига рози бўлган З.Акбаровадан 07.10.2015 йилда 4 минг АҚШ доллари ва 2015 йил октябрь ойи охирларида 33 минг АҚШ доллари жами 37 минг АҚШ доллари (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг шу куни 1 (бир) АҚШ долларига нисбатан қиймати 2 минг 663 сўм 45 тийинлик расмий курс бўйича 98 млн. 547 минг 700 сўм) миқдоридаги пул маблағини қўлга киритиб, З.Акбарова билан жамият ўртасида 07.10.2015 йилда имзоланган "Қурилишда улушдор бўлиб қатнашиш ҳақида"ги шартномани бериб, мазкур шартномада хонадоннинг баҳосини қасддан камайтирган ҳолда 95 млн. сўм қилиб кўрсатиб, 31.10.2015 йилда З.Акбарова номидан уй-жой тўлови учун деб жамиятнинг ДАТ "Халқ банки" Самарқанд вилоят филиалидаги ҳисоб рақамига 83 млн. 700 минг сўм пул маблағини кирим қилишиб, З.Акбаровадан оғзаки келишувга кўра қолган 3 минг АҚШ долларини 2016 йил январь ойига қадар талаб қилиб келишиб, бир вақтнинг ўзида З.Акбаровадан 3 минг АҚШ долларини ундириб олишни ва С.Фузайлов жамият мол-мулкларига даъво қилиб қолгунга қадар мазкур хонадонни жамият балансидан бегоналаштириб олишни таъминлаш мақсадида олдиндан келишилган жиноий режанинг узвий давоми сифатида мазкур хонадонни 22.01.2016 йилда 12-сонли давлат нотариал идорасида ўзининг жиноий шериги Р.Наимовнинг номига олди-сотди шартномаси асосида расмийлаштиришга эришишиб, Р.Наимов томонидан мазкур хонадонни сотиб олиш учун ҳеч қандай пул маблағи тўланмаганини ҳамда мазкур хонадонни сотиб олиш учун З.Акбарова биринчи инсофли харидор бўлганини билишган ҳолда хонадон олди-сотди шартномасида Р.Наимов томонидан 101 млн. сўмга сотиб олинганлиги ҳақида сохта ёзувлар киритишиб, шартнома асоси сифатида жамиятга Р.Наимов томонидан 101 млн. сўм пул тўланганлиги ҳақидаги сохта маълумотнома тақдим этишиб, кейинчалик 16.03.2016 йилда З.Акбаровадан оғзаки келишувга кўра тўланмай қолган 3 минг АҚШ долларини (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг шу куни 1 (бир) АҚШ долларига нисбатан қиймати 8 минг 140 сўм 6 тийинлик расмий курс бўйича 24 млн. 420 минг 200 сўм) қўлга киритиб бўлишгач мазкур хонадонни З.Акбарованинг илтимосига кўра инсофли харидор ҳисобланган У. Саидовнинг номига олди-сотди шартномасига асосан нотариал тартибда расмийлаштириб беришиб, жамият томонидан мазкур хонадон 22.01.2016 йилдаги нотариал тартибдаги олди-сотди шартномасига асосан 101 млн. сўмга сотилганлиги ҳақидаги сохта маълумотлар асосида ҳақиқатда хонадоннинг сотилишидан тушган 39 млн. 267 минг 800 сўмлик пул маблағини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.08.2002 йилдаги "Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора тадбирлари тўғрисида"ги 280-сонли ва 15.04.2005 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 57-сонли Қарори талабларини қўпол равишда бузган ҳолда

банкдан ташқари айланмасига йўл қўйишиб, С.Фузайловдан яширишиб, фирибгарлик йўли билан талон-торож қилишиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишган.

Р.Наимов Д.Пулотов, Ж.Сотиволдиев ва бошқалар билан олдиндан тузилган жиноий режага кўра ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Самарқанд шаҳри, Б.И.Йўли кўчаси, 3[Б]-манзилда қурилган кўп қаватли уйнинг 17-хонадонини С.Фузайловнинг хабардорлигисиз сотиб юбориб, тушган пул маблағларини жамият ҳисоб рақамига топширмасдан фирибгарлик йўли билан ўзлаштириш мақсадида 2016 йил январь ойида инсофли харидор ҳисобланган Т.Хотамовга хонадоннинг майдони 82 кв. метр эканини айтишиб, ҳар бир кв. метри учун 1 млн. 600 минг сўмдан ҳисобланганда жами 100 млн. сўмга сотишни таклиф қилишиб, уларнинг таклифига рози бўлган Т.Хотамов қизи Д.Хотамовага 50 млн. сўм миқдоридаги пулни мазкур хонадон учун тўлов сифатида берган ва Д.Хотамова 51 млн. 50 минг сўм миқдоридаги пул маблағини жамиятнинг ДАТ "Халқ банки"нинг Самарқанд вилоят филиали орқали тўлаб бериб, 50 млн. сўм нақд пулни Ж.Сотиволдиевга берганидан сўнг 13.01.2016 йилда 12-сонли давлат нотариал идорасида жамият билан Т.Хотамов ўртасида олди-шартномаси имзолашиб, нақд пул шаклида қўлга киритилган 50 млн. сўм пул маблағини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.08.2002 йилдаги "Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора тадбирлари тўғрисида"ги 280-сонли ва 15.04.2005 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 57-сонли Қарори талабларига зид равишда банк муассасасига топширмасдан нақд пул маблағининг банкдан ташқари айланмасига йўл қўйишиб, 50 млн. сўм нақд пул маблағини ўзлаштириш мақсадида жамиятга Т.Хотамов томонидан 100 млн. сўм пул маблағи тўланганлиги сохта маълумотномани 12-сонли давлат нотариал идорасига тақдим этишиб, 50 млн. сўмни С.Фузайловдан яширган ҳолда фирибгарлик йўли билан талон-торож қилишиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишган.

Р.Наимов Д.Пулотов, Ж.Сотиволдиев ва бошқалар билан олдиндан тузилган жиноий режага кўра ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Самарқанд шаҳри, Б.И.Йўли кўчаси, 3[Б]-манзилда қурилган кўп қаватли уйнинг 7[А]-рақамли мансард қисмини С.Фузайловнинг хабардорлигисиз сотиб юбориб, тушган пул маблағларини жамият ҳисоб рақамига топширмасдан фирибгарлик йўли билан ўзлаштириш мақсадида 2016 йил январь ойининг бошларида инсофли харидор ҳисобланган А.Шералиевга жами 48 млн. сўмга сотишни таклиф қилишган ва уларнинг таклифига рози бўлган А.Шералиевдан 21.01.2016 йилда жами 48 млн. сўмни нақд пул шаклида қўлга киритишиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.08.2002 йилдаги "Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора тадбирлари тўғрисида"ги 280-сонли ва 15.04.2005 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 57-сонли Қарори талабларига зид равишда 48 млн. сўмни банк муассасасига топширмасдан нақд пул маблағининг банкдан ташқари айланмасига йўл қўйишиб, 48 млн. сўм нақд пул маблағини ўзлаштириш мақсадида жамият билан А.Шералиев ўртасида 21.01.2016 йилда 12-сонли давлат нотариал идорасида тузилган олди-сотди шартномасида мазкур савдо дўкони томонларнинг келишувига кўра 48 млн. сўмга баҳоланганини кўрсатишиб, мазкур шартномада кўрсатилган келишув нархи асосида жамиятга 48 млн. сўм пул маблағини тўланганлиги ҳақида сохта маълумотномани 12-сонли давлат нотариал идорасига тақдим этишиб, ҳақиқатда А.Шералиевдан олинган 48 млн. сўмни С.Фузайловдан яширган ҳолда фирибгарлик йўли билан талон-торож қилишиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишган.

Р.Наимов Д.Пулотов, Ж.Сотиволдиев ва бошқалар билан олдиндан тузилган жиноий режага кўра ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Самарқанд шаҳри, Б.И.Йўли кўчаси, 3[Б]-манзилда қурилган кўп қаватли уйнинг 6-сонли савдо дўконини С.Фузайловнинг хабардорлигисиз сотиб юбориб, тушган пул маблағларини жамият ҳисоб рақамига топширмасдан фирибгарлик йўли билан ўзлаштириш мақсадида 20.02.2016 йилда инсофли харидор ҳисобланган Б.Аминовга мазкур савдо дўконини жами 33 минг АҚШ долларига сотишни таклиф қилишган ва уларнинг таклифига рози бўлган Б.Аминовдан 33 минг АҚШ долларининг ўша вақтдаги "қора бозор" курси эквивалентига тенг бўлган 200 млн. сўм нақд пулни олишганидан сўнг аслида мазкур савдо дўкони учун харидор (талабгор) бўлмаган С.Салиевнинг номига 10.01.2016 йилда 12-сонли нотариал идора орқали қасддан 31 млн. 700 минг сўмлик паст нархда олди-сотди шартномасига асосан расмийлаштирилган мазкур савдо дўконини 24.02.2016 йилда 12-сонли нотариал идора орқали Б.Аминов номига қайта расмийлаштириб беришиб, мазкур нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномасида ҳам ўзларининг жиноий қилмишлари фош бўлиб қолмаслигини таъминлаш мақсадида савдо дўкони 2 млн. 600 минг сўмга сотилгани ҳақида сохта маълумотлар киритишиб, савдо дўкони сотилишидан тушган 200 млн. сўмлик пул маблағини қасддан жамият ҳисоб рақамига топширмасдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.08.2002 йилдаги "Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора тадбирлари тўғрисида"ги 280-сонли ва 15.04.2005 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 57-сонли Қарори талабларини қўпол равишда бузишиб, савдо дўконининг 200 млн. сўм эквивалентига тенг бўлган 33 минг АҚШ долларилик ҳақиқий баҳосини С.Фузайловдан яширишган ҳолда банкдан ташқари айланмасига йўл қўйишиб, фирибгарлик йўли билан талон-торож қилишган.

Р.Наимов Д.Пулотов, Ж.Сотиволдиев ва бошқалар билан олдиндан тузилган жиноий режага кўра ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Самарқанд шаҳри, Б.И.Йўли кўчаси, 3Б-манзилда қурилган кўп қаватли уйнинг 16А-рақамли мансард қисмини сотиб олиш учун ҳақиқий харидор бўлмаганлиги сабабли имкон қадар тез фурсатларда жамият балансидан бегоналаштириб, кейинчалик С.Фузайловдан мазкур мансардни ҳақиқий баҳосини яширган ҳолда сотиб юбориб, тушган пул маблағларини жамият ҳисоб рақамига топширмасдан фирибгарлик йўли билан ўзлаштириш мақсадида аслида жамиятга тегишли бўлган мазкур мансардни сотиб олишга талабгор (харидор) бўлмаган Ж.Сотиволдиевга 21.01.2016 йилда 12-сонли давлат нотариал идораси орқали 8 млн. сотилганлиги ҳақида сохта маълумотлар киритилган нотариал олди-сотди шартномаси расмийлаштиришиб, жамиятга Ж.Сотиволдиев томонидан мазкур мансардни сотиб олиш учун ҳеч қандай пул маблағи тўланмаганини билишгани ҳолда жамият номидан Ж.Сотиволдиев мансардни сотиб олиш учун жамиятга 8 млн. сўм сўм пул маблағи тўлаганлиги ҳақида сохта маълумотномалар тақдим этишиб, олди-сотди шартномаси орқали мазкур мансардни Ж.Сотиволдиев номига расмийлаштиришга эришишиб, жиноий қилмишларини фош бўлиб қолмаслигини таъминлаш мақсадида Ж.Сотиволдиев билан жамият ўртасида "Қурилишда улушдор бўлиб қатнашиш ҳақида"ги сохта мазмундаги шартнома расмийлаштиришиб, кейинчалик 2016 йил июнь ойларида мазкур мансардни сотиб олишга инсофли харидор ҳисобланган Т.Хасановни харидор сифатида жалб қилишиб, мансардни сотиб олишга қизиқтиришганидан сўнг Т.Хасанов билан мазкур мансардни 5 минг АҚШ долларига олди-сотди қилиш ҳақида келишувга эришишиб, Т.Хасановдан 29.07.2016 йилга қадар 5 минг АҚШ доллари эквивалентидаги 21 млн. 100 минг сўмни нақд пул шаклида қўлга киритишиб, 29.09.2016 йилда 12-сонли давлат нотариал идораси орқали мансардни Т.Хасановнинг номига расмийлаштириб беришиб, ўзларининг жиноий қилмишлари фош бўлиб қолмаслигини таъминлаш мақсадида мазкур нотариал тартибда тасдиқланган олди-сотди шартномасида мансард 3 млн. 500 минг сўмга сотилганлиги ҳақидаги сохта маълумотларни киритишга эришишиб, мансарднинг ҳақиқий баҳоси ҳисобланган 5 минг АҚШ доллари эквивалентидаги 21 млн. 100 минг сўмлик нақд пул маблағини С.Фузайловдан яширишиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.08.2002 йилдаги "Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора тадбирлари тўғрисида"ги 280-сонли ва 15.04.2005 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 57-сонли Қарори талабларига зид равишда банк муассасасига топширмасдан нақд пул маблағининг банкдан ташқари айланмасига йўл қўйишиб, С.Фузайловдан яширишган ҳолда фирибгарлик йўли билан ўзлаштиришиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишган.

Р.Наимов Д.Пулотов, Ж.Сотиволдиев ва бошқалар билан олдиндан тузилган жиноий режага кўра ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Самарқанд шаҳри, Б.И.Йўли кўчаси, 3Б-манзилда қурилган кўп қаватли уйнинг 23А-рақамли мансард қисмини сотиб олиш учун ҳақиқий харидор бўлмаганлиги сабабли имкон қадар тез фурсатларда жамият балансидан бегоналаштириб, кейинчалик С.Фузайловдан мазкур мансардни ҳақиқий баҳосини яширган ҳолда сотиб юбориб, тушган пул маблағларини жамият ҳисоб рақамига топширмасдан фирибгарлик йўли билан ўзлаштириш мақсадида аслида жамиятга тегишли бўлган мазкур мансардни сотиб олишга талабгор (харидор) бўлмаган Ж.Сотиволдиевга 21.01.2016 йилда 12-сонли давлат нотариал идораси орқали 8 млн. сотилганлиги ҳақида сохта маълумотлар киритилган нотариал олди-сотди шартномаси расмийлаштиришиб, жамиятга Ж.Сотиволдиев томонидан мазкур мансардни сотиб олиш учун ҳеч қандай пул маблағи тўланмаганини билгани ҳолда Д.Пулотов жамият номидан Ж.Сотиволдиев мансардни сотиб олиш учун жамиятга 8 млн. сўм сўм пул маблағи тўлаганлиги ҳақида сохта маълумотномалар тақдим этишиб, олди-сотди шартномаси орқали мазкур мансардни Ж.Сотиволдиев номига расмийлаштиришга эришиб, мазкур жиноий қилмишининг фош бўлиб қолмаслигини таъминлаш мақсадида Ж.Сотиволдиев билан жамият ўртасида "Қурилишда улушдор бўлиб қатнашиш ҳақида"ги сохта мазмундаги шартнома расмийлаштиришиб, кейинчалик 2016 йил июнь ойларида мазкур мансардни сотиб олишга инсофли харидор ҳисобланган М.Абдусаломов ва Т.Асламоваларни харидор сифатида жалб қилишиб, мансардни сотиб олишга қизиқтиришганидан сўнг М.Абдусаломов ва Т.Асламовалар билан мазкур мансардни 130 млн. сўмга олди-сотди қилиш ҳақида келишувга эришишиб, М.Абдусаломов ва Т.Асламовалардан 2016 йил июнь-июль ойларида 130 млн. сўмни нақд пул шаклида қўлга киритишиб, 21.07.2016 йилда 12-сонли давлат нотариал идораси орқали мансардни Т.Асламованинг номига расмийлаштириб беришиб, ўзларининг жиноий қилмишлари фош бўлиб қолмаслигини таъминлаш мақсадида мазкур нотариал тартибда тасдиқланган олди-сотди шартномасида мансард 8 млн. сўмга сотилганлиги ҳақидаги сохта маълумотларни киритишга эришишиб, мансарднинг ҳақиқий баҳоси ҳисобланган 130 млн. сўмлик нақд пул маблағини С.Фузайловдан яширишиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.08.2002 йилдаги "Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора тадбирлари тўғрисида"ги 280-сонли ва 15.04.2005 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 57-сонли Қарори талабларига зид равишда банк муассасасига топширмасдан нақд пул маблағининг банкдан ташқари айланмасига йўл қўйишиб, С.Фузайловдан яширишган ҳолда фирибгарлик йўли билан ўзлаштиришиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишган.

Р.Наимов Д.Пулотов, Ж.Сотиволдиев ва бошқалар билан олдиндан тузилган жиноий режага кўра ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Самарқанд шаҳри, Б.И.Йўли кўчаси, 3Б-манзилда қурилган

кўп қаватли уйнинг 7-хонадонни сотиб олиш учун ҳақиқий харидор бўлмаганлиги сабабли имкон қадар тез фурсатларда жамият балансидан бегоналаштириб, кейинчалик С.Фузайловдан мазкур хонадонни ҳақиқий баҳосини яширган ҳолда сотиб юбориб, тушган пул маблағларини жамият ҳисоб рақамига топширмасдан фирибгарлик йўли билан ўзлаштириш мақсадида аслида жамиятга тегишли бўлган мазкур хонадонни сотиб олишга талабгор (харидор) бўлмаган фуқаро М.Ахмедовга 15.01.2016 йилда 12-сонли давлат нотариал идораси орқали 110 млн. сотилганлиги ҳақида сохта маълумотлар киритилган нотариал олди-сотди шартномаси расмийлаштиришиб, жамиятга М.Ахмедов томонидан мазкур хонадонни сотиб олиш учун хеч қандай пул маблағи тўланмаганини билишгани ҳолда жамият номидан М.Ахмедов хонадонни сотиб олиш учун жамиятга 110 млн. сўм пул маблағи тўлаганлиги ҳақида сохта маълумотнома тақдим этишиб, олди-сотди шартномаси орқали мазкур хонадонни М.Ахмедов номига расмийлаштиришга беришиб, кейинчалик 2016 йил июнь ойларида мазкур хонадонни инсофли харидор ҳисобланган Х.Сапаровга 207 млн. сўмга сотишга келишишиб, 05.07.2016 йилда Самарқанд шаҳридаги Оби-Раҳмат ресторанида келишилган пул маблағининг 103 млн. сўмини ва 18.07.2016 йилда 104 млн. сўмини Х.Сапаровдан нақд пул шаклида қўлга киритиб бўлишгач мазкур хонадонни фуқаро М.Ахмедовга нотариал тартибда расмийлаштириб беришни айтишиб, 18.07.2016 йилда фуқаро М.Ахмедовни 12-сонли давлат нотариал идорасига олиб боришиб, мазкур хонадонни Х.Сапаровнинг турмуш ўртоғи М.Каримованинг номига нотариал тартибда олди-сотди шартномаси расмийлаштирган ҳолда ўтказиб беришиб, ўзларининг жиноий қилмишлари фош бўлиб қолмаслигини таъминлаш мақсадида мазкур нотариал тартибда тасдиқланган олди-сотди шартномасида хонадон 115 млн. сўмга сотилганлиги ҳақидаги сохта маълумотларни киритишга эришишиб, хонадоннинг ҳақиқий баҳоси ҳисобланган 207 млн. сўмлик нақд пул маблағини С.Фузайловдан яширишиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.08.2002 йилдаги “Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 280-сонли ва 15.04.2005 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 57-сонли Қарори талабларига зид равишда банк муассасасига топширмасдан нақд пул маблағининг банкдан ташқари айланмасига йўл қўйишиб, С.Фузайловдан яширишган ҳолда фирибгарлик йўли билан ўзлаштиришиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишган.

Р.Наимов Д.Пулотов, Ж.Сотиволдиев ва бошқалар билан олдиндан тузилган жиноий режага кўра ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Самарқанд шаҳри, Б.И.Йўли кўчаси, $3^{Б}$-манзилда қурилган кўп қаватли уйнинг 22-хонадонни сотиб олиш учун ҳақиқий харидор бўлмаганлиги сабабли имкон қадар тез фурсатларда жамият балансидан бегоналаштириб, кейинчалик С.Фузайловдан мазкур хонадонни ҳақиқий баҳосини яширган ҳолда сотиб юбориб, тушган пул маблағларини жамият ҳисоб рақамига топширмасдан фирибгарлик йўли билан ўзлаштириш мақсадида аслида жамиятга тегишли бўлган мазкур хонадонни сотиб олишга талабгор (харидор) бўлмаган фуқаро Ф.Вохидовга 15.01.2016 йилда 12-сонли давлат нотариал идораси орқали 120 млн. сотилганлиги ҳақида сохта маълумотлар киритилган нотариал олди-сотди шартномаси расмийлаштиришиб, жамиятга Ф.Вохидов томонидан мазкур хонадонни сотиб олиш учун хеч қандай пул маблағи тўланмаганини билишгани ҳолда жамият номидан Ф.Вохидов хонадонни сотиб олиш учун жамиятга 120 млн. сўм пул маблағи тўлаганлиги ҳақида сохта маълумотнома тақдим этишиб, олди-сотди шартномаси орқали мазкур хонадонни Ф.Вохидов номига расмийлаштиришга беришиб, кейинчалик 2016 йил июнь ойининг ўрталари мазкур хонадонни инсофли харидор ҳисобланган Н.Саттаровага майдони 140 .кв. метр эканини, ҳар бир кв. метри учун 2 млн. 900 минг сўмдан ҳисоблаганда 400 млн. сўм бўлишини, мазкур пул маблағини АҚШ долларининг “қора бозор”даги эквивалентига тенг бўлган 50 минг АҚШ долларига сотишни таклиф қилишиб, Н.Саттаровани инсофли харидор сифатида жалб қилишиб, хонадонни сотиб олишга қизиқтиришганидан сўнг Н.Саттарова билан мазкур хонадонни 46 минг АҚШ долларига олди-сотди қилиш ҳақида келишувга эришишиб, Н.Саттарова ва унинг укаси Ф. Эшназаровлардан 1 АҚШ долларининг ўша вақтдаги “қора бозор”даги 6 минг 200 сўмлик эквиваленти бўйича 25 минг АҚШ долларини 155 млн. сўмга ва 28.07.2016 йилда 1 АҚШ долларининг ўша вақтдаги “қора бозор”даги 6 минг 200 сўмлик эквиваленти бўйича 20 минг АҚШ долларини 124 млн. сўмга ҳисоблаб жами 279 млн. сўмлик нақд пул маблағини қўлга киритишиб, 28.07.2016 йилда фуқаро Ф.Вохидовни 17-сонли давлат нотариал идорасига олиб боришиб, мазкур хонадонни Ф.Вохидовнинг номидан Н.Саттарованинг номига нотариал тартибда олди-сотди шартномаси расмийлаштирган ҳолда ўтказиб беришга эришиб, ўзларининг жиноий қилмишлари фош бўлиб қолмаслигини таъминлаш мақсадида мазкур нотариал тартибда тасдиқланган олди-сотди шартномасида хонадон 10 млн. сўмга сотилганлиги ҳақидаги сохта маълумотларни киритишга эришишиб, хонадоннинг ҳақиқий баҳоси ҳисобланган 279 млн. сўмлик пул маблағини С.Фузайловдан яширишиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.08.2002 йилдаги “Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 280-сонли ва 15.04.2005 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 57-сонли Қарори талабларига зид равишда 279 млн. сўмлик нақд пулни банк муассасасига топширмасдан нақд пул маблағининг банкдан ташқари айланмасига йўл қўйишиб, С.Фузайловдан яширишган ҳолда фирибгарлик йўли билан ўзлаштиришиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишган.

Р.Наимов Д.Пулотов, Ж.Сотиволдиев ва бошқалар билан олдиндан тузилган жиноий режага кўра ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Самарқанд шаҳри, Б.И.Йўли кўчаси, $3^{Б}$-манзилда қурилган кўп қаватли уйнинг 24-хонадонни сотиб олиш учун ҳақиқий харидор бўлмаганлиги сабабли имкон қадар тез фурсатларда жамият балансидан бегоналаштириб, кейинчалик С.Фузайловдан мазкур хонадонни ҳақиқий баҳосини яширган ҳолда сотиб юбориб, тушган пул маблағларини жамият ҳисоб рақамига топширмасдан фирибгарлик йўли билан ўзлаштириш мақсадида аслида жамиятга тегишли бўлган мазкур хонадонни сотиб олишга талабгор (харидор) бўлмаган Р.Наимовга 16.01.2016 йилда 12-сонли давлат нотариал идораси орқали 110 млн. сотилганлиги ҳақида сохта маълумотлар киритилган нотариал олди-сотди шартномаси расмийлаштиришиб, жамиятга Р.Наимов томонидан мазкур хонадонни сотиб олиш учун ҳеч қандай пул маблағи тўланмаганини билишгани ҳолда жамият номидан Р.Наимов хонадонни сотиб олиш учун жамиятга 110 млн. сўм пул маблағи тўлаганлиги ҳақида сохта маълумотнома тақдим этишиб, олди-сотди шартномаси орқали мазкур хонадонни Р.Наимов номига расмийлаштиришга эришишиб, мазкур жиноий қилмишларининг фош бўлиб қолмаслигини таъминлаш мақсадида Р.Наимов билан жамият ўртасида "Қурилишда улушдор бўлиб қатнашиш ҳақида"ги сохта мазмундаги шартнома расмийлаштиришиб, кейинчалик 2016 йил июнь ойининг ўрталарида мазкур хонадонни инсофли харидор ҳисобланган Ф.Имамовага сотишга келишишиб, уни харидор сифатида жалб қилишиб, хонадонни сотиб олишга қизиқтиришганидан сўнг Ф.Имамова билан мазкур хонадонни 240 млн. сўмга олди-сотди қилиш ҳақида келишувга эришишиб, Ф.Имамованинг мазкур пул маблағини ипотека кредит шартномаси расмийлаштирган ҳолда ҳисоб-китоб қилиш ҳақидаги таклифига кўра Ф.Имамова билан 15.09.2016 йилда 12-сонли давлат нотариал идораси орқали олди-сотди шартномаси ҳамда бир вақтнинг ўзида ипотека кредит шартномаси расмийлаштиришиб, Р.Наимов ўзининг "Микрокредитбанк" АТБ Самарқанд вилоят филиалидаги шахсий омонат ҳисоб рақамига 26.10.2016 йилга қадар жами 244 млн. 200 минг сўм пул маблағини ўтказиб олиб, ўзларининг жиноий қилмишлари фош бўлиб қолмаслигини таъминлаш мақсадида мазкур нотариал тартибда тасдиқланган олди-сотди шартномасида хонадон 5 млн. 600 минг сўмга сотилганлиги ҳақидаги сохта маълумотларни киритишга эришишиб, хонадоннинг ҳақиқий баҳоси ҳисобланган 244 млн. 200 минг сўмлик пул маблағини С.Фузайловдан яширишиб, фирибгарлик йўли билан ўзлаштиришиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишган.

Р.Наимов Д.Пулотов, Ж.Сотиволдиев ва бошқалар билан олдиндан тузилган жиноий режага кўра ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Самарқанд шаҳри, Б.И.Йўли кўчаси, $3^{Б}$-манзилда қурилган кўп қаватли уйнинг $31^{А}$ ва $32^{А}$-рақамли мансард қисмларини сотиб олиш учун ҳақиқий харидор бўлмаганлиги сабабли имкон қадар тез фурсатларда жамият балансидан бегоналаштириб, кейинчалик С.Фузайловдан мазкур мансардларни ҳақиқий баҳосини яширган ҳолда сотиб юбориб, тушган пул маблағларини жамият ҳисоб рақамига топширмасдан фирибгарлик йўли билан ўзлаштириш мақсадида аслида жамиятга тегишли бўлган мазкур хонадонни сотиб олишга талабгор (харидор) бўлмаган жиноий шериги Р.Наимовга 21.01.2016 йилда 12-сонли давлат нотариал идораси орқали 8 млн. сотилганлиги ҳақида сохта маълумотлар киритилган нотариал олди-сотди шартномалари расмийлаштиришиб, жамиятга Р.Наимов томонидан мазкур мансардларни сотиб олиш учун ҳеч қандай пул маблағи тўланмаганини билишгани ҳолда жамият номидан Р.Наимов мансардларни сотиб олиш учун жамиятга 8 млн. сўмдан жами 16 млн. сўм пул маблағи тўлаганлиги ҳақида сохта маълумотномалар тақдим этишиб, олди-сотди шартномалари орқали мазкур мансардларни Р.Наимов номига расмийлаштиришга эришишиб, мазкур жиноий қилмишларининг фош бўлиб қолмаслигини таъминлаш мақсадида Р.Наимов билан жамият ўртасида "Қурилишда улушдор бўлиб қатнашиш ҳақида"ги сохта мазмундаги шартнома расмийлаштиришиб, кейинчалик 2016 йил август ойларида мазкур мансардларни сотиб олишга инсофли харидор ҳисобланган Ш. Мамарасуловни мансардларни сотиб олишга қизиқтиришганидан сўнг Ш. Мамарасулов билан мазкур мансардларни 100 млн. сўмдан жами 200 млн. сўмга олди-сотди қилиш ҳақида келишувга эришишиб, Ш. Мамарасуловнинг мазкур 200 млн. сўмлик пул маблағининг бир қисмини Р.Наимов раҳбарлигидаги ва айни вақтда Д.Пулотовнинг хуфёна ташкилий бошқарувидаги "Samarkand Business Like" МЧЖнинг банклардаги ҳисоб рақамларига ва ўзларининг шахсий омонат ҳисоб рақамларига ўтказиб олишиб, 80 млн. сўмлик қисмини нақд пул шаклида қўлга киритишиб, ўзларининг жиноий қилмишлари фош бўлиб қолмаслигини таъминлаш мақсадида мазкур нотариал тартибда тасдиқланган олди-сотди шартномаларида мансардлар 8 млн. сўмдан жами 16 млн. сўмга сотилганлиги ҳақидаги сохта маълумотларни киритишга эришишиб, мансардларнинг ҳақиқий баҳоси ҳисобланган 200 млн. сўмлик пул маблағини С.Фузайловдан яширишиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.08.2002 йилдаги "Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора тадбирлари тўғрисида"ги 280-сонли ва 15.04.2005 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 57-сонли Қарори талабларига зид равишда 80 млн. сўмлик нақд пулни банк муассасасига топширмасдан нақд пул маблағининг банкдан ташқари айланмасига йўл қўйишиб, фирибгарлик йўли билан ўзлаштиришиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишган.

Р.Наимов Д.Пулотов, Ж.Сотиволдиев ва бошқалар билан олдиндан тузилган жиноий режага кўра ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Самарқанд шаҳри, Б.И.Йўли кўчаси, $3^{Б}$-манзилда қурилган кўп қаватли уйнинг $24^{А}$-рақамли мансард қисмини сотиб олиш учун ҳақиқий харидор бўлмаганлиги сабабли имкон қадар тез фурсатларда жамият балансидан бегоналаштириб, кейинчалик С.Фузайловдан мазкур мансардни ҳақиқий баҳосини яширган ҳолда сотиб юбориб, тушган пул маблағларини жамият

ҳисоб рақамига топширмасдан фирибгарлик йўли билан ўзлаштириш мақсадида аслида жамиятга тегишли бўлган мазкур мансардни сотиб олишга талабгор (харидор) бўлмаган жиноий шериги Р.Наимовга 21.01.2016 йилда 12-сонли давлат нотариал идораси орқали 8 млн. сотилганлиги ҳақида сохта маълумотлар киритилган нотариал олди-сотди шартномаси расмийлаштиришиб, жамиятга Р.Наимов томонидан мазкур мансардни сотиб олиш учун ҳеч қандай пул маблағи тўланмаганини билишгани ҳолда жамият номидан Р.Наимов мансардни сотиб олиш учун жамиятга 8 млн. сўм пул маблағи тўлаганлиги ҳақида сохта маълумотнома тақдим этишиб, олди-сотди шартномаси орқали мазкур мансардни Р.Наимов номига расмийлаштиришга эришишиб, мазкур жиноий қилмишларининг фош бўлиб қолмаслигини таъминлаш мақсадида Р.Наимов билан жамият ўртасида "Қурилишда улушдор бўлиб қатнашиш ҳақида"ги сохта мазмундаги шартнома расмийлаштиришиб, кейинчалик 2017 йил март ойларида мазкур мансардни сотиб олишда инсофли харидор ҳисобланган Ш.Эшонқуловани харидор сифатида жалб қилишиб, мансардни сотиб олишга қизиқтиришганидан сўнг Ш.Эшонқулова билан мазкур мансардни 16 минг сўмга олди-сотди қилиш ҳақида келишувга эришишиб, Ш.Эшонқуловадан 2017 йил июль ойида 16 минг АҚШ долларини (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг шу куни 1 (бир) АҚШ долларига нисбатан қиймати 4 минг 14 сўм 50 тийинлик расмий курс бўйича 64 млн. 232 минг сўм) нақд пул шаклида қўлга киритишиб, 11.07.2017 йилда 10-сонли давлат нотариал идораси орқали мансардни Ш.Эшонқулованинг номига расмийлаштириб беришиб, ўзларининг жиноий қилмишлари фош бўлиб қолмаслигини таъминлаш мақсадида мазкур нотариал тартибда тасдиқланган олди-сотди шартномасида мансард 5 млн. 79 минг 245 сўмга сотилганлиги ҳақидаги сохта маълумотларни киритишга эришишиб, мансарднинг ҳақиқий баҳоси ҳисобланган 16 минг АҚШ долларига эквивалентига тенг бўлган 64 млн. 232 минг сўмлик нақд пул маблағини С.Фузайловдан яширишиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.08.2002 йилдаги "Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора тадбирлари тўғрисида"ги 280-сонли ва 15.04.2005 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 57-сонли Қарори талабларига зид равишда банк муассасасига топширмасдан нақд пул маблағининг банкдан ташқари айланмасига йўл қўйишиб, фирибгарлик йўли билан ўзлаштиришиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишган.

Р.Наимов Д.Пулотов, Ж.Сотиволдиев ва бошқалар билан олдиндан тузилган жиноий режага кўра ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Самарқанд шаҳри, Б.И.Йўли кўчаси, $3^{Б}$-манзилда қурилган кўп қаватли уйнинг $8^{А}$-рақамли мансард қисмини сотиб олиш учун ҳақиқий харидор бўлмаганлиги сабабли имкон қадар тез фурсатларда жамият балансидан бегоналаштириб, кейинчалик С.Фузайловдан мазкур мансардни ҳақиқий баҳосини яширган ҳолда сотиб юбориб, тушган пул маблағларини жамият ҳисоб рақамига топширмасдан фирибгарлик йўли билан ўзлаштириш мақсадида аслида жамиятга тегишли бўлган мазкур мансардни сотиб олишга талабгор (харидор) бўлмаган жиноий шериги Ж.Сотиволдиевга 21.01.2016 йилда 12-сонли давлат нотариал идораси орқали 8 млн. сотилганлиги ҳақида сохта маълумотлар киритилган нотариал олди-сотди шартномаси расмийлаштиришиб, жамиятга Ж.Сотиволдиев томонидан мазкур мансардни сотиб олиш учун ҳеч қандай пул маблағи тўланмаганини билишгани ҳолда жамият номидан Ж.Сотиволдиев мансардни сотиб олиш учун жамиятга 8 млн. сўм пул маблағи тўлаганлиги ҳақида сохта маълумотнома тақдим этишиб, олди-сотди шартномаси орқали мазкур мансардни Ж.Сотиволдиев номига расмийлаштиришга эришишиб, мазкур жиноий қилмишларининг фош бўлиб қолмаслигини таъминлаш мақсадида Ж.Сотиволдиев билан жамият ўртасида "Қурилишда улушдор бўлиб қатнашиш ҳақида"ги сохта мазмундаги шартнома расмийлаштиришиб, кейинчалик 2017 йил сентябрь ойининг бошларида мазкур мансардни сотиб олишга инсофли харидор ҳисобланган Т. Мирзаевани харидор сифатида жалб қилишиб, мансардни сотиб олишга қизиқтиришганидан сўнг Т. Мирзаева билан мазкур мансардни 16 минг АҚШ долларига олди-сотди қилиш ҳақида келишувга эришишиб, Т. Мирзаевадан 08.09.2017 йилда 16 минг АҚШ долларини (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг шу куни 1 (бир) АҚШ долларига нисбатан қиймати 8 минг 100 сўмлик расмий курс бўйича 129 млн. 600 минг сўм) нақд пул шаклида қўлга киритишиб, 08.09.2017 йилда 10-сонли давлат нотариал идораси орқали мансардни Т. Мирзаеванинг номига расмийлаштириб беришиб, ўзларининг жиноий қилмишлари фош бўлиб қолмаслигини таъминлаш мақсадида мазкур нотариал тартибда тасдиқланган олди-сотди шартномасида мансард 3 млн. 405 минг 200 сўмга сотилганлиги ҳақидаги сохта маълумотларни киритишга эришишиб, мансарднинг ҳақиқий баҳоси ҳисобланган 16 минг АҚШ доллари эквивалентига тенг бўлган 129 млн. 600 минг сўмлик нақд пул маблағини С.Фузайловдан яширишиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.08.2002 йилдаги "Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора тадбирлари тўғрисида"ги 280-сонли ва 15.04.2005 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 57-сонли Қарори талабларига зид равишда банк муассасасига топширмасдан нақд пул маблағининг банкдан ташқари айланмасига йўл қўйишиб, фирибгарлик йўли билан ўзлаштиришиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишган.

Натижада, судланувчилар Р.Наимов, Ж. Сотиволдиев ва бошқалар ғаразгўйлик ва бошқа манфаатларни кўзлаб, бир гуруҳ шахслар билан олдиндан жиноий тил бириктириб, ноқонуний йўллар билан мулкий манфаат кўриш ва шахсий бойлик орттириш мақсадида такроран алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан "Davlatjon Samarqand Savdo" МЧЖнинг 332 минг АҚШ долларилик

984 млн. 785 минг 800 сўм ва миллий валютадаги 3 млрд. 852 млн. 86 минг сўм жами 4 млрд. 836 млн. 871 минг 800 сўмлик жуда кўп миқдордаги пул маблағларини фирибгарлик йўли билан талон-торож қилишган ва жамиятга қарашли мол-мулкларни сотишдан тушган 4 млрд. 633 млн. 33 минг 800 сўмлик пул маблағларини жамиятга хизмат кўрсатувчи банк муассасаларига кирим қилмасдан савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдордаги қиймат бузишга иштирокчилик қилиб, муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатларни такроран қалбакилаштиришда ҳамда ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан такроран фойдаланган.

Бундан ташқари, Р.Наимов, Д.Пулотов, Ж.Сотиволдиев ва бошқалар ўзларининг жамиятга қарашли мол-мулкларни жамият таъсисчиси ҳисобланган С.Фузайловнинг иштирокисиз ўтказилган ҳамда сохта мазмундаги маълумотларга асосланган жамият таъсисчиларининг 07.11.2015 йилдаги умумий йиғилиш баённомаси билан тасдиқланган қасддан паст нархларда юқорида кўрсатилган ҳолатларда ва усулларда пухта ўйланган ҳамда ниқобланган криминал схемалар асосида аслида юқорида нархларда сотиб юборишлари натижасида 4 млрд. 633 млн. 33 минг 800 сўмлик жуда кўп миқдордаги нақд пул маблағининг банкдан ташқари айланмасига йўл қўйишиб, 332 минг АҚШ долларилик 984 млн. 785 минг 800 сўм ва миллий валютадаги 3 млрд. 852 млн. 86 минг сўм жами 4 млрд. 836 млн. 871 минг 800 сўмлик жуда кўп миқдордаги фойдани (даромад) ва солиқ солинадиган объектлар қийматини қасддан яширишиб, камайтириб кўрсатишлари оқибатида давлат томонидан белгиланган солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан 183 млн. 309 минг 800 сўмлик жуда кўп миқдордаги қийматда қасддан бўйин товлашганда иштирокчилик қилган.

Шунингдек, Р.Наимов ўзининг жиноий шериклари Д.Пулотов, Ж.Сотиволдиев ва бошқалар билан биргаликда жамият ўз фаолияти давомида амалга оширган иқтисодий алоқалари бўйича гўёки зарар билан ўз фаолиятини якунлаганига ҳамда жамият балансида қарздорликни ундириш имконини берувчи ҳеч қандай мол-мулк ёки пул маблағи йўқлигига давлат мутасадди ташкилотларини ва жамият таъсисчиси С.Фузайловни ишонтириш ҳамда жамиятни сунъий равишда тўловга қобилиятсизлигини вужудга келтириш мақсадида жамиятни қасддан банкротликка олиб келишиб, буни 14.02.2017 йилда жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятида солиқ қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан ўтказилган якуний текшириш далолатномаси билан ниқоблашиб, вилоят Иқтисодий судининг 13.08.2018 йилдаги тугатишга доир иш юритишни тамомлаш тўғрисидаги ажримини ва мазкур ажримга асосан Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказининг 24.08.2018 йилдаги 139-К-сонли “Davlatjon Samarqand Savdo” МЧЖни давлат рўйхатидан чиқариш тўғрисидаги қарорини чиқаришга эришишиб, жамиятга қарашли мол-мулкларни сотишдан олинган ҳақиқий фойдани яширишда ифодаланган ғайриқонуний жиноий ҳаракатлари жараёнида ва натижасида жамиятни барқарор иқтисодий ночорликка (банкротликка) олиб келишиб, кредиторларга жуда кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлган тўловга қобилиятсизликни қасддан юзага келтиришиб, жамиятни бозор иқтисодиёти шароитида жадал суръатлар билан ривожланишига кескин тўсиқ бўладиган шароитга солиб қўйишга иштирокчилик қилишган.

Р.Наимов Д.Пулотов, Ж.Сотиволдиев ва бошқалар ўзларининг жамиятга қарашли мол-мулкларни жамият таъсисчиси ҳисобланган С.Фузайловнинг хабардорлигисиз пухта ўйланган ва ниқобланган криминал схемалар асосида сотиб юбориш каби ҳаракатларига қонуний тус бериш, ўзларининг жиноий режасидан С.Фузайловни хабар топмаслигини таъминлаш, С.Фузайловни жамиятга қарашли мол-мулкларга нисбатан даъво қилаолмайдиган шароитга солиб қўйиш мақсадида жиноий режанинг узвий давоми сифатида жамият раҳбари Д.Пулотов дастлаб 16.10.2015 йилда С.Фузайловни жамият таъсисчилари сафидан чиқаришни сўраб Самарқанд вилоят Хўжалик (иқтисодий) судига даъво ариза билан мурожаат қилган бўлиб, унинг даъво аризаси Хўжалик процессуал кодексининг 118-моддаси талабларига зид бўлганлиги сабабли вилоят Хўжалик (иқтисодий) судининг 20.10.2015 йилдаги ажрими қайтарилгандан сўнг такроран 04.11.2015 йилда С.Фузайловни жамият таъсисчилари сафидан чиқаришни сўраб вилоят Хўжалик (иқтисодий) судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, С.Фузайловни жамият таъсисчилари сафидан чиқаришни сўраган ва С.Фузайловни жамият таъсисчилари сафидан чиқариш бўйича келтирилган даъво предметини ўзларининг жиноий режаларини амалга оширишнинг бир кўриниши сифатида фаол равишда қўллаб қувватлаб келиб, суд процессларида қатнашиши учун Ж.Сотиволдиевга жамият номидан Д.Пулотов 27.11.2015 йилда 27/11-сонли ишончномани тақдим этган ва мазкур ишончнома асосида Ж.Сотиволдиев ўзининг жиноий шериги Д.Пулотовнинг С.Фузайловни жамият таъсисчилари сафидан чиқариш ҳақидаги даъво аризасига асосан қўзғатилган хўжалик иши бўйича суд процессларида қатнашиб келиб, гарчанд С.Фузайловга 09.07.2012 йилда “Жамият таъсисчиси томонидан жамият устав фондидаги улушини тўлиқ шакллантирилганлиги ҳақида”ги гувоҳнома мавжуд бўлса-да, 14.12.2015 йилда таъсисчи С.Фузайлов Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуни 14-моддаси 7-қисмида белгиланган қоидаларни бузиб, жамият устав фонди (устав капитали)га ўз ҳиссасини шу пайтгача қўшмаган, шунинг учун унга гувоҳнома берилмаган, даъвогар томонидан судга тақдим этилган ҳужжатларда таъсисчи С.Фузайловнинг устав фондини шакллантириш ҳиссаси сифатида 12.04.2010 йилда 1 000 000 сўмлик 0,4 т. 16-лик арматурани жамиятнинг балансига киритиш тўғрисида далолатнома мавжудлигини Д.Пулотов ушбу ҳужжатнинг ҳақиқатга мос эмаслиги, бу ҳужжат жамият уставига киритилган ўзгартишни рўйхатдан ўтказиш мақсадида тузилганлиги, аслида С.Фузайлов ушбу арматураларни жамиятга топширмаганлиги билан изоҳланган С.Фузайловни жамият таъсисчилари сафидан чиқариш ҳақидаги ҳал қилув қарорини

чиқаришга эришишиб, 10.01.2016 йилдан 24.02.2016 йилга қадар жамиятга қарашли барча мол-мулкларни 12-сонли давлат нотариал идораси орқали жамият балансидан бегоналаштиришган.

Ваҳоланки айни вақтда, С.Фузайловнинг Д.Пулотовни жамият таъсисчилари сафидан чиқариш тўғрисидаги 03.12.2015 йилдаги даъво аризаси юзасидан вилоят Хўжалик (иқтисодий) суди томонидан хўжалик низоси кўрилаётган бўлиб, суднинг 08.01.2016 йилдаги ҳал қилув қарори билан Д.Пулотов жамият манфаатлари зид ҳаракатлар қилиб, қонунга мувофиқ бўлмаган шартномалар тузганлиги, ушбу шартномалар суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилганлиги, Д.Пулотов ўз ҳаракатлари натижасида жамият манфаатларига жиддий зарар етказганлиги билан тавсифланиб жамият таъсисчилари сафидан чиқарилган.

Бироқ, Д.Пулотов 27.01.2016 йилда вилоят Хўжалик (иқтисодий) судига 08.01.2016 йилдаги ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти келтириб, 18.02.2016 йилда мазкур ҳал қилув қарорини бекор қилишга ва мазкур хўжалик ишларини Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг кассация инстанцияси судлов ҳайъатига ўтказишга эришиб, даъво предметини ўзларининг жиноий режаларини амалга оширишнинг бир кўриниши сифатида фаол равишда қўллаб қувватлаб келиб, суд процессларида қатнашиши учун Р.Наимовга жамият номидан Д.Пулотов 01.03.2016 йилда 2/03-сонли ишончномани тақдим этган ва мазкур ишончнома асосида Р.Наимов ўзининг жиноий шериги Д.Пулотовнинг С.Фузайловни жамият таъсисчилари сафидан чиқариш ҳақидаги даъво аризасига асосан қўзғатилган хўжалик иши бўйича суд процессларида Д.Пулотов, Ж.Сотиволдиев ва бошқалар билан биргаликда қатнашиб келиб, С.Фузайловнинг 48 006 661 сўм пул шаклидаги улушининг 18 870 000 сўми Д.Пулотовнинг шахсий маблағлари ҳисобига шакллантирилганлиги, таъсисчи С.Фузайлов жамиятнинг фаолият юритишига имкон бермасдан ўзининг ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги билан бунга тўсқинлик қилиб келиб, жамиятнинг фаолиятини жиддий тарзда қийинлаштириб қўйганлиги Д.Пулотов ва қатор гувоҳларнинг кўрсатувлари билан тўлиқ исботланганлиги билан изоҳланган вилоят Хўжалик (иқтисодий) судининг 20.05.2016 йилдаги ҳал қилув қарорини, худди шу мазмундаги Олий хўжалик судининг кассация инстанцияси судлов ҳайъатининг 07.09.2016 йилдаги қарорини, худди шу инстанциянинг ЖИБ Самарқанд шаҳар судининг 09.09.2015 йилдаги ҳукмида ва банк маълумотномасида жамият устав фондини шакллантириш учун киритилган воситалар ва ўтказилган пул маблағлар юзасидан қайд этилган ҳолатлардан келиб чиқиб жамиятнинг жами устав фонди 96 013 323 сўмни ташкил этса-да, унда С.Фузайловнинг улуши ҳақиқатда 1 000 000 сўмлик товар-моддий бойликлари (арматура) билан шакллантирилганлиги, бундан келиб чиқиб С.Фузайловнинг жамиятдаги улуши 10 фоизни ҳам ташкил қилмаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонунининг 8-моддасига кўра С.Фузайлов бошқа иштирокчини жамиятдан суд тартибида чиқарилишини талаб қилишга ҳақли эмаслиги ҳақидаги 15.03.2017 йилдаги қарорини чиқаришга эришишган. Мазкур суд қарорларида (ажрим) вилоят Хўжалик (иқтисодий) судининг 14.12.2015 йилдаги ҳал қилув қарори билан С.Фузайловни жамият таъсисчилари сафидан чиқаришда С.Фузайлов томонидан ҳақиқатда жамият устав фондини шакллантириш учун киритилган 1 000 000 сўмлик товар-моддий бойликлар (арматура) инобатга олинмасдан асоссиз равишда қарор қабул қилинганлиги, Самарқанд шаҳар ҳокимлигидан 9023-сон билан 09.07.2012 йилда рўйхатдан ўтказилган жамият устав ва таъсис шартномасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги ҳужжатда мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар жамият таъсисчилари умумий йиғилишининг 09.07.2012 йилдаги 2-сонли баёни билан тасдиқлангани кўрсатилган бўлса-да суд инстанцияларига 11.06.2012 йилдаги 2-сонли баён тақдим этиб келинганлиги, М.Ҳамраевнинг ўзига тегишли бўлган 420 минг сўмлик улушни жамият таъсисчилари Д.Пулотов ва С.Фузайловга ўтказиш ҳақидаги 11.06.2012 йилда нотариал тартибда тасдиқланган аризасига асосан унинг улуши 11.06.2012 йилдаги “Иштирокчининг устав фондидаги улушдан воз кечиш (улушни ўтказиш) ҳақида” шартнома орқали Д.Пулотов ноқонуний равишда тўлиқ ўзлаштириб олганлиги, С.Фузайловнинг 48 млн. 6 минг 661,5 сўмлик улушини С.Фузайлов томонидан муқаддам устав фондини ривожлантириш учун киритилган 1 млн. сўмлик мол-мулклар ва 46 млн. 796 минг 661,5 сўмлик маблағлардан иборат эканлиги ҳақида таъсис (устав) ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилиб, С.Фузайловнинг 48 млн. 6 минг 661,5 сўмлик улушини мол-мулк ва пул маблағларига тақсимлаш жараёнида С.Фузайловнинг зарарига ва айни вақтда Д.Пулотовнинг фойдасига қасддан янглиш ҳисоб-китобларга йўл қўйилганлиги, жамият устав фондини 96 013 323 сўм қилиб белгилаш масаласи жамият таъсисчиларининг 11.06.2012 йилда 2-сонли (сохта) умумий йиғилиш баёни билан кўриб чиқилган бўлса-да “Ўзсаноатқурилиш банк” АТБ Самарқанд вилоят минтақавий филиалига ҳеч қандай асоссиз равишда, яъни устав фондини шакллантириш муҳокама қилинган жамият таъсисчилари умумий йиғилиш қарорисиз 23.11.2009 йилдан 02.05.2012 йилга қадар Д.Пулотов томонидан суд босқичларида даъво қилиб келаётган 74. 984. 839 сўмлик (аслида терговда 70 123 323 сўм эканлиги аниқланган) пул маблағи топширилганлиги, бу ҳақда жамиятга хизмат кўрсатувчи банк маълумотномаларида асосли равишда шубҳа уйғотувчи ва бир биридан тубдан фарқ қилувчи жамият иштирокчиларининг устав фондини шакллантириш (ривожлантириш) учун топширган пул маблағлари ҳақидаги ёзувлар мавжудлигига, Д.Пулотов ўзининг жиноий шериклари Ж.Сотиволдиев, Р.Наимов ва бошқалар билан биргаликда жамиятга қарашли мол-мулкларни сотиш каби йирик битимларни жамият таъсисчиси ҳисобланган С.Фузайловнинг иштирокисиз инсофли харидорларга (айрим ҳолатларда) юқори нархларда сотиб юбориш йўли билан бегоналаштириб, мол-мулкларнинг ҳақиқий баҳосини яширган ҳолда қасддан жуда паст нархларда нотариал тартибда олди-сотди шартномалари ва унга асос бўлган бошқа шартномалар

тузганлиги, Д.Пулотов муқаддам иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар туркумига кирувчи этил спирти, алкоголли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш жиноятини содир этганлиги учун 2000 йилда амнистия актига асосан жавобгарликдан озод қилинганлиги, худди шу қилмиши учун 24.11.2003 йилда собиқ Сиёб туман судининг ҳукми билан жиноий жавобгарликка тортилганлиги, солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш ҳамда мансабга совуққонлик билан қараш жиноятларини содир этганлиги учун жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 23.07.2012 йилдаги ҳукми жиноий жавобгарликка тортилганлиги,савдова хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш жиноятини содир этганлиги учун жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 09.11.2015 йилдаги ҳукми билан жиноий жавобгарликка тортилганлиги ҳолатларига баҳо берилмасдан, терговда аниқлаш имкони бўлмаган шахсларнинг ғайриқонуний иштироки билан Д.Пулотов, Ж.Сотиволдиев, Р.Наимов ва бошқалар ўзларининг жиноий фаолиятини ниқоблаш имконини берувчи суд қарорларини (ажримларини) чиқаришга эришишган.

Ваҳоланки, Д.Пулотов ўзининг жиноий шериклари Ж.Сотиволдиев, Р.Наимов ва бошқалар билан айнан С.Фузайловни жамият таъсисчилари чиқариш ва жамиятга қарашли мол-мулкларни (айрим) инсофли харидорларга сотиб юбориш натижасида жиноий йўл билан қўлга киритилган жуда кўп миқдордаги ўзганинг пул маблағларини ўзлаштиришда ифодаланган жиноий ҳаракатларини амалга оширишнинг замини сифатида М.Ҳамраевнинг 11.06.2012 йилдаги “Davlatjon Samarqand Savdo” МЧЖ таъсисчилари сафидан чиқиш ҳамда улушини Д.Пулотов ва С.Фузайловларга ўтказиш ҳақидаги нотариал тартибда тасдиқланган аризасидан ўзларининг ноқонуний йўллар билан бойлик орттириш мақсадига йўналтирилган жиноий қилмишларини амалга ошириш йўлида фойдаланишиб, М.Ҳамраевнинг мазкур аризасида жамиятдаги 420 минг сўмлик (17,4 фоиз) улушини Д.Пулотов ва С.Фузайловларга тўлиқ ўтказиб, жамият таъсисчилари сафидан чиқаришни сўраганлиги ҳамда жамият таъсисчилари умумий йиғилишининг 11.06.2012 йилдаги 2-сонли баёнида М.Ҳамраевнинг улуши жамият таъсисчилари ўртасида тенг бўлиниши кўрсатилган бўлса-да, Д.Пулотов жиноий шериклари Ж.Сотиволдиев, Р.Наимов ва бошқалар билан 11.06.2012 йилда М.Ҳамраев ва ўзи ўртасида “Иштирокчининг устав фондидаги улушдан воз кечиш (улушни ўтказиш) ҳақида” шартнома имзолашиб, мазкур шартноманинг 1-бандида М.Ҳамраев 420 минг сўмлик улушидан Д.Пулотовнинг фойдасига воз кечганлиги ҳақидаги шартлар киритишиб, мазкур шартномадаги ва 11.06.2012 йилдаги 2-сонли йиғилиш баёнидаги М.Ҳамраев ва С.Фузайловнинг имзо ва ёзувларини сохталаштиришиб, жамият таъсисчиси С.Фузайловнинг фойдасига ўтказилиши лозим бўлган улушдан С.Фузайловни сунъий равишда қасддан маҳрум қилишиб, С.Фузайловни алдашиб, жамият устав фондини 96 млн. 13 минг 323 сўмга кўпайтиришни, устав фондидаги улушни ўзига 48 млн. 6 минг 661,5 сўм ёки 50 фоиз ҳамда С.Фузайловга ҳам 48 млн. 6 минг 661,5 сўм ёки 50 фоиз миқдорида тақсимлаш ҳақида умумий йиғилиш қарори қабул қилишиб, жамият уставига ва таъсис шартномасига ҳам худди шу мазмундаги ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги ҳужжатни имзолашиб, бунда С.Фузайловнинг 48 млн. 6 минг 661,5 сўмлик улушини С.Фузайлов томонидан муқаддам устав фондини ривожлантириш учун киритилган 1 млн. сўмлик мол-мулклар ва 46 млн. 796 минг 661,5 сўмлик маблағлардан иборат эканлиги ҳақида таъсис (устав) ҳужжатларига ўзгартиришлар киритишиб, С.Фузайловнинг 48 млн. 6 минг 661,5 сўмлик улушини мол-мулк ва пул маблағларига тақсимлаш жараёнида С.Фузайловнинг зарарига ва айни вақтда ўзларининг фойдасига қасддан янглиш сохта ҳисоб-китобларга йўл қўйишиб, мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар жамиятнинг 09.07.2012 йилдаги 2-сонли йиғилиш баёни билан тасдиқлангани ҳақида сохта ёзувлар киритишиб, шунингдек кейинчалик ҳам С.Фузайлов жамият устав фондидаги улушига нисбатан даъво талаби билан чиқа олмаслигини, фуқаролик ва хўжалик (иқтисодий) низоларида жамият устав фондидаги улушига ҳамда жамият томонидан олинган фойдага нисбатан даъво талаби билан чиққан тақдирда ҳам Самарқанд шаҳар ҳокимлигидан 9023-сони билан рўйхатдан ўтказилган жамият устав ва таъсис шартномасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги ҳужжат ҳақиқий эмас деб топилишини ҳамда ҳақиқий эмаслик оқибатларини қўлланишини таъминлаш мақсадида мазкур ҳужжатлардаги С.Фузайловнинг ёзув ва имзоларини ҳам сохталаштиришиб, 09.07.2012 йилда Самарқанд шаҳар ҳокимлигидан 9023-сонли рўйхат рақами билан рўйхатдан ўтказишган.

Бундан ташқари, судланувчи Р.А.Наимов ўзининг жиноий ҳаркатларини давом эттириб, 2009 йилдан буён “Davlatjon Samarqand Savdo” масъулияти чекланган жамияти катта устаси вазифасида ва 19.02.2015 йилдан “Samarkand Business Like” масъулияти чекланган жамияти раҳбари лавозимида ишлаб келиб, ушбу жамиятнинг расмий раҳбари Ф.Воҳидов, норасмий раҳбари ва таъсисчиси Х.Пулотов, “Samarkand Business Like” МЧЖ норасмий раҳбари Д.Пулотов, собиқ Суд ижрочилари Самарқанд шаҳар бўлими суд ижрочиси С.Салахиддинов ва бошқалар билан жиноий тил бириктириб, “Samarqand Safina Plus” масъулияти чекланган жамиятининг расмий раҳбари вазифасига жиноий шериги Х.Пулотовнинг яқин таниши Ф.Воҳидовни тайинлаб, олдиндан пухта ўйланган ва ниқобланган криминал схемалар асосида ҳаракат қилиб, 2013 йил сентябрь ойида Д.Пулотов С.Фузайловни “Davlatjon Samarqand Savdo” МЧЖ томонидан Самарқанд шаҳри, Буюк Ипак Йўли кўчаси, $3^{Б}$-манзилда қурилаётган кўп қаватли уй жумладан, савдо мажмуалари ва мансардларни сотишдан жами 220 минг АҚШ долларилик соф фойда кўрилганлигига ишонтириб, мазкур пул маблағига Самарқанд шаҳри, Оби-Раҳмат кўчаси, $3^{А}$-манзилдаги “Ресторан” биносини сотиб олишга қизиқтириб, мазкур фойдада С.Фузайловнинг ҳам улуши борлигини, айни вақтда мазкур пул маблағларининг ноқонуний йўллар билан қўлга киритилганлигидан С.Фузайловнинг хабари бўлмагани ҳолда С.Фузайловни сотиб олинаётган “Ресторан” биноси “Samarqand Safina Plus” МЧЖнинг мол-мулклар кўринишидаги низом жамғармасини ташкил этишини, мазкур

жамиятга таъсисчи сифатида иштирок эттиришини айтганлигини, “Samarqand Safina Plus” МЧЖнинг ягона таъсисчиси М.Махмудовдан унинг мазкур жамиятдаги мол-мулклар кўринишидаги низом улушини ташкил қилган Самарқанд шаҳри, Оби-Раҳмат кўчаси, 3А-манзилда жойлашган “Ресторан” биносини жами 220 минг АҚШ долларига сотиб олиб, 05.09.2013 йилдаги жамият таъсисчилари умумий йиғилишининг 1-сонли баённомасига асосан Х.Пулотов ва С.Фузайлов мазкур жамиятда ҳар бирлари 100 минг сўмлик пул маблағлари кўринишидаги низом улуши билан таъсисчилар сифатида қабул қилиниб, 02.10.2013 йилдаги М.Махмудов, Х.Пулотов ва С.Фузайлов ўртасидаги “Иштирокчининг устав фондидаги улушдан воз кечиш (улушни ўтказиш) ҳақида”ги шартномаларга асосан М.Махмудов “Ресторан” биноси ва жамият низом жамғармасидаги 313 минг 691 сўмлик пул маблағлари кўринишида ифодаланган улушини Х.Пулотов ва С.Фузайловнинг фойдасига тенг ярмидан воз кечиб, 02.10.2013 йилда “Топшириш-қабул қилиш” далолатномаси расмийлаштириб, жамият таъсис ҳужжатларига кўра Х.Пулотов ва С.Фузайловлар жамиятнинг тенг ҳуқуқли ва улушли аъзолари эканлигини, 05.09.2013 йилда жамият Низомига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар матнининг 6.3. бандида жамият йирик битимларини анча миқдори назарда тутилмаган бўлса, бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинадиган кундан олдинги, охирги ҳисобот даври учун бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари асосида аниқланган жамият мол-мулки қийматининг 25 фоизидан ортиқ қийматга эга бўлган мол-мулкни жамият томонидан олиниши, тасарруфдан чиқарилиши ёки жамиятнинг бевосита ёхуд билвосита мол-мулкнинг тасарруфдан чиқарилиши эҳтимоли билан боғлиқ бир неча битимлар йирик битимлар ҳисобланиши, йирик битимни тузиш ҳақидаги қарор жамият таъсисчиларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинишини, 6.5. бандида жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи жамият мол-мулки қийматининг 25 фоизидан ортиқ қийматга эга бўлган йирик битимларни фақат жамият таъсисчилари умумий йиғилиши қарорига асосан тузишга ҳақли эканлигини, жамият балансида бўлган ягона мол-мулкни таъсис ҳужжатлари ва солиқ идораларига топширилган ҳисоботларга кўра 115 млн. 963,7 минг сўмлик “Ресторан” биноси ҳисобланишини, шунингдек 2014 йил июнь-июль ойларида жиноий шериги Д.Пулотов томонидан “Ресторан” биносида (Оби-Раҳмат тўйхонаси) ўтказиладиган тўй ва бошқа маросимларда фойдаланиш учун Хитой давлатидан 29 турдаги ошхона анжомлари (идиш-товоқлар) ва 16 дона “Main Board” русумли мониторлар “Davlatjon Samarqand Savdo” МЧЖ томонидан Самарқанд шаҳри, Буюк Ипак Йўли кўчаси, 3Б-манзилда қурилаётган кўп қаватли уй-жойларни сотишдан тушган пул маблағини ташкил қилувчи жами 80 минг АҚШ долларига сотиб олиб келтирилганлигини, шу вақтлардан буён “Ресторан” биносида фойдаланишда бўлганлигини била туриб, Х.Пулотов, Д.Пулотов, Ф.Воҳидов ва бошқалар билан олдиндан келишилган жиноий режага асосан жамиятга тегишли бўлган ва айни вақтда С.Фузайловнинг жамиятдаги 50 фоизлик низом улуши сифатида эътироф этилган “Ресторан” биносини унда мавжуд бошқа мол-мулклар билан биргаликда жиноий шериги Д.Пулотовнинг норасмий раҳбарлигида ва ўзининг расмий бошқарувида бўлган “Samarkand Business Like” МЧЖ балансига ўтказиб, фирибгарлик йўли билан ўзлаштириш ҳамда мазкур ошхона анжомлари ва мониторларга нисбатан ўзининг эгалик ҳуқуқини рўёбга чиқариб, ҳақиқий эгаси Д.Пулотовни яшириш мақсадида мазкур ошхона анжомларига нисбатан ўзининг мулк ҳуқуқи мавжуд эмаслигини билгани ҳолда “Samarkand Business Like” МЧЖдаги Р.Наимовнинг низом улушини кўпайтириш усули билан ниқобланган аслида эса жиноий даромаддан олинган мол-мулкни легаллаштиришда ифодаланган хатти-ҳаракатларни амалга ошириш замирида жами 415 млн. 909 минг сўмга баҳолатиб олиб, гўёки мазкур мол-мулклар ўзига тегишли эканлиги ҳақида ўзгаларда тасаввур ҳосил қилиш учун қасддан сохта мазмундаги ёзувлар ва маълумотлар киритилган “Samarkand Business Like” МЧЖ таъсисчилари умумий йиғилишининг 16.03.2015 йилдаги 2-сонли баённомаси, жамият низоми ва таъсис шартномасига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар матнини расмийлаштириб, 16.03.2015 йилда “Samarkand Business Like” МЧЖ билан “Samarqand Safina Plus” МЧЖ ўртасида сохта мазмундаги ва айни вақтда жамият низомида белгиланган талабларга риоя қилмасдан, йирик битим тузиш масаласини жамият йиғилишида кўриб чиқилмасдан, жамият таъсисчиси С.Фузайловнинг тегишли розилигини олмасдан “Samarkand Business Like” МЧЖдан ўзининг низом улушини кўпайтириш ниқоби остида сохта ҳужжатларга асосан киритилган (легаллаштирилган) 29 турдаги ошхона анжомлари ва 16 дона мониторларни жами 575 млн. сўмга сотиб олиш ҳақидаги олди-сотди шартномасини (йирик битим) жиноий шериклари Х.Пулотов, Д.Пулотов ва Ф.Воҳидовларнинг ташаббуси билан имзолашга эришиб, мазкур мол-мулклар билан ўзининг жамиятдаги низом улушини 415 млн. 909 минг сўмга кўпайтирганлиги ҳақидаги 19.03.2015 йилдаги маълумотнома, “Мол-мулкларни жамият устав фондига киритиш ҳақида”ги 16.03.2015 йилдаги далолатнома, 16.03.2015 йилдаги 1 ва 2-сонли гувоҳномаларда жамият таъсисчиси З.Халимовнинг имзо ва ёзувларини сохталаштириб, 20.03.2015 йилда 29 турдаги ошхона анжомлари (идиш-товоқлар) ва 16 дона “Main Board” русумли мониторлар кўринишидаги жами 575 млн. сўмлик мол-мулкларни “Samarkand Business Like” МЧЖдан “Samarqand Safina Plus” МЧЖ қабул қилиб олганлиги ҳақидаги 1-сонли сохта ҳисоб-фактура маълумотномасини расмийлаштириб, мазкур ҳисоб-фактура маълумотномасида З.Халимовнинг имзоларини жиноий шериклари Х.Пулотов, Д.Пулотов ва бошқалар билан такроран сохталаштириб, аслида мазкур мол-мулклар 2014 йил охирларидан буён “Samarqand Safina Plus” МЧЖ балансидаги “Ресторан” биносида мавжуд бўлганлиги сабабли уларни “Samarkand Business Like” МЧЖдан олиб келиш учун зарурият ва асослар йўқлигини билгани ҳолда “Samarqand Safina Plus” МЧЖ расмий раҳбари Ф.Воҳидов номига 20.03.2015 йилда 4-сонли сохта мазмундаги ишончнома ва 20.03.2015 йилда ўзи ва Ф.Воҳидов ўртасида сохта мазмундаги топшириш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштириб, “Samarkand Business Like” МЧЖда мавжуд бўлмаган мол-

мулклар билан жамият низомидаги улушини кўпайтирганлиги ҳақидаги сохта ҳужжатларни 23.03.2015 йилда Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги собиқ Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясига тақдим этиб, ҳужжатларнинг сохта эканлигини била туриб, мазкур ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда жамият таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказишга эришиб, ноқонуний йўллар билан топилган жами 300 минг АҚШ долларилик пул маблағларини мулкка айлантириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериб, мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ва унинг кимга қарашлилигини яшириб легаллаштирган.

Р.Наимов “Samarqand Safina Plus” МЧЖ ва жамият таъсисчиси С.Фузайловнинг мулкини фирибгарлик йўли билан талон-торож қилиш ҳақидаги жиноий режанинг узвий давоми сифатида 16.03.2015 йилда “Samarqand Safina Plus” МЧЖ ва “Samarkand Business Like” МЧЖ ўртасида 29 турдаги ошхона анжомлари ва 16 дона мониторлар сотиб олиш ҳақида расмийлаштирилган жами 575 млн. сўмлик йирик битим (олди-сотди шартномаси)нинг 2.2. бандида харидор – “Samarqand Safina Plus” МЧЖ мазкур битим имзолангандан сўнг 30 банк иш кунида 300 млн. сўмлик ва қолган 275 млн. сўмлик тўловни 01.05.2015 йилга қадар амалга ошириши кераклиги ҳақида ўзларига қулай шартлар киритилганлигини билгани ҳолда Х.Пулотов, Д.Пулотов, Ф.Воҳидов ва бошқалар билан олдиндан келишилган жиноий режага кўра 01.06.2015 йилда ҳар иккала жамият ўртасида 575 млн. сўмлик дебитор қарздорлик мавжудлиги ҳақида солиштирма далолатнома расмийлаштирилишига эришиб, мазкур солиштирма далолатномада “Samarkand Business Like” МЧЖ ҳисобчиси З.Халимовнинг имзосини бир гуруҳ шахслар билан такроран сохталаштириб, “Samarqand Safina Plus” МЧЖнинг “Samarkand Business Like” МЧЖ олдида йирик миқдордаги, яъни 575 млн. сўмлик дебитор қарздорлигини сунъий равишда юзага келтиришга эришиб, ўзларининг жиноий хатти-ҳаракатларига қонуний тус берган.

Р.Наимов “Samarqand Safina Plus” МЧЖ ва жамият таъсисчиси С.Фузайловнинг мулкини талон-торож қилиш ҳақидаги жиноий режанинг узвий давоми сифатида Х.Пулотов, Д.Пулотов, Ф.Воҳидов ва бошқалар билан олдиндан тил бириктирган ҳолда сунъий дебитор қарздорликдан далолат берувчи барча ҳужжатларни расмийлаштиришгандан сўнг 30.06.2015 йилда Ўзбекистон савдо-саноат палатаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармасига аъзолик тўғрисидаги шартномани имзолаб, шартномада белгиланган ҳуқуқларидан ўзининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланиб, “Samarqand Safina Plus” МЧЖдан “Samarkand Business Like” МЧЖ фойдасига 575 млн. сўм асосий қарз ва 293 млн. 250 минг сўм пеня ундириш ҳақидаги даъво аризасини 16.07.2015 йилда Ўзбекистон савдо-саноат палатаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси номидан Самарқанд вилоят собиқ Хўжалик судига тақдим этишиб, Самарқанд вилоят собиқ Хўжалик судида мазкур даъво аризаси кўриб чиқилаётганидан “Samarqand Safina Plus” МЧЖ таъсисчиси С.Фузайлов хабар топмаслигини олдини олиш мақсадида, С.Фузайловнинг ишончини суиистеъмол қилиб, “Samarqand Safina Plus” МЧЖнинг судда иштирокини қасддан таъминламасдан, суднинг 22.07.2015 йилдаги ажримига асосан ишни судда кўриб чиқиш 03.08.2015 йилда белгиланган бўлса-да, Ф.Воҳидов томонидан 03.07.2015 йилда имзоланган, ишни “Samarqand Safina Plus” МЧЖ иштирокисиз 03.08.2015 йилдаги суд мажлисида кўриш ҳақидаги 16-сонли хатда такроран сохта маълумотлар киритилганлигини билгани ҳолда судга тақдим этишиб, 03.08.2015 йилда ўзларининг жиноий мақсадларига енгил йўллар билан эришиш имконини берувчи ҳал қилув қарори ҳамда 04.09.2015 йилда ижро варақаси чиқаришга эришган.

Р.Наимов Х.Пулотов, Д.Пулотов, Ф.Воҳидов ва бошқалар билан олдиндан келишилган жамият ва унинг таъсисчиси С.Фузайловнинг мулкини талон-торож қилиш ҳақидаги жиноий режа асосида жиноий ҳаракатларини давом эттириб, қасддан сохта ҳужжатларга асосланган ҳолда чиқарилган ижро варақасини 10.09.2015 йилда собиқ Суд ижрочилари Самарқанд шаҳар бўлимига тақдим этиб, 10.09.2015 йилда собиқ Суд ижрочилари Самарқанд шаҳар бўлими суд ижрочиси С.Салахиддинов томонидан қарздор - “Samarqand Safina Plus” МЧЖдан ундирувчи - “Samarkand Business Like” МЧЖ фойдасига жами 612 млн. 155 сўм ундириш ҳақидаги ижро иши қўзғатишга эришиб, Р.Наимов Х.Пулотов, Д.Пулотов, Ф.Воҳидов ва бошқалар суд ижрочиси С.Салахиддинов иш юритувида бўлган ижро иши ҳужжатларида “Samarqand Safina Plus” МЧЖ иккинчи таъсисчиси С.Фузайлов мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар акс этган 16.09.2013 йил ва 02.10.2013 йилда Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги собиқ Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясида рўйхатга олинган таъсис ҳужжатларининг ўрнига қасддан М.Махмудовнинг таъсисчилигидан далолат қилувчи ўзининг ҳуқуқий аҳамиятини йўқотган, 19.07.2011 йилда рўйхатдан ўтказилган мазкур жамият низомини тақдим этишиб, “Ресторан” биносини суд ижрочиси С.Салахиддиновнинг ёрдамисиз “Samarkand Business Like” МЧЖнинг балансига ўтказа олмасликларига кўзи етиб ҳамда жамият мулкдори ҳисобланган С.Фузайловга нисбатан содир қилаётган жиноий қилмишлари фош бўлиб қолмаслигини таъминлаш мақсадида 29.09.2015 йилда “Samarqand Safina Plus” МЧЖ балансида ижро предметини таъминлаш имконини берувчи ва айни вақтда “Ресторан” биносини ўзлаштириш мақсадида қасддан юзага келтирилган сохта дебитор қарздорликнинг предмети бўлган 575 млн. сўмлик ошхона анжомлари ва 16 дона “Main Board” русумли мониторлар кўринишидаги мол-мулклар, стол-стуллар мавжудлигини билгани ҳолда “Ижро ҳужжатлари бўйича хатланган кўчмас мулкларни кўздан кечириш тўғрисида”ги далолатномада такроран сохта ёзувлар ва маълумотлар киритиб, мазкур далолатномада қарздор - “Samarqand Safina Plus” МЧЖ вакиллари иштирокини таъминламасдан, аксинча қарздор жамият вакили сифатида ўзини иштирок эттириб, сохтакорликка йўл қўйишиб, ундирувни қасддан тўғридан тўғри “Ресторан” биносига қаратишга эришишиб, тегишли ижро ҳаракатлари ўтказиш йўли билан аукционларда сотилмаган “Ресторан”

биносини Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 56-моддасида кўрсатилган талабларига зид равишда “Samarqand Safina Plus” МЧЖдан “Samarkand Business Like” МЧЖнинг балансига ўтказиб, талон-торож қилиш мақсадида суд ижрочиси С.Салахиддинов билан жиноий тил бириктирган ҳолда 15.04.2016 йилда таклиф хати тайёрлаб, унда “Ресторан” биноси тугатиш баҳосининг 10 фоиз камайтирилган 1 млрд. 374 млн. 744,6 минг сўмлик қийматидан ундирилиши лозим бўлган 612 млн. 155 минг сўмлик қарздорлик ўртасидаги 762 млн. 589,6 минг сўмлик фарқни ҳам “Samarkand Business Like” МЧЖнинг ҳисоб рақамига ўтказишни кўрсатишиб, собиқ суд ижрочиси С.Салахиддиновнинг қонун ҳужжатларига зид бўлган 15.04.2016 йилдаги таклиф хатига жавобан гўёки қарз ва “Ресторан” биноси қиймати ўртасидаги 762 млн. 589,6 минг сўмлик фарқни ҳар иккала жамият ўзаро ҳисоб-китоб қилиб олишлари ҳақидаги хатлар ва шартнома тақдим этишиб, С.Салахиддиновнинг 19.04.2016 йилдаги “Сотилмаган мол-мулкни ундирувчига топшириш тўғрисида”ги қарорини чиқаришга эришишиб, 19.04.2016 йилдаги мазкур қарорни Самарқанд вилоят Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасига топшириб, тегишли кадастр ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш йўли билан пировард натижа – “Samarkand Business Like” МЧЖнинг “Ресторан” биносига нисбатан тўлақонли мулк ҳуқуқини юзага келтиришиб, баҳоси 1 млрд. 663 млн. 936,6 минг сўмни ташкил қилган “Ресторан” биносини “Samarkand Business Like” МЧЖ балансига ўтказишга эришиб, мазкур “Ресторан” биносига бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларинива унинг кимга қарашлилигини яшириб, бошқалардан сир сақланишини таъминлаб, фирибгарлик йўли билан талон-торож қилиб, “Samarqand Safina Plus” МЧЖ ва жамият таъсисчиси С.Фузайловнинг манфаатларига 1 млрд. 663 млн. 936,6 минг сўмлик жуда миқдордаги иқтисодий зарар етказган.

Шу каби, Р.Наимов 2009 йилдан буён “Davlatjon Samarqand Savdo” масъулияти чекланган жамияти катта устаси вазифасида ишлаб келиб, 19.02.2015 йилда ўзи ва З.Халимов таъсисчилигида “Samarkand Business Like” масъулияти чекланган жамиятини давлат рўйхатидан ўтказиб, жамиятга раҳбарлик қилиб келиб, ғаразгўйлик ва бошқа манфаатларни кўзлаб, қасддан жиноий фаолият билан шуғулланиб, ноқонуний йўллар билан шахсий бойлик орттириш мақсадида ўзининг жиноий шериги - “Davlatjon Samarqand Savdo” МЧЖ раҳбари ва айни вақтда “Samarkand Business Like” МЧЖнинг норасмий раҳбари Д.Пулотов билан бир гуруҳ бўлиб, пухта ўйланган ва ниқобланган криминал схемалар асосида ҳаракат қилиб, “Davlatjon Samarqand Savdo” МЧЖга қарашли бўлган “XG 931 H” русумли транспорт воситасини қайддан паст нархда баҳолаб, мазкур мулкнинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яшириш ва сир сақлаш учун 16.03.2015 йилда жиноий шериги Д.Пулотовнинг раҳбарлигидаги “Davlatjon Samarqand Savdo” МЧЖ ва ўзининг раҳбарлигидаги “Samarkand Business Like” МЧЖ ўртасида мазкур транспорт воситасини кейинчалик сотиб олиш шарти билан ижарага олишда ниқобланган 1-сонли шартнома тузиб, шартномада мазкур транспорт воситаси қийматини 62 млн. сўм ҳамда 3 йиллик ижара пулини 7 млн. 200 минг сўм миқдорида белгилаб, мазкур пул маблағларини “Samarkand Business Like” МЧЖдан “Davlatjon Samarqand Savdo” МЧЖнинг банк ҳисоб рақамларига 2015 йил июль ойидан 2016 йил январь ойига қадар 62 млн. сўм пул кўчириб бериб, мазкур “XG 931 H” русумли транспорт воситасининг 230 млн. сўмлик асл нархини сир тутиб, ўзгалардан яшириб, “Samarkand Business Like” МЧЖ балансига ўтказишга эришиб, 230 млн. сўмлик “XG 931 H” русумли транспорт воситасини легаллаштирган.

Бундан ташқари, Р.Наимов 2009 йилдан буён “Davlatjon Samarqand Savdo” масъулияти чекланган жамияти катта устаси вазифасида ишлаб келиб, 19.02.2015 йилда ўзи ва З.Халимов таъсисчилигида “Samarkand Business Like” масъулияти чекланган жамиятини давлат рўйхатидан ўтказиб, жамиятга раҳбарлик қилиб келиб, ғаразгўйлик ва бошқа манфаатларни кўзлаб, қасддан жиноий фаолият билан шуғулланиб, ноқонуний йўллар билан шахсий бойлик орттириш мақсадида ўзининг жиноий шериги - мазкур жамият раҳбари Д.Пулотов, бош муҳандиси Ж.Сотиволдиев билан бир гуруҳ бўлиб, пухта ўйланган ва ниқобланган криминал схемалар асосида ҳаракат қилиб, Самарқанд шаҳри, Б.И.Йўли кўчаси, $3^{Б}$-манзилда қурилган кўп қаватли уйнинг 24-хонадонни сотиб олиш учун ҳақиқий харидор бўлмаганлиги сабабли имкон қадар тез фурсатларда жамият балансидан бегоналаштириб, кейинчалик С.Фузайловдан мазкур хонадонни ҳақиқий баҳосини яширган ҳолда сотиб юбориб, тушган пул маблағларини жамият ҳисоб рақамига топширмасдан фирибгарлик йўли билан ўзлаштириш мақсадида аслида жамиятга тегишли бўлган мазкур хонадонни сотиб олишга талабгор (харидор) бўлмаганини билгани ҳолда 16.01.2016 йилда 12-сонли давлат нотариал идораси орқали 110 млн. ўзи ва Д.Пулотов ўртасида сохта маълумотлар киритилган нотариал олди-сотди шартномаси расмийлаштириб, жамиятга ўзи томонидан мазкур хонадонни сотиб олиш учун ҳеч қандай пул маблағи тўланмаганини билгани ҳолда жамият номидан хонадонни сотиб олиш учун жамиятга 110 млн. сўм пул маблағи тўлаганлиги ҳақида сохта маълумотнома тақдим этиб, олди-сотди шартномаси орқали мазкур хонадонни ўзининг номига расмийлаштиришга эришиб, мазкур жиноий қилмишларининг фош бўлиб қолмаслигини таъминлаш мақсадида ўзи ва Д.Пулотов ўртасида “Қурилишда улушдор бўлиб қатнашиш ҳақида”ги сохта мазмундаги шартнома расмийлаштириб, кейинчалик 2016 йил июнь ойининг ўрталарида мазкур хонадонни инсофли харидор ҳисобланган Ф.Имамовага сотишга келишишиб, Ф.Имамовани харидор сифатида жалб қилишиб, хонадонни сотиб олишга қизиқтиришганидан сўнг Ф.Имамова билан мазкур хонадонни 240 млн. сўмга олди-сотди қилиш ҳақида келишувга эришишиб, Ф.Имамованинг мазкур пул маблағини ипотека кредит шартномаси расмийлаштирган ҳолда ҳисоб-китоб қилиш ҳақидаги таклифига кўра Ф.Имамова билан

15.09.2016 йилда 12-сонли давлат нотариал идораси орқали олди-сотди шартномаси ҳамда бир вақтнинг ўзида ипотека кредит шартномаси расмийлаштиришиб, ўзларининг жиноий қилмишлари фош бўлиб қолмаслигини таъминлаш мақсадида мазкур нотариал тартибда тасдиқланган олди-сотди шартномасида хонадон 5 млн. 600 минг сўмга сотилганлиги ҳақидаги сохта маълумотларни киритишга эришишиб, хонадоннинг ҳақиқий баҳоси ҳисобланган 244 млн. 200 минг сўмлик пул маблағини С.Фузайловдан яширишиб, фирибгарлик йўли билан қўлга киритилган 244 млн. 200 минг сўмлик пул маблағини жиноий фаолият натижасида топилганлигини била туриб, пул маблағининг келиб чиқишига қонуний тус бериш мақсадида ўзининг "Микрокредитбанк" АТБ Самарқанд вилоят филиалидаги шахсий омонат ҳисоб рақамига 26.10.2016 йилга қадар жами 244 млн. 200 минг сўм пул маблағини ўтказиб олиб, бир вақтнинг ўзида "Samarkand Business Like" МЧЖ раҳбари лавозимида ишлаб келиб, жамиятнинг норасмий раҳбари Д.Пулотов ва бошқалар билан жиноий тил бириктириб, ноқонуний йўллар билан топилган 244 млн. 200 минг сўм пул маблағини Самарқанд шаҳри, М.Аъзам кўчасида "Samarkand Business Like" МЧЖ томонидан қурилаётган Тиббий клиниканинг қурилиш ишларига сарфлаб юбориб, жиноий йўл билан топилган пул маблағларини асл хусусиятини, манбаини, турган жойини ўзгартириш усули билан легаллаштирган.

Шунингдек, Р.Наимов 2009 йилдан буён "Davlatjon Samarqand Savdo" масъулияти чекланган жамияти катта устаси вазифасида ишлаб келиб, 19.02.2015 йилда ўзи ва З.Халимов таъсисчилигида "Samarkand Business Like" масъулияти чекланган жамиятини давлат рўйхатидан ўтказиб, жамиятга раҳбарлик қилиб келиб, ғаразгўйлик ва бошқа манфаатларни кўзлаб, қасддан жиноий фаолият билан шуғулланиб, ноқонуний йўллар билан шахсий бойлик орттириш мақсадида ўзининг жиноий шериги - мазкур жамият раҳбари Д.Пулотов, бош муҳандиси Ж.Сотиволдиев билан бир гуруҳ бўлиб, пухта ўйланган ва ниқобланган криминал схемалар асосида ҳаракат қилиб, Самарқанд шаҳри, Б.И.Йўли кўчаси, $3^{Б}$-манзилда қурилаётган кўп қаватли уйнинг 23-хонадонини С.Фузайловнинг хабардорлигисиз сотиб юбориб, тушган пул маблағларини жамият ҳисоб рақамига топширмасдан фирибгарлик йўли билан ўзлаштириш мақсадида 2014 йил июнь ойида инсофли харидор ҳисобланган У.Умаровга мазкур хонадонни майдони жами 95 кв. метр эканини айтишиб, ҳар бир кв. метри учун 1 млн. 600 минг сўмдан жами 153 млн. сўмга сотишни таклиф қилишган ва уларнинг таклифига рози бўлган У.Умаров ўзи ва танишларининг номларидан жамиятнинг ДАТ "Халқ банки"нинг Самарқанд вилоят филиалидаги ҳисоб рақамига жами келишилган 153 млн. сўмнинг бир қисмини тўлаб бергач хонадонни У.Умаровнинг номига расмийлаштириб беришга ишонтиришиб, 15.01.2016 йилда 12-сонли давлат нотариал идораси орқали мазкур хонадонни аслида харидор (талабгор) бўлмаган фуқаро Р.Қурбоновнинг номига у томонидан хонадон учун жамият ҳисоб рақамига ҳеч қандай пул маблағи тўланмаганини билишгани ҳолда Р.Қурбонов билан нотариал тартибда олди-сотди шартномаси расмийлаштиришиб, мазкур шартномада хонадон 93 млн. сўмга сотилгани ҳақида сохта маълумотлар киритишиб, жамиятга Р.Қурбонов томонидан хонадон учун 93 млн. сўмлик пул тўлови амалга оширилганлиги ҳақида сохта маълумотномани 12-сонли давлат нотариал идорасига тақдим этишиб, У.Умаровдан 153 млн. сўмлик оғзаки келишувга кўра қолган 50 млн. сўмлик пул маблағини 2016 йил декабрь ойининг ўрталарига қадар талаб қилиб келишиб, мазкур 50 млн. сўмлик пул маблағини келиб чиқишига қонуний тус бериб, С.Фузайловдан яшириш мақсадида "Zoxir Asliddinovich qurilish" хусусий корхонаси ва "Samarkand Business Like" МЧЖ ўртасида 03.08.2016 йилда ва 29.10.2016 йилда цемент маҳсулоти сотиб олиш ҳақидаги шартномалар ниқоби остида У.Умаровдан 03.08.2016 йилда 10 млн. сўм, 29.10.2016 йилда 20 млн. сўм ва 02.12.2016 йилда 20 млн. сўм жами 50 млн. сўмни "Zoxir Asliddinovich qurilish" ХК орқали "Samarkand Business Like" МЧЖнинг АТБ "Микрокредитбанки" Самарқанд вилоят филиалидаги ҳисоб рақамига ўтказиб, мазкур пул маблағини ноқонуний йўллар билан қўлга киритилганлигини била туриб, мазкур пул маблағини Самарқанд шаҳри, М.Аъзам кўчасида "Samarkand Business Like" МЧЖ томонидан қурилаётган Тиббий клиниканинг қурилиш ишларига сарфлаб юбориб, жиноий йўллар билан топилган 50 млн. сўм пул маблағининг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини ўзгартириш усули билан легаллаштирган.

Бундан ташқари, Р.Наимов 2009 йилдан буён "Davlatjon Samarqand Savdo" масъулияти чекланган жамияти катта устаси вазифасида ишлаб келиб, 19.02.2015 йилда ўзи ва З.Халимов таъсисчилигида "Samarkand Business Like" масъулияти чекланган жамиятини давлат рўйхатидан ўтказиб, жамиятга раҳбарлик қилиб келиб, ғаразгўйлик ва бошқа манфаатларни кўзлаб, қасддан жиноий фаолият билан шуғулланиб, ноқонуний йўллар билан шахсий бойлик орттириш мақсадида ўзининг жиноий шериги - мазкур жамият раҳбари Д.Пулотов, бош муҳандиси Ж.Сотиволдиев билан бир гуруҳ бўлиб, пухта ўйланган ва ниқобланган криминал схемалар асосида ҳаракат қилиб, Самарқанд шаҳри, Б.И.Йўли кўчаси, $3^{Б}$-манзилда қурилаётган кўп қаватли уйнинг 32-хонадонини С.Фузайловнинг хабардорлигисиз сотиб юбориб, тушган пул маблағларини жамият ҳисоб рақамига топширмасдан фирибгарлик йўли билан ўзлаштириш мақсадида 2015 йилнинг бошларида инсофли харидор ҳисобланган Ш. Маруповга 207 млн. сўмга сотишни таклиф қилишган ва уларнинг таклифига рози бўлган Ш. Марупов томонидан жамиятнинг ДАТ "Халқ банки"нинг Самарқанд вилоят филиалидаги ҳисоб рақамига ҳамда АТБ "Микрокредитбанки"нинг Самарқанд вилоят филиалидаги ҳисоб рақамига жами 114 млн. 544 минг сўм тўлаб берилган бўлишига қарамасдан Ш. Маруповнинг номига хонадонни расмийлаштириб беришга ишонтиришиб, 16.01.2016 йилда 12-сонли давлат нотариал идораси орқали мазкур хонадонни аслида харидор (талабгор) бўлмаган фуқаро М.Махмудовнинг номига у томонидан хонадон учун жамият ҳисоб рақамига ҳеч қандай пул маблағи тўланмаганини билишгани ҳолда М.Махмудов билан нотариал тартибда

олди-сотди шартномаси расмийлаштиришиб, мазкур шартномада хонадон 115 млн. сўмга сотилгани ҳақида сохта маълумотлар киритишиб, жамиятга М.Махмудов томонидан хонадон учун 115 млн. сўмлик пул тўлови амалга оширилганлиги ҳақида сохта маълумотномани 12-сонли давлат нотариал идорасига тақдим этишиб, Ш. Маруповдан 207 млн. сўмлик оғзаки келишувга кўра қолган пул маблағининг 26 млн. 450 минг сўмини келиб чиқишига қонуний тус бериб, С.Фузайловдан яшириш мақсадида ЯТТ "Istamov Israil Istatovich" ва "Samarkand Business Like" МЧЖ ўртасида 16.06.2016 йилда цемент маҳсулоти сотиб олиш ҳақидаги шартномалар ниқоби остида Ш. Маруповдан 16.06.2016 йилда 6 млн. 450 минг сўм ва 21.09.2016 йилда 20 млн. сўм жами 26 млн. 450 минг сўмни ЯТТ "Istamov Israil Istatovich" орқали "Samarkand Business Like" МЧЖнинг АТБ "Микрокредитбанки" Самарқанд вилоят филиалидаги ҳисоб рақамига ўтказиб, мазкур пул маблағини ноқонуний йўллар билан қўлга киритилганлигини била туриб, мазкур пул маблағини Самарқанд шаҳри, М.Аъзам кўчасида "Samarkand Business Like" МЧЖ томонидан қурилаётган Тиббий клиниканинг қурилиш ишларига сарфлаб юбориб, жиноий йўллар билан топилган 26 млн. 450 минг сўм пул маблағининг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини ўзгартириш усули билан легаллаштирган.

Шу каби, Р.Наимов 2009 йилдан буён "Davlatjon Samarqand Savdo" масъулияти чекланган жамияти катта устаси вазифасида ишлаб келиб, 19.02.2015 йилда ўзи ва З.Халимов таъсисчилигида "Samarkand Business Like" масъулияти чекланган жамиятини давлат рўйхатидан ўтказиб, жамиятга раҳбарлик қилиб келиб, ғаразгўйлик ва бошқа манфаатларни кўзлаб, қасддан жиноий фаолият билан шуғулланиб, ноқонуний йўллар билан шахсий бойлик орттириш мақсадида ўзининг жиноий шериги - мазкур жамият раҳбари Д.Пулотов, бош муҳандиси Ж.Сотиволдиев билан бир гуруҳ бўлиб, пухта ўйланган ва ниқобланган криминал схемалар асосида ҳаракат қилиб, Самарқанд шаҳри, Б.И.Йўли кўчаси, $3^{Б}$-манзилда қурилган кўп қаватли уйининг $31^{А}$ ва $32^{А}$-рақамли мансард қисмларини сотиб олиш учун ҳақиқий харидор бўлмаганлиги сабабли имкон қадар тез фурсатларда жамият балансидан бегоналаштириб, кейинчалик С.Фузайловдан мазкур мансардларни ҳақиқий баҳосини яширган ҳолда сотиб юбориб, тушган пул маблағларини жамият ҳисоб рақамига топширмасдан фирибгарлик йўли билан ўзлаштириш мақсадида аслида жамиятга тегишли бўлган мазкур мансардларни сотиб олишга талабгор (харидор) бўлмагани ҳолда 21.01.2016 йилда 12-сонли давлат нотариал идораси орқали 8 млн. сўмга ўзига сотилганлиги ҳақида сохта маълумотлар киритилган нотариал олди-сотди шартномалари расмийлаштириб, жамиятга ўзи томонидан мазкур мансардларни сотиб олиш учун ҳеч қандай пул маблағи тўланмаганини билгани ҳолда жамият номидан мансардларни сотиб олиш учун жамиятга 8 млн. сўмдан жами 16 млн. сўм пул маблағи тўлаганлиги ҳақида сохта маълумотномалар тақдим этиб, олди-сотди шартномалари орқали мазкур мансардларни ўз номига расмийлаштиришга эришиб, мазкур жиноий қилмишларининг фош бўлиб қолмаслигини таъминлаш мақсадида ўзива жамият ўртасида "Қурилишда улушдор бўлиб қатнашиш ҳақида"ги сохта мазмундаги шартнома расмийлаштиришиб, кейинчалик 2016 йил август ойларида мазкур мансардларни сотиб олишга инсофли харидор ҳисобланган Ш. Мамарасуловни мансардларни сотиб олишга қизиқтиришганидан сўнг Ш. Мамарасулов билан мазкур мансардларни 100 млн. сўмдан жами 200 млн. сўмга олди-сотди қилиш ҳақида келишувга эришишиб, Ш. Мамарасуловнинг мазкур 200 млн. сўмлик пул маблағининг 80 млн. сўмни накд пул шаклида қўлга киритиб, қолган 120 млн. сўмлик пул маблағини келиб чиқишига қонуний тус бериб, С.Фузайловдан яшириш мақсадида "O'zbegim Plaza" МЧЖ ва "Samarkand Business Like" МЧЖ ўртасида 25.08.2016 йилда меҳмонхона инвентарлари сотиб олиш ҳақидаги шартнома ниқоби остида Ш. Мамарасуловдан 25.08.2016 йилда жами 120 млн. сўмни "O'zbegim Plaza" МЧЖ орқали "Samarkand Business Like" МЧЖнинг АТИБ "Ипотекабанк" Кўксарой филиалидаги ҳисоб рақамига ўтказиб, мазкур пул маблағини ноқонуний йўллар билан қўлга киритилганлигини била туриб, мазкур пул маблағини Самарқанд шаҳри, М.Аъзам кўчасида "Samarkand Business Like" МЧЖ томонидан қурилаётган Тиббий клиниканинг қурилиш ишларига сарфлаб юбориб, ноқонуний йўллар билан топилган 120 млн. сўм пул маблағининг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини ўзгартириш усули сифатида "Samarkand Business Like" МЧЖнинг АТБ "Микрокредитбанки" Самарқанд вилоят филиалидаги иккиламчи ҳисоб рақамига ўтказиб легаллаштирган.

Бундан ташқари, Р.Наимов 2009 йилдан буён "Davlatjon Samarqand Savdo" масъулияти чекланган жамияти катта устаси вазифасида ишлаб келиб, 19.02.2015 йилда ўзи ва З.Халимов таъсисчилигида "Samarkand Business Like" масъулияти чекланган жамиятини давлат рўйхатидан ўтказиб, жамиятга раҳбарлик қилиб келиб, ғаразгўйлик ва бошқа манфаатларни кўзлаб, қасддан жиноий фаолият билан шуғулланиб, ноқонуний йўллар билан шахсий бойлик орттириш мақсадида ўзининг жиноий шериги - мазкур жамият раҳбари Д.Пулотов, бош муҳандиси Ж.Сотиволдиев билан бир гуруҳ бўлиб, пухта ўйланган ва ниқобланган криминал схемалар асосида ҳаракат қилиб, Самарқанд шаҳри, Б.И.Йўли кўчаси, $3^{Б}$-манзилда қурилган кўп қаватли уйининг хонадонлари, мансардлари ва савдо дўконларини "Davlatjon Samarqand Savdo" МЧЖ таъсисчи С.Фузайловнинг хабардорлигисиз харидорларга сотиб юбориб, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан "Davlatjon Samarqand Savdo" МЧЖнинг 332 минг АҚШ долларилик 984 млн. 785 минг 800 сўм ва миллий валютадаги 3 млрд. 852 млн. 86 минг сўм жами 4 млрд. 836 млн. 871 минг 800 сўмлик жуда кўп миқдордаги пул маблағларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, жамиятга қарашли мол-мулкларни сотишдан тушган 4 млрд. 633 млн. 33 минг 800 сўмлик пул маблағларини жамиятга хизмат кўрсатувчи банк муассасаларига кирим қилмасдан, жамиятга қарашли мол-мулкларни сотишда нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномалари ва бошқа шартномаларда мол-мулкларнинг ҳақиқий баҳосини қасддан камайтириб кўрсатиш йўли билан солиқ ва бошқа мажбурий

тўловлардан 183 млн. 309 минг 800 сўмлик жуда кўп миқдордаги қийматда бўйин товлаб, мазкур пул маблағлари жиноий йўллар билан қўлга киритилганлигини ҳамда Самарқанд шаҳар ҳокимининг 21.12.2015 йилдаги 1694-Қ-сонли қарори билан “Samarkand Business Like” МЧЖга Самарқанд шаҳри, М.Аъзам кўчасида жойлашган жами 1 400 кв. метр ер майдонида тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари асосида маиший хизмат кўрсатиш биноси қуришга рухсат берилганини била туриб, 2016 йилнинг охирларида Д.Пулотов билан бир гуруҳ бўлиб, жиноий йўллар билан топилган мазкур пул маблағларини келиб чиқиш манбаига қонуний тус бериш ва мулкка айлантириш мақсадида 2018 йилнинг охирига қадар юқорида кўрсатилган манзилда мавжуд лойиҳа қиймати 2 млрд. 508 млн. 823 минг 336 сўмга тенг бўлган бино-иншоотнинг (Тиббий клиника) қурилиш ишларига мазкур пул маблағларини сарфлаб, жиноий йўллар билан топилган пул маблағларининг келиб чиқиш манбаига қонуний тус бериб, мулкка айлантириб, легаллаштирган.

Судланувчилар Р.Наимов, Ж.Сотиволдиев ва Х.Пулотовлар ҳамда уларнинг ҳимоячиси-адвокатлар М.Ярашева, Қ.Эшонқулов ва Тангирбердиевлар апелляция шикоятларида, дастлабки тергов органи ва биринчи босқич суди томонидан иш бир томонлама олиб борилганлиги, тергов органи ва суд томонидан ЖПК талаблари қўпол равишда бузилганлиги, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувлари суд ҳукмида нотўғри қайд этилганлиги, судланувчилар Р.Наимов, Ж.Сотиболдиев ва Х.Пулотовларнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари йўқлиги сабабли уларга нисбатан чиқарилган суд ҳукмини бекор қилиб, оқлов ҳукми чиқаришни сўраган.

Жабрланувчи С.Фузайлов апелляция шикоятида, судланувчи Ф.Вохидовни ҳам айрим айблов эпизодларида иштирокчилиги мавжудлиги сабабли унга нисбатан қонуний чора кўришни ҳамда етказилган моддий зарар суммасини ундириб беришни сўраган.

Судлов ҳайъати иш бўйича вилоят судининг судьяси Т.Кодировнинг маърузасини, прокурор Э.Султановнинг шикоятлардаги важлар асоссиз бўлганлиги боис, суд ҳукминиўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги хулосасини, судланувчилар Р.Наимов, Ж.Сотиволдиев, Х.Пулотов ва Ф.Вохидовлар ҳамда уларнинг ҳимоячиси-адвокатлар М.Ярашева, Қ.Эшонқулов, Тангирбердиев ва Ш.Розиқовларнинг апелляция шикоятларини қувватлаб, шикоятларни қаноатлантириш, жабрланувчи С.Фузайловнинг апелляция шикоятини рад қилиш ҳақидаги ҳамда жабрланувчи С.Фузайлов ва унинг ҳимоячиси-адвокат С.Ибрагимовларнингапелляция шикоятларини қувватлаб, судланувчи ва уларнинг ҳимоячилари томонидан берилган апелляция шикоятларини рад қилиш ҳақидаги фикрларини тинглаб, апелляция шикоятларида келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукминиўзгартиришни лозим топди.

Судланувчилар Р.Наимов, Ж.Сотиволдиев, Х.Пулотов ва Ф.Вохидовларнинг айби, судда сўралган жабрланувчи С.Фузайлов, гувоҳлар А.Пардаев, Ф.Сафин, Ш.Адашев, А.Файзиев, М.Асимов, Ж.Мухторова, М.Ҳакимов, З.Акбарова, К.Фатуллаев, Б.Аминов, У.Рахимов, А.Мухсинов, С.Эшонқулов, Э.Абдурахимова, Ш.Гулямов, О.Кудратов, Д.Муминов, Р.Азгаров, Ж.Субханова, Ш.Марупов, А.Нарзикулов, И.Эргашев ва бошқа гувоҳларнинг кўрсатувлари,фуқароУ. Садуллаеванинг ТИФ “Миллий банки”нинг Регистон филиалидаги омонот ҳисоб рақами айланмасида 124 млн. сўмлик пул маблағлари Д. Пулотовнинг омонот ҳисоб рақамига ўтказилган маълумотномаси, Марказий банкнинг Самарқанд вилоят Бош бошқармаси мутахассиси С.Очилов томонидан “Davlatjon Samarqand Savdo” МЧЖга ажратилган кредит маблағларини ўрганилиши юзасидан расмийлаштирилган маълумотнома, 14.08.2013 йилда С. Эшонқулов билан Д. Пулотов ўртасида тузилган 15-сонли “Қурилишда улушдор бўлиб қатнашиш ҳақида”ги шартнома нусхаси, Г.Рахмонқулованинг сўроқ баённомасига илова сифатида тақдим этилган ва Ж.Сотиволдиевнинг 90 минг АҚШ доллари олганлиги ҳақидаги сўзлари ёзиб олинган 1 дона CD диск, Самарқанд шаҳар Давлат хизматлари маркази мутахассиси У.Абдурахмонов томонидан “Davlatjon Samarqand Savdo” МЧЖнинг таъсис этилиши ва унинг кейинги ҳуқуқий ҳолатини ўрганиш юзасидан расмийлаштирилган маълумотнома, Э.Абдурахимованинг Ж.Сотиволдиев ундан 16.01.2016 йилда 21 млн. сўм пул олганлиги ҳақидаги тилхат нусхаси, Б.Аминовнинг Ж.Сотиволдиев ундан савдо дўкони учун 33 минг АҚШ доллари олганлиги ҳақидаги тилхат нусхаси, Ф.Имомовага ажратилган ипотека кредити бўйича тузилган ҳужжатларда Р.Наимовнинг омонот ҳисоб рақамига 240 млн. сўм ўтказилганлиги, 28.12.2018 йилда Р.Наимовнинг яшаш хонадонида ўтказилган тинтувда олиб қўйилган SM-№ 257375-сонли “Samarkand Business Like” МЧЖ муҳри ва жамият раҳбари Д.Пулотов томонидан тасдиқланган, 19.02.2015 йилдаги 2-сонли буйруқ билан корхонага ишчи вазифасида ишга қабул қилинганлиги ҳақидаги ёзувлар мавжуд бўлган меҳнат дафтарчасидан кўчирма нусха ва ксеро нусхаси, 28.12.2018 йилда “Оби-Раҳмат” тўйхонасида ўтказилган тинтувда олиб қўйилган 23.06.2016 йилдаги Р.Наимов билан У.Садуллаева ўртасида тузилган олди-сотди шартномаси, 28.12.2018 йилда “Оби-Раҳмат” тўйхонасида ўтказилган тинтувда олиб қўйилган 21.01.2016 йилдаги Д.Пулотов билан Ж.Сотиволдиев ўртасида тузилган 438-рақамли олди-сотди шартномаси, 28.12.2018 йилда “Оби-Раҳмат” тўйхонасида ўтказилган тинтувда олиб қўйилган 21.01.2016 йилдаги Д.Пулотов билан Р.Наимов ўртасида тузилган 432-рақамли олди-сотди шартномаси, 28.12.2018 йилда “Оби-Раҳмат” тўйхонасида ўтказилган тинтувда олиб қўйилган А.Нарзиқулов томонидан “Davlatjon Samarqand Savdo” МЧЖга 88 млн. 800 минг сўм тўланганлиги ҳақидаги рақамсиз, санасиз ва имзосиз маълумотнома, 28.12.2018 йилда “Оби-Раҳмат” тўйхонасида ўтказилган тинтувда олиб қўйилган “Davlatjon Samarqand Savdo” МЧЖга Вохидов Фарход Азизович томонидан 120 млн. сўм тўланганлиги ҳақидаги 09.01.2016 йилдаги 29-сонли маълумотнома, 28.12.2018 йилда “Оби-Раҳмат” тўйхонасида

ўтказилган тинтувда олиб қўйилган ДТ “Халқ банк” томонидан фуқаро Б.Мустафоев номига очилган СЕРИЯ ХВ 0064212-омонат дафтарчасининг 1 варағи нусхаси, 28.12.2018 йилда Ж.Сотиволдиевнинг яшаш хонадонида ўтказилган тинтувда олиб қўйилган “Davlatjon Samarqand Savdo” МЧЖга фуқаро Наимов Рустам Абдурафикович томонидан 110 млн. сўм тўланганлиги ҳақидаги 09.01.2016 йилдаги 36-сонли маълумотнома, 19.04.2018 йилдаги 7138, 7139-рақамли почта квитанциялари, “Халқ банки”га тўланганлиги ҳақидаги 21.09.2016 йилдаги 65 минг 200 сўмлик тўлов паттаси, Ж.Сотиволдиевнинг яшаш хонадонида ўтказилган тинтувда олиб қўйилган “Davlatjon Samarqand Savdo” МЧЖнинг кредит қарздорлигини сўндириш учун С.Фузайлов томонидан ўтказилган пул маблағлари ҳақидаги маълумотлар, гувоҳ Ш.Марупова тақдим қилган 20.01.2016 йилдаги 8/17-сонли шартнома нусхаси, 1 варақдан иборат бўлган 01.03.2016 йилдаги Р.Наимовнинг тилхати, 16.12.2015 йилдаги 16/1-сонли 3 млн. сўмлик кирим ордери, 25.01.2016 йилдаги 5-сонли 6.220.000 сўмлик тўлов топшириқномаси, 18.06.2016 йилдаги “Истамов И.И.” ЯТТнинг банк ҳисоб рақами айланмаси нусхаси, сўроқ баённомалари, тушунтириш хатлари ва жиноят ишида мавжуд бошқа инкор этиб бўлмайдиган далиллар билан тўлиқ ўз исботини топган.

Биринчи босқич суди томонидан судланувчиР.Наимовнинг содир қилган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди, 28,181[1]-моддаси 1-қисми, 28,184-моддаси 3-қисми, 28,189-моддаси, 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари ва 243-моддаси билан, судланувчи Ж.Сотиволдиевнинг жиноий ҳаракатлари ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди, 28,181[1]-моддаси 1-қисми, 28,184-моддаси 3-қисми, 28,189-моддаси, 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан, судланувчи Х.Пулотовнинг жиноий ҳаракатлари ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” банди, 228-моддаси 2-қисми ва 243-моддаси билан, судланувчи Ф.Воҳидовнинг жиноий ҳаракатлари ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” банди ва 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан тўғри квалификация қилинган.

Судланувчилар Р.Наимов, Ж.Сотиволдиев ва Х.Пулотовлар ҳамда уларнинг ҳимоячиси-адвокатлар М.Ярашева, Қ.Эшонқулов ва Тангирбердиевларнинг апелляция шикоятларидаги, дастлабки тергов органи ва биринчи босқич суди томонидан иш бир томонлама олиб борилганлиги, апелляция шикоятларидаги, дастлабки тергов органи ва биринчи босқич суди томонидан иш бир томонлама олиб борилганлиги ҳақидаги важлари билан келишиб бўлмайди.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 5-бандида, “Судларнинг эътибори ЖПК 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратилсин. Бунда ЖПК 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан ҳукм фақат суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асослантирилган бўлиши лозим”лиги тўғрисида тушунтириш берилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” ги Қарорининг 2-бандида далил тегишли субъект томонидан, яъни далилни олиш билан боғлиқ бўлган процессуал ҳаракатни ўтказишга ваколатли мансабдор шахс томонидан олинган бўлиши, фактга оид маълумотлар фақат ЖПКнинг 81-моддаси иккинчи қисмида қайд этилган манбалардан олинган бўлиши, далил уни олиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатни ўтказишга оид қоидалар ва тартибга риоя этилган ҳолда олинган бўлиши, далилни олишда тергов ва суд ҳаракати жараёни ва натижаларининг қайд этилишига доир қонуннинг барча талабларига амал қилинган бўлиши далиллар мақбуллигининг шартлари сифатида қайд этилган бўлиб, ишни дастлабки тергов органи ва биринчи босқич судида кўришда юқоридаги қоидаларга амал қилган ҳолда тўпланган далилларга баҳо бериб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддаси талабига асосан иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириб, қонуний тўхтамга келган.

Бундан ташқари, судланувчилар ва уларнинг ҳимоячиларининг апелляция шикоятларидаги, тергов органи ва суд томонидан ЖПК талаблари қўпол равишда бузилганлиги, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувлари суд ҳукмида нотўғри қайд этилганлиги борасидаги важлари билан ҳам келишиб бўлмайди.

Чунки, иш ҳужжатларига кўра, дастлабки тергов жараёнидаги барча ҳаракатлар Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг нормаларига асосан олиб борилган бўлиб, барча суриштирув ва тергов ҳаракатлари судланувчиларнинг ҳимоячилари иштирокида амалга оширилиб, тузилган сўроқ баённомаларига судланувчилар ўз ихтиёри билан имзо қўйишганлиги ҳужжатларда қайд этилган.

Судлов ҳайъати, шикоятдаги, суд жараёнида ЖПКнинг талаблари қўпол равишда бузилганлиги ҳақидаги важларини муҳокама қилиб, жиноят ишини биринчи босқич суди жараёнида кўриб чиқилиши ЖПКнинг талаблари асосида ва суд муҳокамаси жараёнида иш юзасидан ҳақиқий ҳолатлар суд мажлиси баённомасида ЖПКнинг 426-моддасининг 1-қисми асосида ҳамда ЖКнинг 90-92-моддалари тартибида ўз аксини топганлиги ва раислик қилувчи ва суд мажлиси котиби томонидан суд мажлиси баённомасида далилларни қайд этишнинг тўғрилиги тасдиқланиб имзолар қўйилган ҳамда ЖПКнинг талаблари қўпол равишда бузилганлигини тасдиқловчи бирон-бир далил ёки судланувчилар ва уларнинг ҳимоячилари томонидан ЖПКнинг 427-моддасида белгиланган муддатларда шикоят (мулоҳаза)лар билдирилмаганлиги билан ушбу важлар ҳам инкор қилинади.

Шунингдек, шикоятлардаги, судланувчилар Р.Наимов, Ж.Сотиволдиев ва Х.Пулотовларнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари йўқлиги сабабли уларга нисбатан чиқарилган суд ҳукмини бекор қилиб, оқлов ҳукми чиқариш ҳақидаги важлари билан ҳам келишиб бўлмайди.

Чунки, ушбу важлар юқоридаги судда сўралган жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, АТБ “Халқ банки” Самарқанд вилоят амалиёт филиалининг 10.01.2019 йилдаги 09-01/19-сонли “Davlatjon Samarqand Savdo” МЧЖнинг ҳисоб рақами айланмаси тарихи, “Ўзмиллий банки” Самарқанд вилоят бўлимининг 16.01.2019 йилдаги эш-249/02-сонли “Davlatjon Samarqand Savdo” МЧЖнинг ҳисоб рақами айланмаси тарихи, “Samarkand Business Like” МЧЖ таъсисчиларининг 31.08.2017 йилдаги 1-сонли умумий йиғилиш баёни, “Davlatjon Samarqand Savdo” МЧЖнинг молиявий-хўжалик фаолиятида солиқ қонунчилигига риоя этилиши юзасидан ўтказилган 16.01.2019 йилдаги ҳужжатли тафтиш далолатномаси, 06.08.2018 йилдаги 4272/1.1.-сонли судга оид хатшунослик экспертиза хулосасида 21.01.2016 йилда 436,437,438, 439-рақамли ҳамда 22.01.2016 йилдаги 457-рақамли олди-сотди шартномаларидаги имзолар ва ёзувлар Ж.Сотиволдиевга тегишли эканлиги, С.Фузайловнинг кўрсатувларини ҳодиса жойида текшириш баённомаси, 24.08.2018 йилдаги 4440/1.1-сонли судга оид хатшунослик экспертиза хулосасида 11.06.2012 йилдаги 2-3198-сонли реестрга қайд қилинган аризадаги “Хамраев Мирзоб” қўлёзма ёзуви М.Хамраев томонидан бажарилганлиги, 24.08.2018 йилдаги 4440/1.1.-сонли экспертиза хулосасида 11.06.2012 йилдаги “Davlatjon Samarqand Savdo” МЧЖ умумий йиғилишининг 2-сонли баёнидаги, 09.07.2012 йилдаги 9023-сон билан рўйхатдан ўтказилган жамият устав ва таъсис шартномасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги ҳужжатдаги “Хамраев Мизроб” қўлёзма ёзувлари ва имзолари М.Хамраев томонидан эмас бошқа шахслар томонидан бажарилганлиги, Самарқанд шаҳридаги 12-сонли давлат нотариал идораси нотариуси томонидан “Davlatjon Samarqand Savdo” МЧЖ таъсисчиси М.Хамраев 11.06.2012 йилдаги устав фондидаги 420 минг сўмлик улушини Д.Пулотов ва С.Фузайловларнинг ихтиёрига ўтказиш тўғрисидаги тасдиқланган аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар, Самарқанд шаҳар Давлат хизматлари марказидан олиб қўйилган “Samarqand Safina Plus” МЧЖнинг 16.09.2013 йилдаги таъсис ҳужжатларидаги Х.Пулотов ва С.Фузайлов мазкур жамият таъсисчилари сафига қабул қилинганлигини тасдиқловчи жамиятнинг 05.09.2013 йилдаги 5-сонли буйруқ, 14.01.2019 йилда Самарқанд вилоят иқтисодий суди томонидан 07-08/80-131-сонли хат билан тақдим қилинган 14-1515/12294-сонли хўжалик ишида мавжуд “Samarqand Safina Plus” МЧЖ раҳбари Ф. Воҳидов ва “Samarkand Business Like” МЧЖ раҳбари Р.Наимов ўртасида 16.03.2015 йилда тузилган рақамсиз 575 млн. сўмлик олди-сотди шартномаси нусхаси, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси номидан Самарқанд вилоят собиқ Хўжалик судига 16.07.2015 йилда тақдим этилган қарздор - “Samarqand Safina Plus” МЧЖдан ундирувчи - “Samarkand Business Like” МЧЖ фойдасига дебитор қарздорликни ундириш ҳақидаги даъво аризалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа ишончга сазовор далиллар йиғиндиси билан тўлиқ инкор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 11 февралдаги “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги 01-сонли Қарорининг 3-бандида, “Даромадларини легаллаштириш деганда, айбдор томонидан жиноий фаолият натижасида орттирилган мулк (пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк)нинг келиб чиқишига қонуний тус берилиши тушунилиши лозим. Бундай мулкка қонунмий тус бериш пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан, одатда, молиявий операциялар ва бошқа битимлар амала оширишда ифодаланади” деб кўрсатилган.

Иш ҳолатларига кўра, судланувчилар Р.Наимов ва Х.Пулотовлар бир гуруҳ шахслар билан биргаликда 300 минг АҚШ доллари ва 3 млрд. 179 млн. 473,3 минг сўмлик пул маблағларини мулкка айлантириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериб, худди шунингдек бундай пул маблағларининг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиб, кўчириш усулини, пул маблағларига, мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ва унинг кимга қарашлилигини яшириб ва сир сақлашиб, жиноий йўл билан қўлга киритилган мол-мулк ва пул маблағларини ўзаро тақсимлашган.

Судлов ҳайъати, судланувчилар Р.Наимов, Ж.Сотиволдиев ва Х.Пулотовларнинг томонидан шикоятларида келтирилган важларни жавобгарликдан қутулиб қолиш мақсадида ўйлаб топилган асоссиз важлар сифатида баҳолайди.

Шу маънода, судлов ҳайъати, судланувчилар Р.Наимов, Ж.Сотиволдиев ва Х.Пулотовларга нисбатан оқлов ҳукми чиқариш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Жабрланувчи С.Фузайловнинг апелляция шикоятидаги, судланувчи Ф.Вохидовни ҳам айрим айблов эпизодларида иштирокчилиги мавжудлиги сабабли унга нисбатан қонуний чора кўришни ҳамда етказилган моддий зарар суммасини ундириб бериш ҳақидаги важлари билан келишиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида”ги Қарорининг 29-бандида, «...давлатга ва фуқароларга етказилган зарарни тўлиқ ундиришга эришилсин» деб кўрсатилган.

Иш ҳужжатларига кўра, судланувчилар Р.Наимов, Ж.Сотиволдиев ва Х.Пулотовлар томонидан содир этилган жиноятлари оқибатида жабрланувчи С.Фузайловга жами 4.836.871.800 сўм миқдоридаги моддий зарар етказилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11-сентябрдаги “Жиноий ҳаракатлари оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш масаласига доир суд амалиёти тўғрисида”ги 21-сонли Қарорининг 10-бандида, “Биргаликдаги жиноий ҳаракатлар натижасида зарар етказган барча шахслар етказилган моддий зарарни қоплашда солидар жавобгар бўладилар” деб кўрсатилган қонун нормасидан келиб чиққан ҳолда, биринчи босқич суди томонидан судланувчилар Р.Наимов, Ж.Сотиволдиев ва Х.Пулотовлар солидар тартибда жиноят оқибатида етказилган 4.836.871.800 сўм миқдоридаги моддий

зарар, жабрланувчи С.Фузайловнинг фойдасига ундирилиши белгиланиб қонуний ва асосли тўхтамга келган.

Иш ҳужжатларига кўра, судланувчи Ф.Воҳидов томонидан унинг жиноий ҳаракатлари натижасида етказилган зарарнинг ўрни тўлиқ қопланганлиги кўринади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 4-сонли Қарорининг 12-бандида, жиноят натижасида етказилган зарар суммасининг камида ярми айбдор томонидан қопланганлиги жазони жиддий камайтирувчи ҳолат деб топилиши мумкин” лиги ҳақида тушунтириш берилган.

Юқоридаги Пленум Қарорининг 9-бандида, «ЖК 167, 168, 170, 184-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланган тақдирда маҳкумга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазонинг қўлланилиши истисно этилади. Шу муносабат билан қонуннинг мазкур нормаларида назарда тутилган шарт бажарилган ҳолларда тегишли апелляция, кассация, назорат инстанцияси суди, моддий зарар қайси судлов босқичида қопланганлигидан қатъий назар, қамоқда сақланаётган шахсларга нисбатан эҳтиёт чораси турини, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган шахсларга нисбатан эса, жазо турини ўзгартириш масаласини дарҳол ҳал этиши шарт» деб раҳбарий тушунтириш берилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 5-қисмида, етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги кўрсатилган.

Биринчи босқич суди томонидан, Ф.Вохидов айбли деб топилган айблов эпизодларидан бошқа айрим эпизодларда ҳам иштирокчилиги мавжудлигини тасдиқловчи далиллар тўпланмаганлиги сабабли судланувчи Ф.Воҳидовга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда, у томонидан етказилган зарарнинг ўрни тўлиқ қопланганлиги инобатга олиниб, унга нисбатан моддалар санкциясида кўрсатилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлаб, қонуний ва адолатли қарор қабул қилган.

Апелляция инстанцияси жабрланувчи С.Фузайловнинг шикоятидаги, хатловга олинган Самарқанд шаҳар, Оби-Рахмат кўчаси, $3^{A}$-манзилда жойлашган “Оби-Рахмат” пешлавҳали ресторан биносини, “Самарқанд Бизнес Лайк” МЧЖ балансидаги 115.000.000 сўмга баҳоланган “Камаз” русумли 30 559 LAA давлат белгили автомашинани унга етказилган зарарни қоплаш ҳисобидан беришлик ҳақидаги важларини муҳокама қилиб, содир этилган мазкур жиноят оқибатида нафақат унга, балки давлат манфаатларига ҳам солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш орқали зарар етказилганлигини инобатга олиб, “Samarkand Business Like” МЧЖ балансидаги 115.000.000 сўмга баҳоланган Камаз русумли 30 559 LAA давлат белгили автомашинани жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплаш учун ундиришга қаратишликни лозим деб топади.

Самарқанд шаҳар иқтисодий судининг 2019 йил 27 июндаги қарорига асосан Самарқанд шаҳар, Оби-Рахмат кўчаси, $3^{A}$-манзилда жойлашган “Оби-Рахмат” пешлавҳали ресторан биноси, ёрдамчи хўжаликлари ва унинг таркибий қисмлари АТ “Халқ банки”дан олган кредит учун гаровга қўйилганлиги сабабли ундирув мазкур мулкка қаратилганлиги аниқланди. Биринчи босқич суди хатловга олинган Самарқанд шаҳар Оби-Раҳмат кўчаси $3^{A}$-манзилда жойлашган “Оби-Раҳмат” пешлавҳали ресторан биноси, ёрдамчи хўжаликлари ва унинг таркибий қисмлари Самарқанд шаҳридаги “Samarkand Safina Plus” МЧЖ фойдаси ёки балансига ўтказиш ҳақида барвақт хулосага келганлиги кўринади. Мазкур объект банк томонидан кредит маблағининг таъминоти учун гаров тариқасида қабул қилиниб олинган бўлиб, “Самарқанд Бизнес Лайк” МЧЖ балансидаги Самарқанд шаҳар Оби-Раҳмат кўчаси $3^{A}$-манзилда жойлашган “Оби-Раҳмат” пешлавҳали ресторан биноси, ёрдамчи хўжаликлари ва унинг таркибий қисмлари тақиқда бўлганлигига эътибор берилмаган. Апелляция инстанцияси ҳукмнинг “Хатловга олинган Самарқанд шаҳар, Оби-Рахмат кўчаси, $3^{A}$-манзилда жойлашган “Оби-Рахмат” пешлавҳали ресторан биноси, ёрдамчи хўжаликлари ва унинг таркибий қисмлари Самарқанд шаҳридаги “Samarkand Safina Plus” МЧЖ фойдаси ёки балансига ўтказилсин” деган жумласини чиқаришликни лозим деб топди.

Апелляция инстанцияси, манфаатдор томонларга Самарқанд шаҳар иқтисодий судининг 2019 йил 27 июндаги қарорига асосан Самарқанд шаҳар Оби-Рахмат кўчаси 3А-манзилда жойлашган “Оби-Рахмат” пешлавҳали ресторан биноси, ёрдамчи хўжаликлари ва унинг таркибий қисмлари АТ “Халқ банки”дан олган кредит учун гаровга қўйилганлиги сабабли шу мулкка қаратганлиги масаласи, мазкур мулкнинг бошланғич нархига муносабат билдириш ҳуқуқлари мавжудлигини тушунтиришликни лозим деб топди.

Апелляция инстанцияси юқорида баён этилганларни инобатга олиб, судланувчилар Р.Наимов, Ж.Сотиболдиев, Х.Пулотовлар ва уларнинг ҳимоячилари томонидан келтирилган апелляция тартибидаги шикоятларини қаноатлантирилмасдан қолдиришликни, жабрланувчи С.Фузайлов томонидан келтирилган апелляция тартибидаги шикоятини қисман қаноатлантиришликни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 490, 491, 496, $497^{13}$, $497^{18}$-моддаларини қўллаб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати;

**А Ж Р И М  Қ И Л А Д И:**

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2019 йил 29 июндаги **Наимов Рустам Абдурафикович (Naimov Rustam Abdurafikovich), Сотиволдиев Жамол Комилович (Sotivoldiyev Jamol Komilovich), Пулотов Хушбахт Обидович (Pulotov Khushbaxt Obidovich)** ва **Воҳидов Фарҳод Азизович (Vohidov Farhod Azizovich)**ларга нисбатан чиқарилган ҳукмининг фуқаровий даъвога оид қисми ўзгартирилсин.

Ҳукмнинг “Хатловга олинган Самарқанд шаҳар, Оби-Рахмат кўчаси, $3^{А}$-манзилда жойлашган “Оби-Рахмат” пешлавҳали ресторан биноси, ёрдамчи хўжаликлари ва унинг таркибий қисмлари Самарқанд шаҳридаги “Samarkand Safina Plus” МЧЖ фойдаси ёки балансига ўтказилсин” деган жумласи чиқарилсин.

Хатловга олинган “Samarkand Business Like” МЧЖ балансидаги 115.000.000 сўмга баҳоланган Камаз-55111 русумли 30 559 LAA давлат белгили автомашина зарарни ундиришга қаратилсин.

Судланувчилар Р.Наимов, Ж.Сотиболдиев, Х.Пулотовлар ва уларнинг ҳимоячилари томонидан келтирилган апелляция тартибидаги шикоятлари қаноатлантирилмасдан қолдирилсин, жабрланувчи С.Фузайлов томонидан келтирилган апелляция тартибидаги шикояти қисман қаноатлантирилсин.

Ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

**Раислик қилувчи судья:** *(имзо)* **Т.Кодиров**

**Ҳайъат судьялари:** *(имзо)* **Ғ.Негматов**

*(имзо)* **М.Тухтаев**

*Ажрим нусхаси аслига тўғри:*